R 496
1984/10

Экз. №2

ГУЛИСТОН

10
1984

Абдулла ОРИПОВ

ЎЗБЕК ПАХТАСИ

Дунёда қутловлар бор
Бири биридан гўзал,
Дунёда табриклар бор
Бири биридан эзгу.
Ва лекин бу оламда
Топилмас ҳеч бир маҳал
Она юрт қутловидан
Баландроқ бирор туйғу.
Шу мўъжаз ҳаётимни
Эл-юртга боғлабман то,
Бир кетмончи ўғлидай
Унга эшман — тирикман.
Каҳрабо тизимчанинг
Донаси каби гўё
Мустаҳкам шу қаторнинг
Тақдирига шерикман.
Тонг билан Ватан бўйлаб
Бир хабар қоқди қанот,
Ўзбек яна ўз сўзин
Устивор дўндирипти.
Бетимсол талатўпда
Музаффару босабот —
Ўзбек яна дўпписин
Қиялаб қўндирипти.
Миллион йиллик сўз эрур
Пахта бизнинг луғатда,
Жўякларда бошланган
Оналар тўлғоқ дарди.
Мабодо ўсимликка
Забон битса албатта,
Пахта нави энг аввал
Ўзбекча гапирарди.
Одатий нурин сочар
Оламга ҳар кун қуёш,
Бағрида не сирлар бор —
Сиғмайди тасаввурга!
Шу бир чаноқ пахта ҳам
Зоҳирдан масъум, ювош
Ва лекин заҳматлари
Сиғмас онгга, шуурга.
Дунёда инсонлар бор
Майда бир армон сабаб
Бир-бирин ёқавайрон,
Тупроққа қоришади...
Оламнинг эгнин бутлаш —
Ўзбекда шудир матлаб,
Шу армон, деб чўнг халқим
Бир умр олишади.
Бизнинг уйган хирмонга
Чамбар қилсанг чечакдан,
Юлдузлар шабнам мисол
Бўларди унга инжу.
Боласи уйда қолган
Муштипар келинчакдан
Хизирсифат чолгача —
Барчанинг меҳнати бу!
Халқим, сенсан элларга
Тўкин дастурхон тузган,
Неъматинг ўзингга ҳам
Барқарор бўлсин, дейман.
Уйган бу хирмонинг ҳам
Қуёшга қўлин чўзган
Муҳташам ҳайкалингга
Пойдевор бўлсин, дейман!

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ВОСИТАСИ

Қўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

ГБ УзССР
Ж

Бундан олтмиш йил муқаддам Коммунистик партиянинг изчил ленинча миллий сиёсати туфайли Ўрта Осиё каби ўтмишда қолоқ бўлган ўлкада миллий-давлат чегараланиши амалга оширилди ва бошқа республикалар қатори Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ҳам бунёд этилди. Миллий-давлат чегараланиши Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари ҳаётида оламшумул тарихий аҳамиятга молик воқеа эди. Доҳиймиз В. И. Ленин Октябрь инқилобидан аввал Ўрта Осиёнинг иқтисоди ва маданияти билан танишар экан, бу ўлкани «соф мустамлака» деб атаган эди, яъни ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар, қозоқлар, туркманлар, қорақалпоқлар ва бошқа туб миллат вакиллари сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлардан маҳрум этилган эдилар.

Миллий-давлат чегараланиши туфайли Ўрта Осиё ва Қозоғистон меҳнаткашлари иқтисодий ва маданий тараққиётнинг таъсирчан воситасини қўлга киритдилар. Бу восита социалистик республикалар эди. Ҳар бир Совет Социалистик Республикаси, бу — капитализм ва феодализм қолдиқларига, ўтмиш иллатларига қарши курашнинг омилкор қуролидир, янгилик, янги ҳаёт, социализм, тенглик, тинчлик учун курашнинг амалий йўлидир.

Ҳозирги пайтда Ўрта Осиё халқлари дунёда энг илғор социалистик миллатларга айландилар, уларнинг иқтисодий ва маданий, ижтимоий-сиёсий ва илмий-техникавий соҳалардаги ютуқлари дўстларни қанчалар хурсанд қилса, мухолифларимизни шунчалар дарғазаб этмоқда.

Муваффақият, ютуқ деганда биз, одатда, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фан соҳасидаги ижобий ўзгаришларни тушунамиз. Ҳақиқатан ҳам, социалистик Ўзбекистон босиб ўтган олтмиш йил давомида республикада шундай улкан ўзгаришлар рўй бердики, булар ҳақида қанча гапирса шунча оз. Масалан, Ўзбекистон саноати Иттифоқимиздаги пахта етиштирадиган барча республикаларни ерни ҳайдайдиган, борона қиладиган, ариқ очадиган, чигит экадиган, ғўзага ишлов берадиган, ҳосилни йиғиштириб оладиган, кўрак чувийдиган машиналар билан таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги, маданият ва фан соҳасидаги ютуқларимиз ҳақида ҳам тўлиб-тошиб сўзлаш мумкин. Лекин яна бир умуммиллий муваффақиятимиз хусусида фикр юритмоқчиман. Бу — улуғ рус тили ҳақидадир.

Улуғ рус тилини эгаллаб олиш қай даражада ютуқ ва муваффақият эканлигини ҳис этмоқ учун, аввало тилнинг киши ва жамият ҳаётидаги ўрнини аниқлаб олиш керак. Маълумки, тилсиз, фикр алмашиш воситасисиз кишилик жамиятининг ўзи бўлиши мумкин эмас. Тил ёрдамида кишилар бир-бирлари билан сўзлашадилар, фикрлашадилар, ўзларининг мақсад ва ниятларини бир-бирларига англатадилар. Яъни, тил, бу — жамият, ижтимоий синф, маълум бир тўда ёки гуруҳ аъзоларини жипслаштириш қуроли, уларни ягона мақсадга бўйсуниб ҳаракат қилишга чорловчи воситадир. Тилнинг ана шу ниҳоятда қимматли ролини марксизм-ленинизм асосчилари кўп марта таъкидлаб ўтганлар. Ана шу сабабли улар миллий тилларнинг ривожланиши масаласига катта эътибор билан қарадилар, чунки миллий тил ана шу миллат меҳнаткашларини ташкил қилиш, уларни революцияга, чуқур инқилобий ўзгаришларга сафарбар этишнинг таъсирчан қуролидир. Бу револю-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

ЭКЗ №2

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 10 (416)
Октябрь
1984

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

© «Гулистон», № 10, 1984 йил.

ция миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларни тубдан ўзгартиради, барча миллат ва элатларни социалистик асосда бириктириб, янги жамият яратиш жараёнини мисли кўрилмаган даражада тезлаштиради. Шахсий мулк ва эзувчи синфлар тугатилгач, миллат ва элатларнинг бирлашиши, жипслашиши учун ҳақиқий, ҳаётий замин юзага келади. Мамлакатимизда социалистик интернационализм ғоялари тантана қилиб, халқларнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги кундалик ҳаёт принципимизга айланди. СССР халқлари ягона бир оилага бирлашдилар. Табиийки, ягона оилада умумий тил ҳам бўлиши керак. Социализм халқлар маданиятини юксалтирди, уларни саводли қилди. Ана шу шароитда миллатлараро фикр алмашиш тилига бўлган талаб мисли кўрилмаган даражада ўсиб борди. Рус тили миллатлараро фикр алмашиш тилига айлана бошлади.

Нима учун? Чунки, биринчидан, бу тил мамлакат аҳолисининг деярли 60 проценти учун она тилидир. 1979 йили ўтказилган аҳоли рўйхати шуни кўрсатдики, мамлакатдаги 262,4 миллион аҳолидан 137,4 миллиони руслар, 16,3 миллиони эса рус тилини она тили деб билувчи рус бўлмаган кишилардир. Ундан ташқари, 124,7 миллион рус бўлмаган аҳолидан 61,3 миллиони рус тилини эркин билишини айтган. Лекин сон масаласи бу масаланинг биргина томони холос. Бу омил рус тилининг умум фикр алмашиш воситаси сифатида тарқалишига катта таъсир кўрсатди. Аммо, бу жараённи тезлаштирувчи яна бир улкан омил борки, у ҳам бўлса, рус халқининг мамлакатимиз халқларига муносабати, беғараз ёрдами, жангларда ва меҳнатдаги қаҳрамонлигидир. Бу халққа мамлакатимиздаги ўтмишда қолоқ, эзилган ва барча ҳуқуқлардан маҳрум бўлган элат ва миллатлар катта ишонч, ҳурмат ва эъзоз билан қарадилар. Бу халқларда рус кишиларига нисбатан дўстона туйғулар камол топиб, мустаҳкамланиб борди.

Яна бир муҳим омил, рус тили, бу — чексиз катта илму билимлар хазинаси эканлигидир. Ана шу сабабли мамлакатимиз халқларининг маданияти ва маърифати кўтарилгани сари рус тилига бўлган қизиқиш янада кучайиб бораверади.

Рус тили — дунёдаги энг бой тиллардан биридир. Бу тилда асрлар давомида инсоният даҳоси билан юзага келтирилган маънавий дурдоналар мужассамлаштирилган. Шу нарсага алоҳида эътибор бермоқ керакки, рус тили, бу — ленинизм тилидир, Владимир Ильич Ленин тилидир. Владимир Ильич Ленин Карл Маркс ва Фридрих Энгельс таълимотини империализм ва социалистик революциялар даврига мослаб ривожлантирди, революцион партия ҳақида таълимот юзага келтирди, социалистик революцияни қандай тайёрлаш йўлларини чизиб берди, унинг ҳаттоки бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлигини илмий исботлади, социализм қуришнинг реал планини яратди.

Рус тилига Карл Маркс ва Фридрих Энгельснинг ҳамма асарлари, улар билан иш олиб борган ва умуман жаҳон революцион ҳаракатига ўз ҳиссасини қўшган фидойиларнинг асарлари таржима қилинган. Сиз рус тилида Август Бебель, Георгий Димитров, Хо Ши Мин, Пальм Датт, Морис Торез, Эрнст Тельман, Жак Дюкло, Гэс Холл, Марсель Кашен, Пальмиро Тольятти, Карлос Луис Престес, Фидель Кастро Рус, Патрис Лумумба, Агостиньо Нето, Клемент Готвальд, Антонин Запотоцкий, Иосип Броз Тито ва бошқа ўнлаб коммунистик ва революцион ҳаракатнинг атоқли арбоблари асарларини ўқишингиз мумкин. Айни вақтда рус тилида миллий-озодлик ҳаракатининг раҳбарлари Жавоҳарлаъл Неру, Кваме Нкрума, Суинь Ят-сен ва бошқаларнинг диққатга молик фикрлари босилиб чиққан. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда социалистик революцияни тайёрлаш, уни амалга ошириш ва социализм қуриш ишига ўзларининг улкан улушларини қўшган ажойиб кишилар — Яков Свердлов, Феликс Дзержинский, Валериан Куйбишев, Михаил Фрунзе, Сергей Киров, Степан Шаумян, Серго Оржоникидзе, миллий ўлкаларда ва республикаларда иш олиб борган Петр Стучка, Мицкявичюс Капсукас, Ян Анвельт, Наримон Наримонов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ва ўнлаб бошқа инқилобчиларнинг асарлари ҳам рус тилида чоп этилган.

Туркистон халқлари билан тўғри муносабат боғлаш эндиликда Россия Социалистик Федератив Совет Республикаси учун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, жуда катта, жаҳоншумул-тарихий аҳамиятга эгадир.

Совет ишчи-деҳқон республикасининг кучсиз, шу дамгача эзилган мазлум халқларга муносабати бутун Осиё учун ва жаҳондаги ҳамма мустамлакалар учун, минглаб ва миллионлаб кишилар учун амалий аҳамиятга эга бўлади.

В. И. ЛЕНИН

(Тўла асарлар тўплами, 39-том, 349-бет).

Демак, рус тили, бу — биринчи навбатда революция тили, инқилоб қомуси, бутун жаҳон революцион ҳаракатининг назарий кучини ва амалий тажрибасини ўзида мужассамлаштирган тилдир. Ҳозирги даврда, империализм ва урушга қарши янги мустамлакачилик ва зўравонликка қарши бутун жаҳон миқёсида кураш авж олиб бораётган бир шароитда миллионлар рус тилини ўрганмоқдалар, бу тил орқали империализм ва жаҳолатдан қутулиш йўлини қидирмоқдалар.

Социализм ўз моҳияти билан бунёдкор жамиятдир. Жамият иқтисоди ва маданиятини юксалтириш — социализмнинг асл муддаоси. Социализм ўтмишда яратилган ҳамда ҳозирги замон фани ва техникаси юзага келтирган барча ютуқлардан фойдаланади, уларни социализмга хизмат қилдиради. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтмишда яшаган, аммо аста-секин унутилаёзган олимлар ва маданият арбоблари социализм туфайли, рус тили туфайли юзага чиқдилар. Ҳозирги вақтда жаҳон фани ва техникасининг энг мукаммал нашри ҳам, кутубхонаси ҳам рус тилида мавжуддир. Архимед ва Леонардо да Винчи, Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Фарғоний ва Улуғбек, Коперник ва Бруно, Галилей ва Кеплер, Гаусс ва Ньютон, Ломоносов ва Кулибин, Якоби ва Попов, Жуковский ва Чаплигин, Менделеев ва Сеченев, Павлов ва Ковалевская, Жолио Кюри ва Ирэн Кюри, Нильс Бор ва Альберт Эйнштейн, Рам Панжвоний ва Сиро Акобари каби фан ва техника соҳасидаги энг йирик олимларнинг асарларини рус тилида ўқиш мумкин.

Социализм мамлакатимизда илм-фанни тараққий эттириш учун барча шарт-шароитлар яратиб берди. Фан ва техника мисли кўрилмаган чўққиларга кўтарилди. Рус тили совет фанининг умумий тилига айланди. Рус тили сабабли СССРдаги барча олимларнинг кучлари, ҳаракатлари, интилишлари планли асосда бир мақсадга йўналтирилиб, илм-фан муаммоларини ҳал этиш жараёни тезлашди. Совет фани ўзининг намояндалари бўлмиш Курчатов ва Королев, Келдиш ва Александров, Амбарцумян ва Патон, Сатпаев ва Ҳ. Абдуллаев кабилар билан фахрланади. Рус тили туфайли ўзбек олимлари ҳам совет фанининг ютуқлари билан тезда танишиш имкониятига эгадирлар. Иккинчидан, бу тил орқали уларнинг илмий асарлари Иттифоқ ва жаҳон миқёсида тарқалмоқда.

Ҳозирги пайтда СССРда илмий ходимларнинг сони 1 миллион 400 мингдан ошиб кетди. Бу — жаҳондаги илмий ходимларнинг тўртдан бир қисми демакдир. Жаҳондаги янги илмий-техникавий ғояларнинг деярли олтмиш проценти совет олимларига мансубдир.

Социализм кишиларни бир бурда нон ташвишидан халос қилди. Социализм шароитида кишилар биринчи марта оммавий равишда руҳий-маънавий озуқа ҳақида ўйлай бошладилар. Ривожланган социализм шароитида эса руҳий-маънавий озуқа масаласи энг жиддий масалалардан биридир. Миллатлар ва элатлар ўртасида ишончсизликка абадий барҳам берилган, уларнинг маданияти ўзаро бойиш ва бойитиш принциплари асосида ривожлана бошлади. Ана шу бир-бирини бойитишнинг конкрет йўлларидан бири — бошқа миллат ва элат вакиллари яратган асарлардан баҳраманд бўлиш, илмий ғояларни ўзлаштиришдан иборат. Аммо, афсуски, ҳар бир инсон кўпи билан бир неча тилнигина эгаллай олади. Мамлакатимизда эса бадиий асарлар етмишдан ортиқ тилда яратилади ва чоп этилади. Ана шу вазиятда рус тили СССР халқлари ҳаётида ниҳоятда катта ижобий роль ўйнайди, яъни қардош халқлар тилларида ёзилган энг етук адабий асарлар рус тилига ўгирилиши натижасида умумиттифоқ мулкига айланади. Ҳаётимиз тажрибаси шуни кўрсатадики, тўлақонли руҳий-маънавий ҳаёт кечирмоқ учун иккинчи тилни ҳам — СССР миллатлари ва элатларининг умумий фикр алмашиш воситаси бўлмиш рус тилини ҳам мукаммал билмоқ зарур.

Ҳозирги вақтда рус тилида бир йилда ўрта ҳисобда 65 минг номда 1,5 миллиард нусхада китоб ва брошюралар нашр этилади, ўзбек тилида эса, мингта номда 27 миллион нусхада китоб ва брошюралар эълон қилинади. Инқилобдан аввал ўзбек тилида ҳаммаси бўлиб бир йилда 37 номда 80 минг нусхада китоб чоп этилганди, холос. Ўтмиш ортда қолди, энди келажак йўлида қизғин ижодий меҳнат қилинмоқда. Бунда рус тили улкан мададкорлик ролини ўтамоқда. Бу тилни мукаммал эгалласак киши жаҳон адабиётининг бой хазинаси калитини қўлга киритади. Рус зиёлиларининг, рус олимлари ва таржимонларининг фидокорона меҳнати туфайли жаҳон халқларининг асрлар давомида яратган асарлари рус тилига ўгирилди. Ҳозирги даврда рус тилида оламда энг бой бадиий адабиёт мавжуддир. Рус тилида Эсхил ва Гомер, Навоий ва Жомий, Саъдий ва Умар Хайём, Сервантес ва Данте, Рабиндранат Тагор ва Мирзо Ғолиб, Шекспир ва Пушкин, Гоголь ва Бальзак, Жек Лондон ва Жюль Верн, Гёте ва Гюго, Тургенев ва Толстой, Хушхолхон Хатак ва Христо Ботев, Горький ва Маяковский, Лорка ва Амаду, Файз Аҳмад Файз ва Ҳамза, С. Айний ва Жамбул, Н. Тихонов ва А. Фадеев, Г. Марков асарларини ўқиш мумкин. Рус тили бизга Максим Рильский ва Якуб Колос, Мирза Иброҳимов ва Чингиз Айтматов, Эдуард Вильде ва Самад Вурғун, Берди Кербобоев ва Ираклий Абашидзе асарлари билан танишиш имкониятини беради.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигида шу нарсани ҳам катта қониқиш билан таъкидлашимиз керакки, Коммунистик партиянинг ғамхўрлиги туфайли ўзбек халқи ўтган ўн йилликлар давомида рус тилини ўзлаштириш соҳасида оламшумул аҳамиятга молик ютуқларга эришди. Ҳаёт тақозоси шуни кўрсатадики, бу жараён янада кучайиб бораверади.

Улуғ рус тилини, Ленин тилини ўрганишни янада кучайтириш ва шу йўсинда Ўзбекистон республикасининг, ўзбек халқининг маданий-маънавий камолотини янада мукаммалроқ таъминлаш — энг нурли истиқбол йўлидир.

Тошкент пролетариатининг жасорати

60

Ғози ТЎРАЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.

1917 йили Россияда содир бўлган социалистик революция ҳақидаги хушхабар 27 октябрда Тошкентга етиб келди. Меҳнаткашларнинг янгича ҳокимият учун кураши кучайди. Тошкент большевиклар группаси Тошкент пролетариатига ёрдам уюштириш мақсадида Қўқон, Перовск, Самарқанд, Жиззах, Чоржўй ва Кушкага агитаторлар юборди. А. Н. Колесников Кушкага жўнатилди.

Тошкент Совети Тошкент-Оренбург ва Ўрта Осиё темир йўлчилар комитетлари ва Советларига мурожаат қилиб, контрреволюцион ҳарбий қисмларни темир йўл станцияларидан ўтказмасликка ва ҳарбий қуролларни ишчиларга тақсимлаб беришга чақирди. Темир йўл ишчилари қуроллантирилди.

Ишчилар ва солдатларнинг большевиклар бошчилигида контрреволюцияга қарши қуролли кураши меньшевиклар ва эсерларни эсанкиратиб қўйди. «Сўл» эсерлар большевиклар изидан эргашишга мажбур бўлди. Бош темир йўл устахоналари ишчиларининг асосий қисми большевиклар томонида эди. В. С. Ляпин бошчилигида большевистик ҳарбий комитет сайланди. Бу комитет революцион чора-тадбирларни амалга оширди.

28 октябрь куни эрталаб соат саккизда ишчиларни қўзғолонга чақириб гудоклар янгради. Ишчилар мастерской идораси ёнида митингга тўпландилар. Большевик Александр Першин митингни очди. Большевиклар ишчиларни социалистик революцияни амалга оширишга даъват қилдилар. Большевик Галкин бошчилигида ишчилар ва солдатлар 1-Сибирь полки омборхонасидан темир йўл мастерскойига — революция штабига қуролларни етказиб келдилар. Ишчилар қуроллантирилди.

Ҳарбий революцион комитет ишчиларни артиллерия қуроллари билан таъминлаш чорасини ҳам кўрди. Артиллериячилар ва ишчилар отряди жуда оғир шароитда иккита замбаракни жангга шай ҳолатга келтирдилар. Қуролли қўзғолон бошланиши олдидан ишчи қўшинлари темир йўл устахонасида тўпландилар. Улар 4 минг кишидан иборат эдилар.

Ҳарбий революцион комитет мастерскойни ишчилар қалъасига айлантирди ва унинг мудофаасини уюштирди. Сапёрлар отряди истеҳкомлар ва баррикадалар қуриш билан банд бўлди. Бундан ташқари, ҳарбий революцион комитетнинг кўрсатмаси бўйича Кафанов, Сапёрная, Қўйлиқ кўчаларида, Первушин кўприги атрофида ҳам истеҳкомлар қурилди. Ҳал қилувчи жангга тайёргарлик ишларида ўзбек ишчиларидан М. Ҳасанхўжаев, Ю. Ойхўжаев, ака-ука Раҳимовлар, А. Толипов, Ж. Камолов ва бошқалар ҳам фаол қатнашдилар.

Лекин ишчилар оч-юпун эдилар. Шуни назарда тутиб, Ҳарбий Революцион Комитет темир йўл станциясидаги озиқ-овқат ортилган вагонлардан бирини очишга қарор қилди. Мастерской ишчиларидан Шапошниченко ва Михеев вагондан мастерскойга балиқ, гуруч, консерва ва бошқа хил озиқ-овқат келтирдилар. Ҳарбий Революцион Комитет консерваларни жангчиларга дарҳол улашди. Ун нонвойхонага юборилди, жангчиларга иссиқ овқатлар уюштирилди. А. Қосимхўжаев, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар жангчиларга Эски шаҳар халқи номидан озиқ-овқат келтирдилар. Бундан ташқари, Эски шаҳар большевиклари А. Камолов бошчилигида 20 кишилик қизил гвардиячи отряд тузиб, темир йўл ишчилари ихтиёрига ёрдамга юборди.

1917 йил 28 октябрда генерал Коровиченко Революцион Комитетдан таслим бўлишни талаб қилди. Бунга жавобан большевиклар генералнинг ўзидан таслим бўлишни ва ҳокимиятни Ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советига топширишни талаб қилди. Генерал Коровиченко ишчиларнинг қўшинларига қарши ҳужумга ўтди. Унинг ихтиёрида броневик машиналар ҳам бор эди. Жанг шиддатли кечди. Душман жуда кўп талафот кўрди. Лекин ишчилар қўшинларининг бошлиғи большевик Ф. Дунаев оғир яраланиб, госпиталга жойлаштирилди. Натижада Ҳарбий Революцион Комитет ишчиларнинг отрядларига раҳбарлик вазифасини ўз зиммасига олди. Ишчиларнинг революцион шижоати янада кучайди.

Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларидаги ишчи ва солдатлар Тошкент пролетариатига ёрдамга ошиқдилар. 29 октябрда большевик П. Г. Полторацкий бошчилигида Янги Бухоро большевиклар группаси иштирокида шаҳардаги барча демократик ташкилотларнинг мажлиси чақирилди ва Тошкент пролетариатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. 30 октябрда П. Г. Полторацкий Тошкентга етиб келди ва қизғин революцион фаолиятга киришиб кетди. Кушка ва Қизил Арватнинг ишчи ва солдат отрядлари ҳам Тошкент пролетариатига ёрдам бериш учун етиб келдилар.

30 октябрда Тошкент большевиклари Бутунроссия Советларининг II съезди бўлиб ўтганлиги, В. И. Ленин бошчилигида Советлар ҳукумати тузилганлиги, тинчлик ва ер тўғрисида декрет қабул қилинганлигини ишчи ва солдатларга маълум қилдилар. Бу хушхабар ишчи ва солдатларнинг революцион руҳини баланд кўтариб юборди. Янги давр нашъасини туйган ишчи отрядлари темир йўл районида оқгвардиячиларга зарба бердилар ва уларни шаҳар ичкарисига чекинишга мажбур қилдилар.

Бу жангларда фронтдан қайтган Еттисувлик 600 солдат қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди. Революция ва контрреволюция ўртасидаги жанглар Госпиталь бозори районида ва Сапёрная кўчаларида қизғин тус олди. Ишчи отрядлари шаҳарнинг бошқа жойларида ҳам муваффақиятли жанг қилдилар. Улар оқгвардиячиларни Первушин кўпригидан суруб ташлашга ҳамда кадетлар корпусини енгиб, казакларнинг казармасини ишғол қилишга муваффақ бўлдилар. 17-Оренбург казаклар полки таслим бўлди.

Ишчи отрядларининг марказий группаси Духовский (ҳозирги Пролетар) кўчасида, Ярмарка бозори (ҳозирги Темир йўлчилар клуби) атрофида душманга зарба берди.

Ҳарбий Революцион Комитет ишчиларга ёрдам учун янгидан 200 кишилик отряд юборди. Ишчи отрядлари 2-Сибирь полкининг революцион солдатлари билан бирлашдилар. Кўчалар ва кварталлар бир неча марта қўлдан-қўлга ўтиб турди. Душман шаҳар қалъасига кириб олди. Ишчи отрядлари контрреволюциянинг охирги таянчи бўлган Оқ уйни ва шаҳар қалъасини олишга аҳд қилдилар. Лекин 30 октябрда Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети генерал

Ўзбекистон Компартияси 1 Таъсис съездининг президиумида М. И. Калинин, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ва бошқалар.

ДАДИЛ ОДИМЛАР

Шорасул ШОРАҲИМОВ,
тарих фанлари кандидати

ТУРКИСТОНДА Совет автономиясининг тузилиши ва мустаҳкамланиши Коммунистик партия миллий сиёсатининг буюк ғалабаси бўлиб, Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши, янги Совет республикалари, жумладан Ўзбекистон республикасини тузиш учун замин ҳозирлади. Бу ёш Советлар мамлакатини юксалтириш йўлида қўйилган дастлабки муҳим қадам бўлди.

Ўрта Осиёда социалистик революция осонликча ғалаба қозонмади. Чунки бу ерларда ҳали 1918 йиллардаги гражданлар уруши ва интервенциянинг оқибатлари батамом тугатилмаган, чет эл босқинчилари ва босмачилик ҳаракати тор-мор қилинмаган эди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Туркистондаги совет ва партия ташкилотларига партиямизнинг сиёсатини амалга ошириш борасида ёрдам бериш учун 1919 йилнинг октябрь ойида Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари Комиссияси (Турккомиссия)ни юбордилар. Бу комиссияга партия ва Совет ҳукуматининг атоқли арбобларидан В. В. Куйбишев ва М. В. Фрунзе ўртоқлар бошчилик қилдилар. Туркомиссия интервенция ва босмачиларни тор-мор қилишда, Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда, Бухоро ва Хоразмда 1920 йил революциясининг ғалаба қозонишида ва Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларини марксистик руҳда чиниқтириш ва мустаҳкамлашда ғоят муҳим роль ўйнади.

Туркистон коммунистлари партия Марказий Комитетининг раҳбарлиги ва Турккомиссиянинг ёрдами билан буюк давлатчилик шовинизмига ва маҳаллий миллатчиликка қақшатғич зарба бердилар ва ўз сафларини мустаҳкамладилар. Туркистон партия ва совет ташкилотлари В. И. Ленининг Туркистонда миллий чегаралаш масаласини чуқур ўрганиш ва бу соҳада жиддий тайёргарлик олиб бориш ҳақидаги тарихий кўрсатмаларини изчиллик билан амалга оширдилар.

Ўтиш даврида (1921—1924 йиллар) Туркистон АССР тинч қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Совет Россиясининг ёрдами билан эски кустар саноати тикланди, янги фабрика ва заводлар қурилди, улар маҳсулот бера бошлади. Республика саноатининг тўнғичи бўлмиш Тошкентдаги Ильич номли биринчи металл ишловчи завод (ҳозирги Агрегат заводи), Тошкент йигирув-тикув фабрикаси, Фарғона ипак фабрикаси ва бошқа корхоналар бунёд этилди. Бу даврда қишлоқ хўжалиги қайта тикланди, маориф ва маданият соҳасида маълум даражада ютуқларга эришилди. Туркистон АССРда ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқ халқларининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти шакллана бошлади.

Шундай қилиб, 1924 йилда Ўрта Осиёни миллий чегаралаш ва бу ерда Совет миллий республикалари ва автоном областлар, шу жумладан Ўзбекистон ССРни ташкил этиш учун барча шарт-шароитлар вужудга келди. Бу масала дастлаб 1924 йилнинг февраль ва март ойларида Туркистон, Бухоро ва Хоразм Компартияларининг кенгашлари ва пленумларида муҳокама қилинди ва миллий чегаралаш учун вақт етилганлиги эътироф этилди.

РКП(б) Марказий Комитетининг 1924 йил 12 июндаги тарихий қарорида Ўрта Осиё партия ва Совет ташкилотларининг миллий чегаралашни ўтказиш ҳақидаги таклифлари маъқулланди. Ўрта Осиё халқлари партия Марказий Комитетининг бу қарорини Коммунистик партиянинг халқлар маданиятини ҳар тарафлама юксалтириш, уларни социалистик қурилишга жалб этиш тўғрисидаги ғамхўрлигининг ифодаси, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, миллатларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш тимсоли сифатида қабул қилдилар.

1924 йил 5 декабрда Ўзбекистон ССР Революцион Комитети Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига Ўзбекистон ССР барпо этилганини тантанали равишда маълум қилди.

1925 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон К(б)П I съезди Ўзбекистон Коммунистлар (большевиклар) партиясини ташкилий жиҳатдан расмийлаштирди. УзК(б)П составига Туркистон, Бухоро ва Хоразм Совет республикалари территорияларидаги Коммунистик партия ташкилотлари кирди. Шу йил 13 февралда республика Советларининг I таъсис съезди бўлди. Бу тарихий съезд Ўзбекистон ССР тузилганлигини эълон қилди, унинг давлат ҳокимияти раҳбар органларини қонуний йўл билан расмийлаштирди ва Совет қурилишининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилди. Съезд Ўзбекистон халқларининг иродасини ифодалаб, «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасини барпо қилиш тўғрисида декларация» қабул қилди. Ушбу тарихий ҳужжатда, «Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикалари тупроғида қишлоқ ва овул меҳнаткашлари оммаси биринчи Советлар қурултойи орқали, шу кундан эътиборан, ўзбек халқининг тарихида биринчи маротаба, ишчи ва деҳқонларнинг Ўзбекистон Иттифоқдош Совет Социалистик Республикаси ва унга кирадиган Тожикистон Автоном ССР таъсис этилганлигини тантанали равишда эълон қилади», дейилган эди.

Советларнинг биринчи съезди республика давлат ҳокимиятининг раҳбар органини — Ўзбекистон ССР Советларининг Марказий Ижроия Комитетини сайлади. Марказий Ижроия Комитет раислигига ўзбек халқининг содиқ фарзанди, бутун куч-қувватини халқ хизматига сафарбар этган Йўлдош Охунбобоев сайланди. Съездда республика ҳукумати — Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети тузилди. Кўзга кўринган партия ва давлат арбоби Файзулла Хўжаев Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлди.

1925 йил 13 майда бўлиб ўтган СССР Советлари III съезди қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР ихтиёрий равишда СССР составига иттифоқдош республика бўлиб кирди.

Ўрта Осиёнинг миллий чегараланишидан буён ўтган 50 йил ичида барча қардош республикалар билан бир қаторда Ўзбекистон ССР ҳам катта тарихий ғалабаларга эришди. Ленинча миллий сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши туфайли Ўзбекистон саноати юксак даражада ривожланган ва қишлоқ хўжалиги механизмлашган қудратли республикага айланди. Тарихан қисқа муддатда республикада йирик ва кўп тармоқли саноат барпо этилди. Эндиликда Ўзбекистон ССРда саноат ишлаб чиқаришининг 100 дан ортиқ тармоғи мавжуд бўлиб, саноатнинг қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кўмир, нефть, газ, кимё каби тармоқлари вужудга келди ва юксак даражада тараққий этди. Энг муҳими, Ўзбекистон Иттифоқимизда асосий пахта базасига айланди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси ва тури бўйича Ўзбекистон фақат Шарқ мамлакатларидангина эмас, балки Ғарбдаги баъзи йирик капиталистик мамлакатлардан ҳам олдинда бормоқда.

Республика шаҳар ва қишлоқлари, жумладан Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қўқон каби шаҳарлар йирик индустриал ва маданий марказларга айланди. Кўмир саноатининг маркази бўлган Ангрен, металлургия, энергетика ва бинокорлик материаллари корхоналари шаҳри — Бекобод, озиқ-овқат саноати, енгил саноат ва пахта тозалаш саноатининг йирик маркази бўлган Янгийўл каби янги шаҳарлар вужудга келди.

Ўзбекистон ССР ўтган олтмиш йил ичида саноати индустрлашган, қишлоқ хўжалиги ривожланган, санъати, фани ва маданияти бекиёс даражада равнақ топган ўлкага айланди.

КПСС XXVI съезди қарорлари ҳамда КПСС МК Пленумлари қарорларини, партия ва ҳукуматимиз раҳбари ўртоқ К. У. Черненконинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмаларини ўз фаолиятлари учун дастур деб билган Ўзбекистон меҳнаткашлари ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлида дадил олға бормоқдалар.

Коровиченко ва Доррер бошчилигида Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ҳам жанг қилиш учун, нафасни ростлаб олиш ва Оренбургдаги дутовчилардан ёрдам кутиш учун музокара бошлашга қарор қилади. Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршаропов, Султонхўжа Қосимхўжаев, Очил Бобожонов ташаббуси билан тузилган 200 кишилик ўзбек ишчи, камбағал-косиб ва ҳунармандлардан иборат отряд 30 октябрда душман мудофаасини ёриб, «Ура!» садолари остида қалъа ичига кириб борди. Душман сафларида ваҳима кучаяди. Генерал Коровиченко ва унинг гумашталари қамоққа олинади. Бу воқеалар «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Осиё устида бўрон» фильмида ўзининг ҳаққоний ифодасини топган.

Ҳарбий Революцион Комитет ва шаҳар Совети большевиклар раҳбарлигида Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети ва унинг раҳбарларидан сўзсиз таслим бўлишни талаб қилди. Бу талабни граф Доррер қабул қилди. Тошкент пролетариати душманга қарши кескин жангларда ғолиб чиқди ва ҳокимият Советлар қўлига ўтди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланаётган қутлуғ кунларда Улуғ Октябрь ғалабаси учун фидойилик намуналарини кўрсатган Тошкент пролетариати жасоратини яна бир бор миннатдорчилик билан ёдга оламиз.

ҲАМИША БУРЧГА СОДИК

Отаулла ОҚИЛОВ,
профессор

Профессорда азалдан шундай одат бор: у бўлажак муҳим операция олдидан мазкур касалликнинг кечиш жараёнларини яна бир бор икир-чикирларигача хаёлдан ўтказади, унга оид китобларни варақлайди. Шундан сўнггина қатъий хулосага келади. Ахир, инсон саломатлиги хусусида ҳаракат қилинаётган экан, бу ишга енгил-елпи ёндошиб бўладими?!. «Етти ўлчаб бир кес», — дейдилар. Шифокорлик борасида эса, юз ўлчаб бир кесмоқ жоиздир...

Муқаддам Ашрапова яна тағин операциядан бир кун олдин бемор билан суҳбатлашади, беморни тинчлантириб, асабига малҳам бахш этади. Бу эса беморда шифокорга ва операция натижасига ишонч орттиради.

Ҳа, бу гал ҳам худди шундай бўлди. «Улуғ Ватан уруши қатнашчилари палатаси», деб аталган махсус хонада кекса бир бемор шифоланарди. Сергей Коробов — уруш ва меҳнат ветерани. У Уралдан тошкентлик машҳур профессорнинг довруғини эшитиб, хат олишиб, дардига даво излаб келган. Мана, нажот онлари ҳам яқинлашмоқда.

— Сергей Петрович, қалай бардаммисиз, шикоятлар борми? — дея беморга юзланди профессор.

— Раҳмат, Муқаддам Ашраповна! Сизнинг ҳузурингизга нажот излаб келганман. Ўзим-ку ҳали бардамман-а, лекин ўша лаънати уруш асоратлари. Мана, қирқ йил азоб чекаман, оғриқ баттар зўраяётибди...

Профессор шу топда палата ординатори узатган рентген пленкасини яна бир назардан ўтказди, касаллик тарихини эринмай варақлади. Беморни синчиклаб назоратдан ўтказди. Унинг ранги заҳил, нафас олиши тезлашган... Ўша лаънати снаряд парчаси ўнг ўпканинг паст қирғоғида... Бемор ўқтин-ўқтин йўталиб қон ҳам туфурарди.

Муқаддам Ашрапова беморнинг фикрини бошқа мавзуга бурмоқчи бўлдими, ҳар қалай тўсатдан:

— Сергей Петрович, сиз қайси фронтда жанг қилгансиз? — деб сўради.

— 4-Украина фронтида, — деб жавоб берди бемор. — Уруш тугаш арафасида оғир ярадор бўлдим.

— Эҳ-ҳа, сиз билан биз қуролдошқадрдонлармиз. Мен ҳам ўша фронтнинг 2624-ҳарбий госпиталида врач эдим. Демак, бизлар жанговар дўстлармиз. Азизим, сиз ва биз ўша йиллардаги уруш даҳшатларининг тирик воқифимиз... Сиз соғайиб, яна меҳнатга қайтасиз, — деди профессор беморга далда бериб.

Профессор ўз кабинетига кирди. Ҳозиргина уруш ветерани бўлган бемордан эшитганлари унинг хаёлини бўлиб юборди.

— Лаънати уруш! 20 миллион бевақт узилган ҳаёт. Отинг ўчсин, фашизм, — деди ўзича профессор қизишиб.

Дарвоқе, ҳикоямиз қаҳрамони қўли гул жарроҳ Муқаддам Ашрапова ўша суронли йиллар гувоҳи. Ватан шарафини, партия ишончини оқлаган, меҳри дарё, ажойиб давримизнинг муносиб қизи.

...Ҳамма воқеа кечагидек унинг хотирасида: 1941 йил 21 июнь куни Тошкент Медицина институтида охирги давлат имтиҳони тугади. Ўз тенгқурлари, курсдошлари қаторида унга ҳам шифокорлик дипломи топширилди. Муқаддам янги орзулар оғушида: хирург бўлмоқчи. У машҳур профессор — жарроҳ Михаил Сергеевич Астровга шогирд бўлиш ниятида эди... Ширин хаёллар билан у уйқуга кетди. Туш кўрди: устози профессор Астров билан операция қилаётганмиш. Узоқ операция тугабди. Бемор ўрнидан ўзи туриб, «раҳмат» дея операция хонасидан чиқиб кетаётганмиш...

Эрталаб қиз енгил тортиб уйғонди. Кунлик одати бўйича уйдагиларни уйғотиб юбормаслик учун, радиони оҳиста буради. Одатда, ҳар куни тонгги концерт янграрди... Йўқ, бугун ундай бўлмади. Радиодан у совуқ хабарни — уруш хабарини эшитди. Диктор Ю. Левитан фашист газандаларининг Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирганлигини ўқтин-ўқтин хабар қиларди...

Шаҳарда сукунат. Ҳамма ерда тўсатдан сафарбарлик бошланган эди... Муқаддам тантанали битирув кечасига атаб тиктирган хон-атлас кўйлагини шкафдан олди-ю, лекин яна жойига илиб қўйди. У институтга, комсомол комитетига, дўстлари, дугоналари олдига шошиларди... Ўша қалтис кунларда Муқаддам ҳам фронтда — жангу жадалларда ярадор бўлганлар ёнида бўлишга ошиқарди. Институт бош ўқув корпусига кираверишда у биринчи устози, факультет декани, машҳур уролог олим Д. А. Введенскийга дуч келди. Якшанба куни бу қизнинг илм даргоҳига келганидан бир қадар таажжубланган устоз шогирдига юзланди:

— Қизим, яхши учраб қолдингиз. Сизни биз яна шу ерда қолишга, ўқишни давом эттиришга тавсия этдик.

— Раҳмат! Домла, мен комсомол йўлланмаси билан район ҳарбий комиссариатига мурожаат қилмоқчиман.

Устоз ўз шогирдининг бу ватанпарварлик туйғусидан ўта мамнун бўлса-да, унга маслаҳат берди:

— Қизим, сиз керак бўлганда ҳарбий комиссариатдагилар ўзлари чақириқ қоғози юборадилар...

Лекин Муқаддам эртасигаёқ район ҳарбий комиссариатига борди. Ҳарбий комиссар уни мамнун қабул қилди, лекин ҳозирча фронт орқасида бўлиб, шифокорлик қилишни маслаҳат берди. Қиз ўша ердан чиқиб шаҳарнинг Урда даҳасидаги республика Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссариатига йўл олди. Халқ комиссарлигининг кадрлар бўлими бошлиғи бу ёш шифокорга қардош Тожикистонга бориб ишлашни, у ерда врачларга эҳтиёж катталигини айтди.

Шундай бўлди ҳам. Еш шифокор тезда у ерга жўнаб кетди. 1941—1942 йилларда у Конибодом районининг, Қароқчиқум қишлоғидаги медицина пунктида иш бошлади. Кейин эса район Соғлиқни сақлаш бўлимига бошчилик қилди. Ўша йиллари у аҳоли ўртасида тарқалган ич терламаси, тошмали терлама ва безгак касаллигини даволашда фаоллик кўрсатди. Лекин нимагадир фронтга, ярадорлар ҳузурига ошиқарди.

Ниҳоят, унга кўнгилли ҳолда фронтга жўнашга ижозат берилди. 1943 йилнинг 13 февралида Муқаддам Ашрапова Шимолий-Ғарбий фронтга врач сифатида сафарбар этилди. У урушдаги фаолиятини Старая Русса яқинидаги Сушки қишлоғида жойлашган госпиталда врачликдан бошлади. Кейинчалик Курск ёнидаги жанглар муваффақиятли тугалланган сўнг 1-Украина фронти қошидаги 155-ўқчи дивизиянинг, 786-ўқчи полкига кичик ҳарбий врач этиб тайинланди...

Бугунгидай эсида: 1944 йил 8 март куни Курск ҳалқасида қаҳрамонлик кўрсатган солдат ва офицерларни полк штабига йиғдилар. Полк командири, полковник И. П. Карпов бошқа голиблар қатори Муқаддам Ашрапович ўзбек тилида табриклаб, унга биринчи Ватан мукофоти — «Жанговар хизматлари учун» медалини топширди. Кейин билса, полк командири ҳам Тошкентда яшаган, ўқиган ва шу ердан фронтга сафарбар этилган экан.

Муқаддам 1944—1945 йилларда 4-Украина фронтига қарашли госпиталлардан бирида хизмат қилди. Украинанинг шаҳар ва қишлоқларини озод этишда озгина бўлса-да ўз ҳиссасини қўшди. Унинг ҳаётида кўплаб унутилмас воқеалар юз берди: 1943 йилнинг декабрида (Курск бўсағаларидаги оламшумул ғалаба кунларида) ҳарбий шифокор КПСС аъзолигига кандидат қилиб қабул қилинди. Бу унга катта маънавий қувват бағишлади, айни вақтда зиммасига янги масъулият юклади. Муқаддам бошқа халоскор жангчиларимиз қаторида Ватанимизнинг муқаддас тупроғини душмандан озод этишда қатнашди. Ғалаба кунларини эса у Чехословакия тупроғида кутиб олди.

Уруш тугагач, ғолиблар қаторида у ўз ота юрти — Тошкент шаҳрига қайтди. Тошкент Медицина институти клиникасида врач бўлиб иш бошлади. Унинг эзгу мақсади етук жарроҳ бўлиш, жарроҳ-олим бўлиш эди. У бошда профессор М. С. Астров қўл остида ишлади, клиникада ординаторлик қилди. Аста-секин мураккаб операцияларга қўл ура борди. Айни вақтда фронт шароитлари, у ердаги жароҳатланиш, яралорларни даволаш усуллари замирида кандидатлик диссертациясини тайёрлади. Муқаддам 1953 йили диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ҳарбий хирурглар, етук олимлар Ашрапованинг илмий ишига яхши баҳо бердилар.

Яна ўқиш, яна изланиш, яна бедор кечалар... Муқаддам Ашраповна энди докторлик диссертацияси устида иш олиб борарди. Устози, машҳур жарроҳ М. П. Постолов унга бу борада йўл-йўриқ кўрсатди. Кўплаб беморларга муттасил азоб бериб келаётган хасталик — жигар дарвоза венасида қоннинг димланиб қолишига — олима даво топди. Аввало лаборатория шароитида бир неча ҳайвонларда бу усул синаб кўрилди, сўнгра клиникада илк бор қўлланилди. Натижа — кўнгилдагидек эди. 1964 йилда Муқаддам Ашрапова мазкур мавзудаги докторлик диссертациясини илмий кенгаш аъзолари эътиборига ҳавола этди.

1966 йил олимага ТошМИнинг хирургия кафедрасига мудирлик қилиш каби шарафли ва масъулиятли вазифа топширилади.

Кейинча кўп йиллик хизматлари учун «Республикада хизмат кўрсатган врач», «Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби» деган юксак унвонлар билан тақдирланди.

Ҳа, мана қирқ йилдан ошди профессор Муқаддам Ашрапова уруш ва меҳнат ветерани сифатида халқига муносиб хизмат қилиб келаётир. Унга институт коллективи юксак ишонч билдириб, бир неча йил институт партия комитетига ва Ҳамза район партия комитетига аъзо қилиб сайлади. Шунингдек, у Ўзбекистон Компартиясининг XVIII—XIX съездларида, Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясининг XXIII съездида делегат бўлиб иштирок этиш бахтига муяссар бўлди. Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съездида Муқаддам Ашрапова Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат этиб сайланди.

Коммунист Муқаддам Ашрапованинг кўксини жанговар «Қизил Юлдуз», «Ҳурмат Белгиси» орденлари, қатор жанговар медаллар безаб турибди. Олима шу кунгача 6 кишининг фан кандидати бўлишида раҳнамолик қилди. Кўплаб илмий рисолалар яратди.

Уруш даҳшатларини ўз кўзи билан кўрган Муқаддам Ашраповна лекция аудиторияларидами, дала шийпонларидами, завод цехларидами, қаерда бўлмасин халқ орасида тинчликни тарғибот қилади. У 1950 йилда Москвада бўлиб ўтган Жаҳон Тинчлик Тарафдорларининг конференциясида қатнашди.

Фашистлар устидан эришилган катта ғалабамизнинг 30 йиллиги арафасида олима ўзбек делегацияси составида Москвада бўлди. Улар Тошкентда бунёд этилаётган Номаълум солдат қабрига азиз пойтахтимиз Москва бўсағаларидаги жангларда ҳалок бўлганларнинг Димитровский районидаги Қардошлар мозоридан тупроқ ва Кремльдаги Номаълум солдат қабридан эса «мангу олов» олиб Тошкентга қайтдилар. Ҳа, республикамиз пойтахтининг В. И. Ленин номи билан аталган Бош майдонида «Номаълум солдат қабри» бор. Унда мангу олов порлаб турибди. Ундаги мармар деворга: «Одамлар, ҳушёр бўлинглар! Тинчликни ҳимоя қилинг!» — деган хитоб сўзлари битилган.

Машҳур жарроҳ, Ватанимиз ҳимоячиси, ажойиб инсон, бурчига содиқ коммунист Муқаддам опа ҳам шу тинчлик кунларимизга катта улуш қўшганлардан. Унинг бахти ҳам эл бахти билан тотли.

ФАНДАГИ СИЁСИЙ ТОВЛАМАЧИЛАР

ёхуд АҚШдаги советларга қарши сионист марказларнинг иши

Эркин ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
вице-президенти, Ўзбекистон ССР ФА академиги

Турли мамлакатлар илмий муассасалари ва алоҳида олимлар ўртасида ўрнатилган яқин алоқалар яхши анъанага айланиб қолди. Республикамиз Фанлар академиясининг илмий муассасалари ҳам тинчлик, тараққиёт, ўзаро ҳамкорлик йўлига хизмат қилмоқда. Уларнинг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, капиталистик ва ривожланаётган давлатлар билан алоқалари тобора кенгайиб бораётир. Сўнгги йиллар мобайнида бизнинг Чехословакия, Венгрия, Болгария, Мўғулистон, Вьетнам Социалистик Республикаси, Афғонистон, Ангола, Социалистик Эфиопия, Франция, Ҳиндистон, Иордания мамлакатлари илмий муассасалари билан алоқаларимиз мустаҳкамланди. Бундай алоқалар табиий ва ижтимоий фанларнинг конкрет проблемаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш, илмий ахборотлар ва илмий делегациялар айирбошлаш шаклларида намоён бўлаётир.

Республикамизнинг кўпгина олимлари жаҳон мамлакатлари Фанлар академияларининг ва илмий жамиятларининг аъзолари ҳисобланадилар. О. С. Содиқов, У. О. Орифов, К. З. Зуфаров, В. П. Шчеглов, Ғ. А. Абдураҳмонов, Э. Фозилов, Ф. А. Абдуллаев ва бошқалар ана шундай олимлар сирасидандир. Бу кишилар фан ва техника тараққиётига катта ҳисса қўшдилар, шунинг учун ҳам уларнинг хорижий мамлакатлардаги илмий ташкилотларнинг аъзолари қилиб сайланиши қонуний ҳолдир. Биз ана шу олимлар воситасида чет мамлакатлардаги илмий муассасалар ва йирик олимлар билан муносабат ўрнатамиз ҳамда фаннинг назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлган қатор конкрет проблемаларини ҳамкорликда ишлаб чиқамиз.

Мамлакатимиз, шу жумладан Ўзбекистон олимлари фан ва техника тараққиётига ҳисса қўшадиган, тараққийпарвар инсониятнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштиришга, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, янги уруш хавфини тугатишга хизмат этадиган бевосита алоқаларни ҳамиша табриклайдилар ва қўллаб-қувватлайдилар.

Аҳвол ана шундай кўриниш касб этиб турган бир пайтда АҚШдаги айрим илмий муассасаларнинг маъмурияти тутаётган сиёсат ниҳоятда тутуриқсиз бўлиб туюлаётир. Бу — илмий алоқаларни халқаро тангликни кучайтириш, халқлар ўртасида ишончсизлик ва душманлик туйғуларини чуқурлаштириш мақсадларига йўналтириш сиёсатидир. АҚШдаги ўта реакцион доираларнинг манфаатларидан келиб чиқадиган бу сиёсат ғазабни жўш урдирмай қолмайди.

Ўтган йили «Правда Востока» газетаси саҳифаларида Нью-Йорк фанлар академиясининг нопок усуллари хусусида мақола эълон қилинган эди. Уша мақолада фантехника тараққиётининг манфаатлари халқаро аҳволни танглик сари кучайтиришга уринаётган, совет кишиларининг онги ва кайфиятига таъсир қилишга интилаётган ўта реакцион антисовет, сионист доираларнинг тор сиёсий манфаатларига бўйсундирилаётганлиги ҳақида гапирилган эди.

Уч совет граждани — Ю. Бородавский И. Клейн, П. Бальшем Нью-Йорк фанлар академиясининг шарқшунослик бўйича ҳақиқий аъзолигига сайланганлиги хусусида мақолада хабар берилганди. Фанга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган, шарқшунослик бўйича бирорта ҳам иш эълон қилмаган, қайдандир пайдо бўлган «академиклар» АҚШдаги йирик илмий муассасалардан бирининг аъзолари деб эълон қилиниши бизни ҳайратга солди ва ғазабимизни қўзғатди. Ана шу кишилар аслида ким ва қандай одамлар?

Бородавский СССРдан чиқиб кетгунга қадар «Узоргтехводстрой»да ишлар, кўзга ташланмаган ташаббусси бир инженер бўлиб, фандан ниҳоятда йироқ киши эди. «Зангори экран» ателъесининг мастери бўлган Клейн бир вақтлар майда ўғри сифатида ном қозонганди. Учинчи «академик» — Бальшем эса, «Фотореклама» комбинатига суқулиб кириб олган бўлиб, унинг «илмий» иши ҳам Клейннинг ишидан унча фарқ қилмасди.

Нью-Йорк фанлар академияси мана шунақа кишиларни ўзининг фахрли сафларига қабул қилди.

Мақолада келтирилган фактлар, табиийки, фақат олимларнинг чуқур норозилигини уйғотибгина қолмади. Газета редакциясига кўплаб совет гражданларидан хатлар келди. Улар АҚШдаги реакцион доираларнинг қилмишлари ҳақида ғазаб билан ёздилар.

Яқинда биз яна бир янги қабиҳ фактнинг гувоҳи бўлдикки, уни мамлакатлар ўртасидаги илмий муносабатларнинг мустаҳкамланиши ва илм-фан манфаатларига ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Нью-Йорк фанлар академчяси 1984 йилда фаннинг биохимия, атмосфера фанлари, антропология, биомедицина, биофизика, ҳисоб-ахборот фанлари, биосфера муҳофазаси, микробиология, психология, фалсафа ва фаннинг бошқа хил янги йўналишлари бўйича ҳақиқий аъзоликка сайловлар ўтказади. Овоз беришда иштирок этиш учун (Нью-Йорк фанлар академиясининг янги аъзоларини

сайлаш учун) мазкур академиянинг илгари номаълум бўлган аъзолари номзоди хусусида Ўзбекистонга бюллетенлар келиб тушди. Ана шу ҳужжатлар билан танишиш жараёнида биз яна бир бор ҳайратдан ёқа ушладик: янги пайдо бўлган академиклар умуман фанга, хусусан фан ва техниканинг янгича йўналишларига ҳам ҳеч қанақа алоқаси йўқ.

Нью-Йорк фанлар академиясининг янги пайдо бўлган дастлабки академикларидан бири — собиқ совет граждани бўлмиш Юсупов Борис Мушеевич — Исроилга кетган эди. У Қишлоқ хўжалик институтини ветврач мутахассислиги бўйича битирган бўлиб, бу соҳада ҳеч қачон ишламаган. 21 йил давомида у Бухоро гўшт комбинатининг хом ашё бўлимини бошқарган. Бундан ташқари, Бухоро аҳолиси шаҳардаги магазинлардан бирининг қассоби сифатида уни яхши билишарди. Сиёсий жиҳатдан олисни кўра билмайдиган ва очкўз бу одам фанга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ва ундан йироқ бир кимса эди.

Дарвоқе, Нью-Йорк фанлар академияси томонидан овоз бериш учун жўнатилган бу ҳужжатлар Юсуповнинг Исроилга кетишига қадар яшаган уйига келиб тушди. Ҳозирги пайтда бу хонадонда Хосият Элнатанова яшайди. Бу аёл Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қуйидаги мазмунда мактуб йўллади:

«Ушбу мактубни Бухородан етти фарсанднинг онаси ёзаётир. Мен Краснознамённая кўчасининг 13-хонадонида истиқомат қиламан. Бу ерда илгари Юсупов Борис истиқомат қилган. Кейинчалик у Исроилга кетган, лекин ҳанузгача унинг номига хатлар келиб туради. Яқиндагина яна унинг номига хат келди. Бу хат Нью-Йорк фанлар академиясидан келганлигини болаларим менга айтишди. Мен Юсуповни гўшт билан савдо қиладиган киши, у академик эмас деб билардим».

Уйлашимча, оддий аёлнинг ушбу мактуби шарҳларга муҳтож эмас. Биз совет гражданларининг яҳудий миллати орасида хорижга кетиш кайфиятини жонлантиришга қаратилган яна бир сиёсий товламачиликка дуч келиб турибмиз. Уларга олтиндан тоғлар ваъда қилиб, ҳатто уларни Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайлаб, товламачилар совет кишиларини хоинликка, Ватанни сотишга, қариндошлар ва яқинлари билан алоқани узишга, капиталистик дунёнинг мамлакатлари бўйлаб сарсон-саргардон кезишга даъват этаётирлар.

Бошқа бир совет граждани, овоз бериш ҳуқуқини олган Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Розенгауз Нехемия Лейбовичдир. У Москва университетининг механика-математика факультетини тугаллаган. У иш жойини тез-тез ўзгартириб, ҳеч қачон лаёқатли илмий ходим сифатида ўзини намоён этмаган. Ҳозирги пайтда Розенгауз Тошкентдаги институтлардан бирида инженер бўлиб ишлайди. Унинг фаолияти билан танишув шуни кўрсатдики, унинг ҳам фанга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз бир неча бор уни Фанлар академияси президиумига суҳбатга чақирдик. Биз бунда фақатгина яхши бир ниятни — у билан алоқа ўрнатишни, халқаро миқёсдаги олим номига даъвогарлик моҳиятини англашни истагандик. Лекин Розенгауз Фанлар академияси вакиллари билан учрашишдан қатъиян бош тортди.

Бу ҳол бизни ҳайратга солади ва эҳтиёт бўлишга чорлайди. Хўш, у чет эллардаги «ҳамкасабалар»нинг бу қадар эътиборини қай йўсинда қозонди? Буни унинг ўзи ҳам тушунтириб беришдан ожиз. Англашимизча, у чет эллардаги антисоветчилар, сионистлар марказларининг ифлосгарчилик ўйинларида фақат оддий пиёда ролинигина бажаради. Шу нарсага шубҳа йўкки, Розенгауз Н. Л.нинг Нью-Йорк фанлар академияси ҳақиқий аъзолигига сайланиши антисоветчилик мақсадларида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган навбатдаги сиёсий товламачиликдан бошқа нарса эмасдир. Воқеаларнинг бундан кейин қай тарзда ривожланишини тасаввур этиш қийин эмас. Айрим совет гражданларининг чет эллардаги академияларга, илмий жамиятларга ҳақиқий аъзо қилиб сайланиши натижасида СССРда гўё «қийин-қистовга олинаётган» «йирик олимлар» теварагида турли-туман уйдирмалар тарқатилади. Бошқа томондан эса, Ғарбдаги озодлик ҳақида, пул ҳақида, демократия ҳақида айрим совет граждалари орасида сўна бошлаган муҳожирлик кайфиятларига шовқин-сурон рекламалар воситасида олов пуркалади.

Биз, Ўзбекистон олимлари, илм-фандан сиёсий товламачилик ва идеологик қўпорувчилик мақсадларида фойдаланишларига норозилик билдирамиз. Илм-фан ва техника инсонпарварлик мақсадларига, инсониятнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётига хизмат этмоғи лозим. Совет фани айнан ана шундай олижаноб идеалларга хизмат қилади.

Илм-фанни ниқоб қилиб олган сиёсатдонларнинг нопок усуллари ҳамда кўзбўямачилиги халқлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро ҳамкорликка ҳеч қачон хизмат этмаган ва бундан кейин ҳам хизмат этмайди.

ЖАСОРАТГА ТАЪЗИМ

Яқинда Пхеньян шаҳрида собиқ ҳарбий-интернационалчи, совет граждани Я. Т. Новиченкога Корея Халқ Демократик Республикасининг олий мукофоти — «Ўроқ ва Болға» олтин медали ва «Давлат байроғи» ордени тантанали суратда топширилди. У бундай юксак мукофотга 1946 йил 1 мартда Кореяни япон босқинчиларидан озод қилишда кўрсатган мислсиз жасорати ҳамда корейс халқига кўрсатган интернационал ёрдами учун сазовор бўлган эди.

Аслида воқеа бундай кечганди. 1946 йилнинг 1 мартида КХДР пойтахтида ғалаба шарафига кўп кишилик намойиш уюштирилди. Мамлакат раҳбарлари ва совет қўмондонлиги вакиллари жой олган минбар ёнидан одамлар оқими тинимсиз ўтиб борарди. Бир маҳал, кутилмаганда, колонна орасидан минбар томон граната ирғитилди. Минбарда турган кичик лейтенант Я. Новиченко чаққонлик билан гранатани ерга туширмасдан ушлаб олди. Гранатани четга улоқтириш ҳам мумкин эмасди. Негаки, бутун атроф кишилар билан тирбанд эди. Шунинг учун у гранатани икки қўли билан ўзига босди. Граната портлаганда унинг ўзидан бошқа ҳеч ким жароҳатланмади. Жасур ватандошимиз ана шу тариқа мисли кўрилмаган жасорат кўрсатиб бошқаларнинг ҳаётини сақлаб қолди.

Врачлар унинг жароҳатларини тузатдилар. Аммо оғир шикастланган ўнг қўлини сақлаб қолишнинг иложи бўлмади.

Мана, ўшандан бери қарийб қирқ йил вақт ўтди. Уз юртида социализм қураётган қардош мамлакат кишилари эса сибирлик қаҳрамоннинг жасоратини ҳануз ҳаяжон билан эслайдилар.

Қаҳрамонга юксак мукофотни топшириш маросимида Корея-Совет дўстлиги жамиятининг раиси Ким Ен Чжэ шундай деди:

«Совет Иттифоқи — халоскор давлат. У халқимизга ватанимизни тиклашда қурбонлар бериб бўлса ҳам катта ёрдам кўрсатди. Совет Иттифоқи халқимизга янги жамият қуришда ва ватанимизни бирлаштиришда маънавий ва моддий ёрдам берган қардош ва иттифоқдош давлатдир. Корея-Совет халқлари дўстлиги Ғалаба жангларида халқларимизнинг қутлуғ қони билан йўғрилганлиги учун ҳам мустаҳкам ва гўзалдир».

Корея Меҳнат партиясининг Бош секретари, КХДР президенти Ким Ир Сен жасур халоскор Я. Новиченкони қабул қилиб у билан суҳбатлашди. Суҳбатда ўртоқ Ким Ир Сен Корея-Совет муносабатларига доир масалалар ҳақида фикр юритди. У ўзининг Совет Иттифоқига қилган сафаридан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко билан олиб борган музокаралари якунидан мамнунлигини айтди. Биз партияларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги дўстликнинг тобора мустаҳкамланиб боришини ва бу дўстликнинг абадий бўлишини истаймиз, деб таъкидлади Корея ҳукуматининг бошлиғи суҳбат охирида.

Шавкат РАҲМОН



ҒЎЗА

Бир парихон
каби сўзладим
тупроқ ёрган ғўзага қараб:
«Авлодларнинг ҳаққи-ҳурмати
ўсгин,
ўсгин,
пакана дарахт.
Шундай ўски,
ҳатто энг баланд
дарахтлар ҳам қолсинлар доғда.
Шундай ўски,
лўппи момиқлар
булутлардай тошсин чаноқдан.
Ахир сенга эгилавериб,
ё айтолмай кўнгил дардини,
қанча авлод қадимдан буён
ростлаёлмай ўтди қаддини.
Ғўза,
улкан дарахтга айлан,
осмон қадар юксалгин ердан,
ўйнаб пишиқ шохаларингдан
паға-паға булутлар терсак.
Қўшиқ айтсак,
қўшиқларимиз
тўлқинланиб, текис таралса,
Куйлаганда кўринса осмон,
куйлагандан қайта яралсак...
Бир парихон
каби бир пастда
зўр дарёлар йўлини тўсдим —
авлодларнинг ҳаққи-ҳурмати
ўсгин, ғўза,
ғўзажон, ўсгин.

* * *

Кузатдим,
ҳар олма — ранггин сайёра,
солланиб турар ҳур шаббодаларда,
лимиллаган анҳор эшилиб оқар —
шамолда тебранган
шалаббо парда.
Тун келар,
қоронғи, осойишта тун,
ой ҳайдар булутлар —
теваларини,
саноқсиз қорамтир қалқонлар билан
дарахтлар яширар меваларини.

Туннинг қоқ ярмида
боғнинг ичида
бузила бошлайди тўсатдан сукун,
тинимсиз тўпиллар...
Саҳарга қадар
ранггин олмаларни узиб юрар тун.

ИККИ ҲАЙКАЛ

Оддийгина ҳайкал —
ўн минг йил аввал
ибтидоий одам гилдан яратган,
қисиқ кўзларига орзуни жойлаб,
болача юзини уфққа қаратган!
Нимани ўйлайди
бу содда одам
ўзин англамаган яримёввойи,
содда тафаккурин овутармн ё
осмоннинг товланган камалак — ёйи?
Е сайр этармн юлдузлар аро,
қорлар салтанати этганмикин лол,
ё порлоқ кунларнинг бўсағасида
ўзича жилмайиб сурармн хаёл?

Мана, бу ҳайкалнинг ёнида шундоқ
кўрдим мен Роденнинг «Мутафаккир»ин,
девқомат,
иякка кафтини тираб,
ўйланиб ўтирар —
йиғлаб яширин.
Энтикиб боқмайди уфқларга ҳам,
ўйчан кўзларида кўринмас ҳайрат,
арқондай эшилган ҳар томирида
қотганга ўхшайди
шижоат-ғайрат.
Икки ҳайкал турар —
икки сангтарош
даврларнинг аниқ сувратин берган.
Икки ҳайкал турар,
қаршимда, мана,
Бири кўкка қарар,
бириси — ерга.

УММОН

Агарда бу уммон тагида
қудратли дарёлар бўлмаса,
тублари гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ,
навқирон сувларга тўлмаса.
Бўлмаса хилма-хил ҳаракат,
бу қадар уммонлик қаёқда,
поёнсиз бир кўлмак бўларди,
ботқоққа дўнарди,
ботқоққа.

ОВЧИЛАР

Қирчиллаган йигитлар
қўмсаб овнинг гаштини,
маст отларни ўйнатиб,
кезди дала-даштларда.

Кун найзага келганда
роса терга ботдилар,
гоҳо қуён, гоҳ читтак,
гоҳо чумчуқ отдилар...

Аммо овдан бирортасин
сира кўнгли тўлмади.
Қайтишди кун ботарда, —
«бўлмади ов, бўлмади».

Овчилардан кулгандай
бўларди тоғ тошлари.
Қайтар эди шўрликлар
қуйи эгиб бошларин.

Мана, жаннат маконга
улар ҳайрон қарайди:
арчазорлар нарёғида
туман қушлар сайрайди.

Гала-гала тустовуқлар,
кийик ўйнар сайҳонда.
Садо берар какликлар,
ғозлар учар осмонда.

Овчилар «воҳ» дейишар,
«воҳ» дейишар тўпланиб.
Милтиқлари бор эдию,
соб бўлганди ўқлари.

Жонибек ҚУВНОҚ

ТЎРТЛИКЛАР

Бешикда тин олар суқсурдек бола
Юзлари қулчаю, ёноғи — лола.
Келажак тин олар... Унинг
тақдири,
Бетиним одамлар, сизга ҳавола!

* * *

Шу юрт тупроғидан бино бўлди,
денг,
Обу ҳавосидан кучга тўлди, денг.
Бир лаҳза унутсам агар бу юртни,
Е ҳушдан айрилди, ёки ўлди, денг

* * *

Кулгули сўз отиб, қотиб
кулсанг-чи!
Пўлатдек хўп эриб, сўнг
қуюлсанг-чи!
Ўзгалар ҳолидан гап сотгунингча
Аввал ўз ҳолингдан воқиф
бўлсанг-чи!

* * *

Умр оқар дарёдир, бунга шубҳа
йўқ,
Оқимга кор қилмас хоҳиш, ё
буйруқ.
Аммо баъзи умрлар ҳайратга
солар,
Номига дарёю ўзани қуруқ.

* * *

Балки отинг бордир, балки
извошинг,
Балки осмонларга етади бошинг.
Аммо гердаймагин изим қолар
деб,
Изингни босмаса агар издошинг.

* * *

Дунёнинг ўтмиши асли қиёсли,
Бордир ҳар инсонда ўзига хослик.
Дунё сирларини ўрганмоқ осон,
Ғоятда мушкулдир
одамшунослик.

* * *

Ҳар ким кун кечирар таъбига
кўра,
Бировга оромлик, бировга «ура».
Ҳамма бир қолипга сиғмайди
ахир,
Булбулга гул ёқар, хўтикка шўра.

* * *

Гоҳ кўзи ўткирга асо берарлар,
Гоҳ тўйлар ўтган сўнг ҳино
берарлар.
Баъзан сезиб қолиб сулоласини,
Чала муллага ҳам баҳо берарлар...

* * *

Сўз агар ўт олса юрак қўридан,
Чеҳралар ёришар унинг нуридан.
Ўзгалар ғийбатин қилма, иғвогар,
Тутун пуркамагин қора мўридан!

Олиманинг обрўси

Медицина фанлари доктори, профессор Малика Саматовна Абдуллахўжаевани фақат мамлакатимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам ҳамкасблари яхши билишади. У Югославия, Руминия, Италия, Францияда турли вақтларда бўлиб ўтган халқаро анжуманларда тиббиёт фанининг муҳим масалаларига бағишланган мазмунли докладлари билан фаол қатнашиб келмоқда. У ўша юксак минбарлардан туриб, бир неча бор ўз салоҳиятини, қолаверса, қутлуғ олтмиш ёшга тўлган жонажон Совет Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиётини бахтиёр диёрнинг саодатли вакиласи сифатида намойиш этди.

Олима фан ва тараққиёт манфаатлари йўлида чет эллик ҳамкасблари билан хат орқали муттасил алоқа қилиб туради. Чунончи, Малика Саматовна югославиялик олим Хайрутдин Хожиселимович, болгар Петро Петков билан доимий мулоқотда бўлиб, ўзи тадқиқ қилаётган мавзулар ёки уларни қизиқтирган масалалар хусусида фикрлашади, маслаҳатлашади.

Ўзбек олимасининг чет эллик ҳамкасбларида ўз истеъдоди ва инсоний фазилатлари билан чуқур таассурот қолдирганлиги унинг номига келган самимий мактубларда янада яққолроқ кўзга ташланади: «Сизнинг тимсолингизда, — деб ёзади непаллик Сатья де О'гири, — бошқалар учун яшаётган, уларнинг иқболи учун курашаётган бахтиёр инсонни кўраман».

Япониялик олим Казунори Наган эса ўз мактубида ўзбек олимасининг самарали илмий тадқиқотлари билан изчил қизиқиб турганини мамнуният билан эътироф этади.

Маълумки, жаҳон медицинасида инсон аъзоларини кўчириб ўтказиш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Худди шундай операциялар бизнинг республикамизда ҳам ўтказилмоқда. Бу ишда профессор Малика Саматовна ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунда олима раҳбарлигида синовдан ўтган ва организмда аъзони кўчириб ўтказиш жараёнида юз берадиган иммуниал таъсир ҳолатини босадиган модда қўл келмоқда.

Олима яратган илмий мактаб магнит майдонининг инсон асаб системасига таъсирини, хавфли шиш ҳосил этувчи баъзи бир моддаларнинг зарарли асоратларини кенг тадқиқ қилмоқдаки, бу ишлар фан учун, инсон саломатлиги учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Профессор М. Абдуллахўжаева лаборатория мудири К. Собирова билан.

(ЎзТАГ фотохроникаси)

МУЗ МЕТЕОРИТ ТУШДИМИКАН?

Қозон шаҳридаги дам олиш базаларидан бирининг ходими А. Кожухов сирли бир ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлди. Ез эртаси, у қарағайзор оралаб хизматга бораётган эди. Кутилмаганда унинг қулоғига қаттиқ ҳуштакнамо товуш, сўнгра синган шохларнинг овози эшитилди. Ўша лаҳзанинг ўзида унинг орқа тарафида нималарнингдир ерга зарб билан тушгани билинди.

Кожухов ўгирилиб қарадию, қум сепилган йўлкада... у ер-бу ери тешилган йирик муз бўлагининг сирғалиб бораётганини ҳайронлик билан кузатди. «Вой-бўй, бемалол тўрт килограмм келади-я», деб юборди ва осмонга қаради. Осмонда булут нишонаси йўқ.

Кожуховнинг ҳушёрлигига, фаросатига қойил қолмоқ керак. Чунки у бу ғалати ҳодисага қўл силтаб, беэътибор қолдириб кетавермади, биринчи марта кўриб тургани — энг катта муз парчасини қўлтиқлаганича идорага шошилди, идорада муз парчасини холодильникка солиб қўйди. База ходимлари ҳам тадбиркорлик кўрсатдилар. Куннинг иккинчи ярмида самодан тушган топилма СССР Фанлар академияси Метеоритлар комитетига жўнатилди.

— Қозон шаҳри атрофларига муз метеорити тушганига ишонса бўладими?

Метеоритлар комитети раисининг ўринбосари, физика-математика фанлари кандидати А. Явнель юқоридаги саволга телефонда қуйидагича жавоб берди:

— Муз метеоритлари жуда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир ва шунинг учун ҳам бу ҳақдаги маълумотлар ниҳоятда кам. Олимларнинг фаразларига кўра, самодан тушадиган бундай «меҳмонлар» аслида кометаларнинг ядросидан чиқиши мумкин. Ҳозирги тасаввурлар бўйича, бундай кометаларнинг ядроси кўпроқ зичланган қор ҳолидаги моддалардан ва озроқ миқдорда муздан иборат бўлади. Бундай моддалар эса, атмосферага ўтганидан кейин, одатдагидек, Ер юзасига етиб келолмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, олимлар ҳар қанақа ҳодисани ҳушёрлик билан кузатадилар. Биз янги топилма ҳақидаги хабарни, унинг изидан топилманинг ўзини — гарчи, «самодан» тушган музни эриган ҳолатда бўлса ҳам — дарҳол изотоп анализи учун юбордик. Дарвоқе, музни эримаган ҳолда сақлайолмаганимизнинг зарари йўқ, чунки уни ўрганиш, тадқиқ этиш учун барибир эритиш лозим бўлар эди.

Янги топилманинг метеорит ёки метеорит эмаслиги анализлар натижасида аниқланади,— деди ўз сўзининг охирида олим.— Ҳатто янги топилма ернинг ўзида яралган «маҳсулот» бўлиши ҳам мумкин. Биз ҳатто қачонлардир аэропортлар атрофидан топиб олинган «метеоритларни» ҳам ўрганганмиз...

Ю. АЛАЕВ

ГУМАНИЗМ НИҚОБИДАГИ БЎҲТОНЛАР

Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳозирги давр социал тараққиётининг асосий омили инсонга бўлган муносабат билан, инсонпарварлик ғояларини амалга ошириш билан белгиланади. Табиий ва ижтимоий фанларнинг узоқ давр давомидаги ривожи шахс муаммоси, кишининг маънавий дунёси ва социал моҳиятини ўрганиш учун замин яратиб берган эди. Фақат марксча философия ниҳоятда мураккаб инсон масалаларини унинг турли-туман ҳиссиётлари, эҳтиёж ва тушунчалари, умид-орзулари ва ниятлари, барча хатти-ҳаракати ва фаолиятини тўғри тушуниш ва аниқлаш имкониятини юзага чиқарди. Албатта, ҳозир ҳам инсон табиати ва тафаккури, ҳис-туйғулари ва ички дунёси жумбоқларга тўла. Шунинг учун ҳам шахс масаласи, унинг кўп қиррали фаолияти ва мураккаб табиати мафкуравий курашнинг диққат марказида. Замонамизнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаб КПСС Марказий Комитетининг Июнь (1983 йил) пленумида шундай дейилган эди: «Бу давр эса бир-бирига мутлақо зид бўлган икки дунёқараш, икки сиёсий йўл — социализм ва империализм ўз интенсивлиги ва ўткирлиги жиҳатидан урушдан кейинги бутун давр мобайнида мислсиз ўзаро кураши билан ажралиб туради. Ер юзидаги миллиард-миллиард кишиларнинг онги ва қалби учун кураш бормоқда. Инсониятнинг колажаги эса мана шу идеологик курашнинг қандай натижа билан тугашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади».

Социализм инсонпарварлик соҳасида жаҳон миқёсида ўзининг барча афзалликларини тўлиқ намоён этиб, бутун мазлум халқлар ва тараққийпарвар кишиларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Асрлар давомида хурофот, нодонлик ва маънавий қулликда яшаб, миллий-озодлик кураши натижасида мустамлакачилик занжирларини парчалаб, эндигина озодликка чиққан халқларнинг чинакам социал тараққиёт йўлидаги барча ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқи туфайли социализм обрўси кун сайин мустаҳкамланмоқда. Бу ҳолат империалистлар ва буржуа малайларининг ғазабини қўзғотаётир.

Капитализмнинг инқирозга учраши, буржуа идеологиясининг обрўсизланиши империализм ҳомийларини антисоветизм йўлида энг разил воситалардан фойдаланишга ундамоқда. Империалистик давраларнинг манфаатини ифодаловчи сиёсий арбоблар, шу жумладан йирик халқаро клерикализм вакиллари ҳозирги пайтда жаҳонда жиддий социал ўзгаришлар содир бўлаётганлигини, империализм ҳукмронлиги тугаётганлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун улар антикоммунизмнинг анъанавий воситаларидан ташқари, янги, анча ниқобланган усулларини ишлата бошладилар. Антикоммунистлар, бир томондан, «илмий» асосда реал социализм ва унинг ҳаққоний ютуқларини сохталаштириш, социализмга қарши идеологик ва сиёсий альтернатива ишлаб чиқиб тавсия қилиш, иккинчи томондан, ҳозирги буржуа жамиятини янгилаш ва «модернизациялаш» ғояларини кенг оммага сингдириш йўлида хизмат қилиб келмоқдалар. Улар сўнгги йилларда ўша мақсадда диндан фойдаланишга жиддий киришмоқдалар.

Ғарбнинг оммавий ахборот воситалари ва антисовет ташвиқот марказлари кейинги йилларда мамлакатимиздаги дин ва диндорларнинг «аҳволи»ни ёритишга катта эътибор бермоқдалар. Махсус радиостанциялар СССРдаги диний ташкилотлар ва диндорларнинг аҳволи тўғрисида ҳар хил бўҳтонлар тарқатмоқдалар. Аслида 70-йиллар охирида 40 дан ортиқ радиостанция совет халқларининг 24 тилида кунига 200 соатдан кўп эшиттириш олиб борган эди.

Мафкуравий кураш жабҳаларида

Ғарбий мамлакатларнинг баъзиларида Совет Иттифоқидаги диний ҳаётга бағишланган турли «симпозиум» ва «семинарлар» ўтказилаётир. Америка бошчилигида сохталаштирилган фактларга таяниб, антисоветизм ғоялари тарғиб қилинаётир. Сўнгги маълумотларга кўра, империалистик мамлакатларда СССРга қарши 400 га яқин қўпорувчилик ташкилотлари фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, АҚШнинг бош тарғибот маркази Ахборот агентлиги (ЮСИА)да ҳозир психологик уруш соҳасидаги 9 мингдан ортиқ профессионал мутахассис ишламоқда. Бу марказ жаҳоннинг 125 мамлакатида 201 бўлим ташкил қилиб, турли каналлар орқали 125 тилда 12 журнал нашр қилади. Умуман, биргина Қўшма Штатларда совет шунослик марказларининг сони 200 дан зиёд.

Ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳам илмий-техника ва социал революциялар таъсирида диннинг аста-секин инқирозга учраши, диндорлар сафининг камайиши эксплуататорларни ташвишга солиб қўйди. Чунки барча эксплуататор давлатларда дин ҳозир ҳам халқни эксплуатация қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Ҳозиргача буржуа мамлакатларидан 43 тасида расмий давлат черкови мавжуд, шу жумладан Европа ва Лотин Америкасидаги 14 та мамлакатда рим-католик черкови ҳукмрон, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё ва Африка мамлакатларидан 28 тасида ислом расмий давлат дини ҳисобланади. Эрон, Мавритания ва Покистон каби мамлакатлар ислом номи билан аталади. Расмий давлат дини ҳукмрон ҳисобланган 22 та мамлакат (масалан, Аргентина, Парагвай, Иордания, Норвегия, Швеция, Дания ва ҳоказо)да давлат бошига фақат ҳукмрон дин вакили сайланиши мумкин. Италияда ҳозиргача провинцияларда давлат хизматига кириш учун маҳаллий черковдан диндорлиги тўғрисида ҳужжат талаб қилинади. Исроилда барча гражданлар иудаизм ақидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт, аксинча улар яҳудий эмас деб танилиб, Исроил гражданлигидан маҳрум қилинади.

Инсон эркинлигида «намуна» деб ҳисобланган Американинг Шимолий Каролина, Миссисипи, Техас ва бошқа штатларида диний қасамни рад қилган киши давлат ташкилотларида хизмат қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Арканзас штатининг конституциясида ҳатто шундай деб ёзилган: «Кимки худонинг борлигини рад қилса, охиратдаги инъом ва жазога ишонмаса, у ҳеч қандай давлат мансабига сайланишга ҳақи йўқ». Айрим штатларнинг конституциясига биноан диний ибодат қилиш мажбурий ҳисобланади. Американинг 16 штатида динга қарши чиққанлар — 30 доллардан 1000 долларгача жарима тўлаши ёки озодликдан маҳрум қилиниши қонунлаштирилган. АҚШ конгресси икки палатасининг ҳам сессияси ҳозиргача диний ибодат билан очилади. Президент бўлиб сайланган шахс эса инжилга қасамёд қилади. Диндорларнинг ёрдамига доимо муҳтож бўлган Эйзенхауэр ҳозирги даврнинг энг муҳим омили «диннинг атеизмга қарши кураши», деб айтган эди.

Мамлакатимизга қарши қаратилган сиёсатни ўтказишда империализм ва реакция ислом проблемасидан кенг фойдаланаётир. Масалан, АҚШ президентининг собиқ ёрдамчиси З. Бжезинский 1979 йилнинг охирида «Юнайтед Стайтс Нъюс энд уорлд рипорт» журналига берган интервьюсида «мусулмон-

ларнинг баъзи диний эътиқодларини баҳам кўрамиз, чунки христианлик ва ислом кўп жиҳатдан бир-бирига туташган», дейишгача борди. У ҳатто: «Совет давлати Ўрта Осиё мусулмонларини диний ҳуқуқидан маҳрум қилган ва мусулмон мамлакатларининг мустақиллигига суиқасд қилиш фикрларини кўтариб юрмоқда», деган туҳматларни ҳам очиқ-ойдин баён этган эди. Бундай гапларнинг нақадар сохта ва бошдан-оёқ бўҳтон эканлигини мамлакатимизга келиб кетган жуда кўп мусулмон давлат ва дин арбоблари фош қилганлар. Улар, аксинча, реал социализмнинг афзалликларини исботлаб берганлар.

Сўнгги йилларда Америка пропагандаси «Совет ҳарбий хавфи» деган ақида билан бирга «ислом ва коммунизм зиддияти» тўғрисидаги турли туҳмат-тарғиботларни олиб бормоқда. Бундан мақсад араб мамлакатлари билан СССР орасидаги ривожланаётган муносабатларга раҳна солиш ва мусулмон халқларини империализмга, исроил агрессиясига қарши курашдан чалғитишдан иборат.

Империализм ва мустамлакачилик Яқин ва Ўрта Шарқда жуда кўп зиддиятларнинг пайдо бўлиши ва кучайишига сабаб бўлди. Айниқса 1982 йилнинг июнь ойида Вашингтоннинг розилиги ва бевосита ёрдами билан Исроил Ливанга бостириб кирди ва ўн минглаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қуритди, бу қирғин ҳамон давом этмоқда. Америка империализми Яқин Шарқдаги ёвуз ниятларини амалга ошириш мақсадида Исроилнинг босқинчилик сиёсатини енгиллаштириш ва Фаластин масаласини ҳал этишга тўсқинлик қилиш учун Эрон ва Ироқ уруши бошланишига сабабчи бўлди. Реакцион кучлар Кипрдаги турклар билан греклар, Судандаги араб ва негр аҳолиси орасида диний зиддиятни кучайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Диний шовинизм шаклидаги жиддий тўқнашувлар Индонезия, Ливан, Покистон, Заир, Конго, Маврикий ороли, Доминика Республикаси ва бошқа мамлакатларда империалистик кучлар ёрдамида пайдо бўлмоқда.

Бизнинг мамлакатга қарши қаратилган бўҳтонлар яҳудийлар дини ниқобида ҳам кенг тарқатилмоқда. Сионизм руҳидаги антисоветчилар ўзларини гўё бизнинг мамлакатдаги яҳудийларнинг «ғамхўри» қилиб кўрсатиб, «СССРда яҳудий миллий маданияти тугатилиши»нинг олдини олиш, «танланган яҳудий халқи» социализм талабларига мос эмас, уни таврот ва инжил таълимоти таъсирига қайтариш зарур», деган ғояларни тарғиб қилмоқдалар. Бошқача қилиб айтганда, сионистлар диний восита орқали совет гражданлигидаги яҳудийларни орқага, яъни Ўрта асрлик даврига қайтаришни, уларда миллатчилик туйғуларини уйғотиш ва шу билан совет халқлари орасида низолар уйғотишни мақсад қилмоқдалар. Масалан, Лондонда чиққан «Яҳудийлар дунёси» номли тўпламда яҳудийлар Совет Иттифоқида гўёки икки томонлама жабр чекмоқдалар: биринчидан, «диний бирикма» жиҳатидан, иккинчидан, «миллий-сиёсий бирикма» сифатида. Бунга жўр бўлган француз журналларидан бири «Кремлнинг асосий мақсади — яҳудийларни ассимиляция қилдириш», — деб туҳмат қилади. Сионистлар ҳаттоки кейинги йилларда АҚШнинг тарқатаётган «совет хавфи» деган бўҳтони асосида ўзларининг ёвуз сиёсий ниятларини амалга оширишга интилмоқдалар. Америкалик ашаддий сионистлар Т. Маккола ва З. Левибт ёзган «Русларнинг Исроилга бостириб кириш истиқболи» номли китобида гўёки, Инжилда таърифланганидек, руслар томонидан Исроилнинг истило қилинишини 2600 йил муқаддам Иезекиил пайғамбар олдиндан билиб айтган эмиш. Бу ерда ҳам худди ислом сингари яҳудийлар динидан АҚШ империалистлари ҳар томонлама фойдаланишга интилаётганлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Буржуазия тарғибот воситалари бизнинг мамлакатда, бир томондан, диний уйғониш рўй бермоқда деса, иккинчи томондан, атеизм зўрлик билан ўрнатилмоқда, деб аюҳаннос солмоқда. Улар СССРнинг Асосий қонуни — Совет Конституциясининг 52-моддасида барча гражданларга виждон эркинлиги гарантияланганлиги, яъни динга итоат қилишга тўлиқ ҳуқуқ берилганлиги, шу билан бирга ҳар бир граждан атеистик пропаганда юргизиш эркинлигига эга эканлиги тўғрисида лом-мим демайдилар. Биз ҳеч вақт динга қарши курашни, унинг реакцион моҳиятини очиб ташлашни, халқимиз онгида материалистик дунёқарашни шакллантиришдан иборат мақсадимизни яширган эмасмиз. Атеистик тарбия коммунистик тарбиянинг таркибий қисми эканлиги барча партия ҳужжатларида қайд қилинган.

Ленинча таълимотга асосланган Коммунистик партия ҳеч вақт диалектик материализм ва илмий атеизм принципларидан чекинмайди. Ленинча курашчан атеизм позицияси ҳозир ҳам диннинг социал моҳияти ва табиати тўғрисидаги марксча тушунчадан чекланишларга қарши муросасизликни талаб қилади. Дин ҳеч вақт — ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам прогрессив идеология бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун чинакам марксистик партиялар философиядаги ҳар хил худо изловчилар ва худо тузувчиларга қарши астойдил кураш олиб борадилар, илмий социализмни у ёки бу диний социализмлар билан алмашувига йўл қўймайдилар. Чунки идеология масаласида муросасозлик қилиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда виждон эркинлиги асосида ҳар бир гражданга эркин равишда у ёки бу диний таълимотга итоат қилиш ва ибодат ўтказиш учун имкониятлар муҳайё. Ҳозир СССРда элликка яқин динлар ва диний мазҳаблар мавжуд, 20 мингдан ортиқ православ ибодатхоналари, мачитлар, будда дацалари, католик костеллари ва бошқа диний ибодат уйлари ишлаб турибди.

Марксизм классиклари доимо виждон эркинлигини гражданлик ҳуқуқининг таркибий қисми, деб ҳисоблаганлар. «Инсон ҳуқуқи деган тушунчадан дин билан инсон ҳуқуқи орасида зиддият, деган маъно чиқмайди, албатта, аксинча, барча ҳуқуқлар орасида диндор бўлиш ҳуқуқи, турли хилдаги диндор бўлиш, ўзининг махсус динига ибодат қилиш аниқ кўрсатилган. Эътиқод имтиёзи инсоннинг умумий ҳуқуқидир», — деб ёзган эди К. Маркс. У алоҳида қайд қилади: «Биз биламиз... динга қарши зўрлик тадбирлари ишлатиш бемаънилик, аммо бизнинг фикримиз шундай: диннинг тугатилиш жараёни социализм ривожига боғлиқ. Унинг тугатилиши ижтимоий тараққиёт натижасида рўй беради, бунда тарбия катта роль ўйнайди» (К. Маркс, Ф. Энгельс. Соч., т. 1, с. 400).

Социализм энг олий инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган илмий атеизмни кенг омма дунёқарашига айлантириб, ахлоқий пок шахснинг ҳар томонлама камол топишига имкон яратиб беради. Социалистик гуманизм инсоннинг барча табиати ва ҳис-туйғуларини эътиборга олиб, уни энг олий мавжудот сифатида қадрлайди. «Киши кишига — дўст, ўртоқ ва биродар» деган принципга таянган гуманистик ғояларимиз Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг негизини ташкил қилади. Умуминсоний моҳиятга эга, ҳамма учун тушунарли бўлган бу шиор илмий коммунизм ва атеизмнинг асосий проблемаси бўлганлиги туфайли ҳам буржуа идеологлари ва ревизионистларини ғазабга келтирди. Улар реал, революцион гуманизмни тарғиб қилувчи марксизм-ленинизм таълимотини ҳар томонлама сохталаштириб, уни гўёки конкрет ижтимоий шароитдан ажралган абстракт гуманистик таълимот қилиб кўрсатишга интиладилар. Клерикал антикоммунистлар ҳам буржуа идеологларига жўр бўлиб, марксча-ленинча атеизмни инсон маънавий дунёсини қашшоқлаштирувчи антигуманистик руҳдаги таълимот, деб тарғиб қилмоқдалар. Тарихий тажриба бундай назариялар ва тушунчаларнинг нақадар пуч эканлигини аллақачон тасдиқлаган.

Ташкил топганлигининг 60 йиллигини нишонлаётган Совет Ўзбекистони коммунистик идеологиянинг, жумладан марксча атеизмнинг нақадар зўр гуманистик ғоя эканлигининг ёрқин далилидир. Ўзбек халқи кишининг бир умридан ҳам оз вақт ичида қуллик занжирларини парчалабгина қолмай, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт асосида мисли кўрилмаган ўзгаришларга эришди, барча хурофий сарқитлардан озод оммавий атеизм принципларига таянган социалистик турмуш тарзини ўрнатди ва кенг маърифат йўлига чиқиб олди. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор қила олмайди.

Бизнинг ғоявий душманларимиз капитал оламидаги маънавий тушкунлик ва барча ахлоқий иллатларни марксча атеизмнинг тарқалиши билан боғлаб кўрсатишга интилмоқда. Аслида марксча-ленинча атеизм мавҳум бахт-саодат тўғрисидаги диний-фалсафий фикрларни тўла рад қилибгина қолмай, жамиятдаги бутун социал зиддиятлар, тенгсизлик, ахлоқий бузуқлик, ғайриинсоний иллатларга қарши изчил курашиб келди. Атеистик пропаганданинг асосий мақсади динни сохта дунёқараш сифатида фош этибгина қолмай, балки жамият аъзоларини коммунистик идеалларга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда актив гражданлик, ватанпарварлик, коллективизм ва интернационализм, ҳаётий фаоллик ва революцион бунёдкорлик каби чинакам гуманистик фазилатларни шакллантиришдан иборатдир. Бизнинг социалистик жамиятда юксак маънавий маданиятга эришган кўпчилик кишиларимиз ўзларининг онгли меҳнатини умумий иш — коммунизм қурилиши фаолиятининг бир зарраси деб тушунадилар. К. Маркс ибораси билан айтганда, коммунизм асли реал гуманизмдир. Атоқли марксизм ташвиқотчиси А. В. Луначарский улуғ доҳийимиз В. И. Лениннинг қуйидаги сўзларини эслатган эди: «Эркин камол топаётган киши имкони борича катта ҳажмдаги ва турли хилдаги бахтни топишга интилади ва уни бошқалар бахти билан гармоник тарзда муштарак бўлишини истайди. Инсон шахси юксак маданиятни ривожлантиради. Агар кишилар шу асосда донороқ, гўзалроқ бўлмаса, социализмга ўтишнинг ҳожати йўқ».

Социалистик тузумнинг энг ажойиб фазилатлари ҳам инсоннинг бутун табиати, ички дунёси ва ташқи қиёфасини чинакам гўзал қилиб шакллантириш учун замин яратишдан иборатдир. Шахснинг ҳар томонлама камол топишини, унинг социал ва маънавий эҳтиёжини тўла қондиришни мақсад қилиб қўйган бизнинг Коммунистик партия ва давлатимиз ўзининг барча куч-ғайрати, ақлидроки ва бутун фаолиятини «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган шиорга бўйсундирган. Янги шахсни шакллантириш Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ғоявий-назарий ва амалий фаолиятида энг асосий ўринни эгаллайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненко партия Марказий Комитетининг 1984 йил Февраль пленумида қайд қилганидек, «Янги дунё қуриш — янги дунё кишисини камол топтириш ҳақида, уни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан ўстириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилиш демакдир».

Социалистик идеологиянинг кенг омма орасида ҳукмрон бўлиши, маданий-маънавий ҳаётимизнинг шу асосда ташкил этилиши жамиятимиз аъзоларининг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантиришга, уларда эркин меҳнатга, ахлоқий тартиб ва нормаларга, оила ва маиший турмушда янги, коммунистик муносабатларни вужудга келтиришга хизмат қилмоқда. Агар экономика ва ижтимоий муносабатларни ривожлантириш социализм шароитида янги кишини камол топтиришнинг зарурий шарти бўлса, кишиларни маънавий томондан юксак даражага кўтариш, уларни диний-маиший сарқитлардан озод қилиш, ўз навбатида, иқтисодий ва социал тараққиётнинг зўр омилига айланди.

ТОҒБЕГИ

ЯНГИ ҚИССАДАН ПАРЧА

Нурали ҚОБУЛ

Эртаси куни у милтиғини орқалаганча яна тоққа қараб кетди. Лекин ов қилиш учун бирорта сойга эмас, тўппа-тўғри ўрмон хўжалигининг Боғмозордаги участкаси бошлиғи Ҳайитбой Ниёзовнинг олдига борди. Участка бошлиғи отини эгарлаб, тоғ айланмоқчи бўлиб турган экан.

— Нега милтиқ кўтариб юрибсан? — деди тоғбеги унинг саломига бош иргаб алик оларкан, елкасидаги милтиққа ишора қилиб.

— Ўзим, шундай.

— Ов қилмоқчимисан?

— Йўқ.

— Нега бўлмаса милтиқ кўтариб юрибсан?

— Қўйдан қайтаётгандим, — деди у нима деб жавоб қилишини билмай.

— Кимнинг ёнида қўй боқасан?

— Салим чўпоннинг ёнида.

— Ҳа, Салим совуқ биланми? Кўрмаган эканман. Хўш, қандай шамоллар учирди сени биз томонга?

Тоғбеги отда, у яёв тоққа қараб ўрлашди. От бошини осилтирганча юриб ўрганган сўқмоғидан кетиб борар, ундан қуйидаги сўқмоқда енгил чорикда милтиқли йигит чаққон одимлар эди.

— Сизнинг олдингизга бир маслаҳат билан келувдим, Ҳайитбой ака,— деб гап бошлади у ҳансираб.

— Нима эди?

— Мени ишга олмайсизми?

— Иш қаёқда дейсан, ука? Тўртта қоровуллик штатида ҳам одам бор, — деб жавоб қилди бош тоғбеги ҳафсаласизлик билан.

— Тоғбегиликка жуда ҳавасмандман-да.

— Тоғбегиликка эмас, овчиликка ҳавасмандирсан?

— Овчилик қилиш учун тоғбеги бўлиш шарт эмас-ку.

— Сенинг бемалол ов қилишингга индамай қўйиб беришар экан-да.

— Ҳақиқий овчилар ҳар бир сойга биттадан қоровул қўйсангиз ҳам барибир овини қилаверади. Улар билан ўчакишиб, ғашига тегмаган маъқул.

— Уҳ-ҳў, даминг баланд-ку.

— Шунчалик айтдим қўйдимда, — деди у ноўрин гапириб қўйдим шекилли, деган хаёлда чўчиб.

— Сенга қоровулликни берсам, отангга қўшилиб тоғдаги қумурсқагача отсанг керак.

— Агар мен тоғбеги бўлсам, биринчи галда отамни тоққа йўлатмайман, — деди у қатъий оҳангда.

— Оббо мўлтонидан чиққан ботир-ей, ўз чодиримга ўт қўяман дегин?

— Давлатнинг иши ота-болаликни кўтарадими?

— Сен болада бир гап борга ўхшайди, — деди тоғбеги муғомбирона жилмайиб.

— Менда кўп гап бор, ака, — жавоб қилди у тоғбегининг жилмайганидан дадил тортиб.

— Дангал ва мард болага ўхшайсан. Ростини айт, менинг олдимга сени биров юбордими ёки ўзинг келдингми?

— Ўзим келдим.

— Ростини айт?

— Йигитлик сўзим!

— Бўладиган гапни айтсам, сен менга ёқдинг. Бу учи-қуйруғи йўқ тоғларга сендек тоғбегилар керак. Қўйиб берсанг, одамлар шу тоғларни ҳам бўлиб олишади. Лекин бўш ўрин йўқроқ-да...

— Бир иложини қилинг энди, ака. Ула-ўлгунча сизнинг қулингизман.

— Отиш масаласида қалайсан?

— Зарғалдоқни десангиз ҳам отиб келаман.

— Майли сени Жарбулоқ участкасига қоровул қилиб оламан. Фақат бироз кутишга тўғри келади. Ражаб тоғбеги милицияга тушибди.

— Бир йил десангиз ҳам кутаман.

— Ўрмончиликка сенга ўхшаган жонини жабборга бериб ишлайдиганлар керак. Бўғоз байтални лўкиллатиб тоғ айланиб юрган билан иш битмайди. Дов-дарахт ҳам тирик жон, у ҳам меҳрга муҳтож.

У тоғбегининг оти билан баравар юриб борарди. Ахён-ахёнда елкасидаги милтиғини тўғрилаб қўяр, пешонасидаги терни артганча бош тоғбегининг сўзларини жон қулоғи билан тинглар эди.

— ...Майли, ҳозирча бекор юрмагин. Ишчи кучи ёллаб Қутчисойда зира билан тоғ ўтларини тердираяпмиз. Зирани териш вақти ўтиб кетаяпти, бодом ҳали пишмаган. Жуда қийналаяпмиз. Ҳамма совхознинг иши билан банд. Ишлайдиган одам йўқ. Ишлаётганларга бошчилик қилиб турасан. Сендек бир қаттиққўл одам бўлмаса, планни бажаролмайдиганга ўхшаймиз. Тўрт-беш сўм чойчақа ҳам ишлайсан, қишлик бодомингни ғамлаб оласан.

— Яхшилигингизни ўн баробар қилиб қайтараман, ака, — деди у энтикиб, хурсандлигини яширолмай.

— Қайтармасанг ҳам майли, лекин унутмасанг бўлгани, — деди бош тоғбеги олис-олисларга маъюс тикилиб.

Улар тоғнинг барча сойлари кафтдек кўриниб турадиган Кўккўтон дарасига етиб келишганди. Тоғу тошларда юраверіб ўрганиб қолган тоғбегининг оти ҳафсала билан кўм-кўк ўтга оғиз урди. Эгаси сувлиғини чиқариб қўйди. Этакда сойнинг шарқираши эшитилар, турнақатор, паст-баланд арчаларнинг вазминлигидан ҳаммаёқ сокин ва салобатли туюлар эди. Яқингинадан инсон зотини кўрса барча жониворларни огоҳлантирадиган олашақшақнинг овози эшитилди. Овчиларнинг бу бехосият қушга кўзлари тушса бас, отиб ташлашади.

— Мен виждонимни ютмаганман — деди у бош тоғбегининг гапига салмоқли жавоб қайтаришга ҳаракат қилиб. — Сиз менга отам қилмаган яхшиликларни қилаяпсиз, бундан кўз юмсам, кўзим кўр бўлади.

— Кўпам виждонни ўртага солиб қасам ичаверма. Бу яхши эмас. Қасамхўрларни ёмон кўраман. Эсимни танибманки, тоғ кезаман. Минг бир турфа одамни кўрдим. Инсон табиат қўйнида ўзлигига қайтиб, қиёфасини яширолмай қолади. Тоғ — инсон қалбини юмшатади, юрагига ишонч ва эзгулик уруғини ташлайди.

У шу куни уйига мамнун қайтди. Ўйлаган иши бу қадар силлиқ битганига ишонмас эди. Ишқилиб, энди ишга шайтон ораламаса бўлгани. Шунақа, йигитнинг омади бир келса келаверади. Аммо бир орқага кетдими, устмауст оёғинг тояверади.

Уйга кириб келганида хотини ҳали-бери чанги босилмайдиган ҳовлига сув сепарди. Сув сепгани сари қуруқ тупроқ ҳиди анқирди. Унинг жилмайиб кириб келаётганига кўзи тушган келинчак супургисини қўлдан қўймай унга тикилганча туриб қолди. Уни илк бор шундай ғалати ҳолатда кўриши эди. Одатда у қувонганда ҳам атайлаб қовоғини уйиб юрар, худди бировга аччиқ қилиб кулаётганга ўхшарди.

— Ҳа, мени биринчи кўришингми? — деди у қошини чимириб келинчакка тикиларкан.— Худди айиқни кўргандек аграйиб қолдинг? Ишлар яхши, — деди мийиғида кулиб.

— Ишга жойлашдингизми? — сўради келинчак унинг энди бирор ерда ишлашидан қувониб.

— Бир кунда бориб ишга жойлашадими? Энг муҳими, ҳал қилиб келдим. Сенга ҳаммасини айтиб ўтириш шарт эмас. Қорнинг тўқ, устинг бут бўлгандан кейин яна нима керак.

У шундай дедию худди чолларга ўхшаб гапирганидан ўзи ҳам уялиб кетди. Хотини билан кўзи тўқнашмаслиги учун ҳовлини ўнг томондан кесиб ўтадиган ариқчага қараб юрди.

— Какликларнинг қолганини қовур, — деди баланд овозда сувни сачратиб ювинаркан.

Келинчак ишини йиғиштириб, гап-сўзсиз ўчоқ бошига йўл олди. Тарашани майдалаб, ҳафсала билан ўчоққа қалади. Олов ловуллаб ёна ётганда танасида яна ўша ёқимли ҳис уйғонди... Кечадан бошлаб ўзида пайдо бўлган бу ҳолат ҳақида ўйламасди. Бу туйғу уни аллалар, элитар ва турмушнинг майда-чуйда ташвишларини унутишга ундар эди. Шундагина у оловга бошқоронғи бўлганини пайқади. «Е тавба! Оловга ҳам бошқоронғи бўладими? — пичирлади ўзига ўзи ҳайрат ва қўрқувда ёқасига туфлаб. — Ениб кетмасам эди».

...Муштдеккина бўлиб қолган какликлар ёғда сузарди. У қозонга картошка тўғраб солди-да, ёғини тортсин учун нон бўлакларини ташлади. Эрининг иш топганидан хурсанд эди. Одам боласининг нима биландир андармон бўлгани маъқул. Айниқса эркак киши.

Эртаси куни эрталаб у Жарбулоқ участкасига зира ва тоғ ўтлари тераётганларни қидириб кетди. Бош тоғбеги ўша ерда учрашамиз деган эди. Ўрмон хўжалиги билан шартнома асосида ишлаётган мактаб ўқувчилари учун бу иш мароқли эди. Улар ҳазилмутойиба билан Боғмозор дараларида зира, кийик ўти ва яна аллақандай ўсимликларни йиғишарди. Кечга яқин у бош тоғбеги билан қишлоққа қайтди.

— Бизнинг қишлоқ устидаги участкани берсангиз-чи?— деб сўради у хайрлашаётганда.

— Э-э, қизиқ бола экансан. Нима қиласан ўз бошингга жанжални сотиб олиб? Уз қишлоғинг одамлари билан ишлаш қийин бўлади. Бирови тоғанг, бирови амакинг, яна бири қўшнинг. Хуллас, ҳамма таниш. Тилингни ботир қилиб бир нима деёлмайсан.

— Давлатнинг ишида тоғажиянлик кетадими?

— Шундай деймиз-у, икки оёқ бир этикка тиқилганда кўзимиз ҳеч нарсани кўрмай қолади, ука. Гапимга қулоқ сол. Айтганларимни қулоғингга қуйиб ол. Зиён кўрсанг, айтасан. Уз-ўзингдан узоқда юрганинг маъқул. Узагингни ўзингники қирқади. Бегона ҳайиққаниданми, ҳурмат қилганданми, сенга ёмонликни раво кўр-

майди. Обрў ошдан, жанжал қариндошдан. Еғ топганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, дейдилар. Сен ҳали ёшсан, ука. Бошинг тошга теккани йўқ. Сен доимо битта нон топсанг, яқинларинг: «Бир бурдасини менга бериши керак эди», деб ўйлашади. Бир бурда нонни биттасига берасан, иккитасига берасан, ҳамманинг кўнглини олиб бўлмайди-ку. Ана шунақа гап, оғайни, жарбулоқликлар сенга унчалик таниш-билиш эмас. Кўзингни чирт юмиб одамларни ҳам, мол-ҳолни ҳам Новқадан юқорига ўтказмай тураверасан. Қани ғинг деб кўрсинчи? Сенинг орқангда бутун бошли давлат, қонун турибди.

— Тўғри, оқсоқол, айтганларингизнинг ҳаммаси тўғри, — деди у маъқулловчи овозда Ҳайитбой тоғбегининг донолигидан ҳайратга тушиб.

— Кўпни кўрдик, ука. Қари билганни пари билмас дейдилар...

Орадан бирор ой чамаси вақт ўтгач, уни ўрмон хўжалигининг Жарбулоқ участкасига тоғбеги қилиб тайинлашди. Бу хушхабар ўрмон қоровуллари билан ғижиллашиб юрадиган Раҳмон овчининг қулоғига шу қадар ёқиб тушдики, бир ҳафта бурун хотинига Назаркул тентакдан одам чиқса чиқади-ку, бу — ерга қараган ўғлингдан одам чиқмайди, деб юрган одам беихтиёр ўғлини мақтаб қолди:

— Ўзи у ёшлигидан пухта эди, — деди Раҳмон овчи хотинининг юзига қарамай. — Эсингда борми, ўша мен Самарқанддан олиб келган този билан басма-бас чопарди азамат. Шунда, бу боладан бир нарса чиқади, деб ўйлардим. Мана, айтганим келди...

Унга битта от, эгар-жабдуқ ва эски қўшотар милтиқ беришди. У айниқса милтиғи иккита бўлганидан қувонарди. Оти ҳам чакки эмас. Кўзини боғлаб қўйсанг ҳам, Ойқорнинг ҳар қандай ўнгирларидан бемалол юраверади. Тоғу тош кезаверіб пишиб, чайири чиқиб кетган. Уззу кун минсанг-да чарчамайди. Хуллас, омади бор экан. Ошиғи олчи чиқди. Иши юришган йигитнинг янгаси олдидан чиқибди, дегани шу-да.

Эрининг иши бу қадар осон кўчганидан келинчак ҳам ҳайрон эди. Бу одамови, чўрткесар ва гапёқмас эри қишлоқда ҳамма ҳисоблашадиган бу ишга қандай жойлашганига ақли етмасди. «Тоғдаги жониворларни қўриқлаш ўрнига, отиб битиради-ку», деб хаёлидан ўтказди. «Худо инсоф бериб қолар».

О. Восихонов чизган расм.

Фикрини эри сезиб қоладигандек шарпасиз ўчоқ бошига қараб юрди. Ўчоқда овқат пиширилмаса ҳам ўт ёнарди. Унинг қўли бўшади дегунча ўчоққа шох-шабба қалаб, ўт ёқарди. Бутун дунёни унутиб, оловга термулиб ўтирарди. Олов эса вужудига ҳузур ва ҳаловат бахш этиб, чарсиллаб ёнар, ўчоқдан бураларалб чиқаётган тиллари билан унинг қўлларини ялар эди.

Бир кун кечга яқин унинг уйига енгил машинада кутилмаганда бош тоғбеги келиб қолди. У тушгача тоғ айланиб, эндигина гувала қуйиш учун лой қораётганди. Шошганидан лойга ботган оёқлари билан бошлиғининг истиқболига чиқди. Бегона одам келаётганини кўрган келинчак желаги билан юзини беркитганча ўчоқ бошида куймаланарди.

— Хайрият уйда экансан, — деди меҳмон садақайрағоч остидаги омонатгина турган сўри томон юраркан. — Сени учрата олмайманми деб ўйлагандим.

— Ҳар куни ишдан кейин гувала ташлаяпман, — деди у бир меҳмонга, бир оёғига қараб. Сўнгра оёғини ювиш учун ариқчага қараб юрди.

— Ҳа, тирик жонга бошпана керак. Уй-жойинг бўлмаса, бириng кими бўлмайди. Эсимга солгин, ёғочдан кўмаклашаман, — деди ийиб кетиб бош тоғбеги.

— Қуллуқ, ака, ёғоч бўлса, уй битди деяверинг.

Сўрига дастурхон олиб келган келинчак желаги билан юзини тўсиб, эгилиб салом берди.

— Раҳмат, қизим, раҳмат! Қўша қариб, ували-жували бўлинглар, — деди юзига фотиҳа тортиб меҳмон. — Қўчқордек ўғил берсин, ўзларингдан кўпайинглар!

У ювиниб келиб сўрининг четига оёғини осилтириб ўтирди. Дастурхонни ёзиб, нон синдирди. Жувон чой ва мева келтирди. У чойни қайтариб, иккинчи пиёлада меҳмонга узатди.

— Шошиб турибман, қайтишим керак. Келинга айт, овқатга уннаб овора бўлиб юрмасин, — деди меҳмон чой ҳўпларкан. — Бир арзимаган иш билан келувдим. Районда ишлайдиган Файзиқул Сатторовни биларсан?

— Эшитганман.

— Шу киши шофёрини юборибди. Эллик-олтмиштача чумчуқ оттириб бериб юборсин, дебди.

— Ие, чумчуқни нима қиларкан?

— У кишининг шунақа одати бор. Ошга чумчуқ гўштини бостириб ейди.

— Е тавба! Шунақасиям бўларкан-да?

— У ёғини суриштирма. Бу ҳақда бировга оғиз очиб юрма. Бўлмаса, иккимизга ҳам Бахмал райони торлик қилиб қолади.

— Тавба! — деди у яна ёқасини ушлаб.

— Дунёда шунақа ёқа ушлайдиган ишлар кўп. Ҳар бирига бош қотираверсанг, ҳеч иш қилмасликка тўғри келади. Сочма ўқинг борми?

— Бор.

— Мен эҳтиёт шарт ола келгандим. Асқотади. Эртага эрталаб, тонг ёришмасдан совхознинг Каттасойдаги омборхонаси томон борасан. Семиз чумчуқлар ўша ерда бўлади. Агар у ерда учрамаса, Хонназар ёки Шодибек бобонинг тегирмонлари атрофидан топасан. Соат ўнларга одам юбораман.

— Кўнгилни тўқ қилинг, — деди у бошлиқнинг ўзини яқин олганлигидан меҳри товланиб.

— Мен қайтаман энди. Нима қиламиз, ука, нон авлиё, ош пайғамбар экан. Кийган тўнинг эскиради, лекин кийдирганинг эскирмайди.

— Овқатга қарамасангиз ҳам, бафуржа чой ичиб борардингиз, — деди у ҳам ўрнидан қўзғоларкан.

— Ичган чой, ука. Бир пиёла чой бир чақирим йўлдан қолдиради. Борай.

Кейинги кунларда иш ва қурилиш ташвишлари билан елиб-югуриб овнинг хумори тутиб юрганди. Тонг ёришмасдан тун бўйи эзғилаб чиққан хотинининг қўйнидан сирғалиб чиқди-ю, милтиғини елкасига осганча тоққа қараб жўнади. Қишлоқнинг у ер бу еридан хўрозларнинг қичқириғи эшитилар, қишлоқ ширин тонг уйқусида эди. Бу пайтда уйқу шу қадар ширинки, уйингни ўғри уриб кетса ҳам сезмайсан. Унинг руҳи тетик, кайфияти чоғ эди. Овнинг бароридан келишига кўзи етиб турарди. Тўппа-тўғри тоғ этагидаги совхознинг колхоз тузуми йиллари қурилган эски омборхонасига борди. Омборхона атрофида тўкилган дон-дунга ўрганиб қолган қушлар галалашиб учиб-қўниб юрарди. Чумчуқ тўпи орасида тўрғай, сойдан учиб чиққан ҳар хил қушлар ҳам бор эди. Омборхона бўғотига қўниб мудраётган мусичалар тонг ёришишини кутиб, бошларини қурпайган патлари орасига тортиб олганди. Майналар галаси бетартиб қағиллашарди. У тонг қоронғусида ўқ отсам, битта-яримта одам ёки мол-ҳолга тегиб кетар деб ўйлаб, тонг ёришишини кутди. Чумчуқлар унинг атрофида бемалол донлаб юришарди.

Қушларнинг қалинроқ тўпини мўлжалга олди-да, уларни учириш учун тошча отди. Икки ўқ билан икки галани отди. Ўқ овози сойда акс садо бериб, тинди. Осмондан дўлдек дувиллаб чумчуқ тўкилди ва улар бодроқдек анчагача ерда питирлашди. У чумчуқларни териб, тўплади-да, ўтириб олиб бирма-бир бошини кесди. Олтмиштача чумчуқ халтага юқ ҳам бўлмади. Қолган-қутган қушлар галаси эса омборхонадан бир чақирим узоқдаги қирларга бориб қўнган эди.

Халтани елкасига ташлаб қайтаётганда беихтиёр хаёлига ёшлигида болалар билан айричўпга резина боғлаб чумчуқ овлашгани ва кулга белаб, пиширіб ейишгани келди. «Виз-ку, бола эдик, ҳеч нарсани тушунмасдик, бироқ бу кап-катта, бунинг устига мансабдор одамлар қандай қилиб шу бир сиқим парни ейишар экан, — дея ўйларди у. — Бу одамзоддан ер юзида ҳеч нима қолмас экан. Уруш йиллари мактаб ўқувчиларига тошбақа, илон ва юмронқозиқ тўплаш топширилар эди. Шуларни ҳам кимлардир еса керакда...»

Уйга қайтиб келганида қуёш энди Ойқор ортидан бош кўтарган, офтоб нуридан пана сойликлар ҳали нимқоронғи эди. «Қишлоқ этагидан подачининг «ҳайда-ҳайда»си эшитиларди. У хотинининг кўзи тушмаслиги учун халтани оғилхонага яширіб қўйди. Бироқ зум ўтмай иккита мушук оғилхонадан чумчуқ тишлаб чиқди. У сўкинганча мушукларни қувлаб юборди. Халтани сомон орасига яхшилаб беркитди. Сўнгра кийимини алмаштириб, лойхонага тушди.

Соат ўнларда «Москвич» машинасида Ҳайитбой тоғбегининг ўғли қондан қизарган халтани олиб кетди. Чошгоҳга яқин гувала қуяётганида отаси кўринди.

— Ҳорма! — деди Раҳмон овчи

Эди ОГНЕЦВЕТ

ҲАЁТ УЧУН

Деразалар титрамасин ҳеч қачон,
Оғир тўплар ҳайқириғин эшитмай.
Алла тинглаб улғайсин шўх болажон,
Уғлон юрсин жангда бедарак йитмай.

Мен кўрганман аччиқ тутун аралаш —
Тирик жонни қон қақшатган урушни.
Ўқлар учди Ватан кўксин поралаб,
Кўрдим-ку мен издан чиққан
турмушни.

Етимликнинг кўз ёшига серобман,
Уйқумда ҳам, ўнгимда ҳам бўзлайман.
Гўдак кўзда нур кўрайин офтобдай,
Шу нур дея ёниб шеърда сўзлайман.

Тинчлик керак одамларга энг аввал,
Тинчлик керак майса, бошоқ, дарёга.
Ватан бизга ҳуқуқ берган мукаммал
Тинчликни сақлаб қолмоққа дунёда.

Мен истайман етказсин бизларни ёз
Гиёҳларнинг куйин тинглаш бахтига.
Шарқдами ё Яқин Шарқда, узоқда
Бўлинмасин қуёш, замин нақдига.

Истайманки, Неруданинг элида
Қонли сароб айланиши бўлсин бас.
Тинчлик донин экиб-тикиб дилимда
Устираман қолгунча сўнгги нафас!

СЕВИШГАНЛАР ҲАҚИДА

Ер — осмонга хуштордир,
Тош — июлнинг дўлига.
Ғусса — иқбол хумори —
Дераза нур йўлига.

Ором — ташвишга ташна,
Хаёл — ўт сўзга муштоқ.
Саратон — излар соя,
Гугурт истаги — ёнмоқ.

МЕНИНГ УЙИМ

Остонамни четлаб ўтма,
Омаддан хурсанд.
Остонамни четлаб ўтма,
Қалбим сенга банд.
Сен бахтиёр бўлган чоқда
Кел, қадаҳни тут.
Агар кўнглинг куйса доғда
Қилайлик сукут.

ЎЗБЕК ТЕРАКЛАРИ

Тошкентдаги Якуб Колос кўчасида

Ушбу шаҳар,
ушбу кўча,
ушбу уй
Гулдирак гумбури тинмаган йилда
Кўргандим, бошини босиб оғир ўй
Шоир ёзар эди, халқ ғами дилда...
Оғир сукунатни ҳеч ким бузмасди,
Енда рафиқаси ва икки ўғлон.
Учинчисидан эса кўнгил узмасди
Вазьмада жанг қиларди у беомон.
Хонада безовта сукут ҳукмрон,
Соат мили вақтни ўлчаб тинмасди.
Қоғоз шитирларди гоҳида бежон,
Наздимда, шоирим биз-ла эмасди.
Изғиринга, аёзларга бериб дош
Борар эди жанг йўлида ҳамқадам.
Партизанлар гулханлари-ла ёндош,
Ўтли шеърин ўқиб борарди у ҳам.

«Йиғлама, Ер! Қайғурмагин кўп, халқим...»
Вазмин овоз чалинарди қулоққа.
Оҳ, у шеърлар титратар эди қалбим,
Тўп ўқидай солар жонни қийноққа.
Шеъри сафда ташлар залворли қадам,
Гарчи ер ҳайдовчи эди-ку Колос,
У экиш ҳунарин эслаб қайтадан,
Оламни урушдан этмоқчи халос.
Ана у ёзувдан тўхтади, турди,
Қаддини ростлади, ўзин тутди тик.
Унинг кулгусида зиё югурди, —
Гўё тун юзини тонгга ўгирди.

Гўё партизанлар турган томондан
Илиқ шабадалар эсмоқда сизиб.
Табассум таралди қўш ўғлонидан.
«Ўтир!» — буюрди у ва қўшди: «Қизим».
Ушбу шаҳар,
ушбу кўча,
ушбу боғ,
Ва мана бу —

ўша, ўша қутлуғ йўл.
Ўзбек тераклари яшнаган қучоқ,
Ҳамон ўша ойна, ҳамон нури мўл.

Русчадан **Гулчеҳра ЖЎРАЕВА** ва
САЙЁР таржималари

БУЙНИЦК ДАЛАЛАРИДА

Шоир Константин Симонов ўз хокини 1941 йил июль ойида жанговар дўстлари ҳалок бўлган далага сепишни васият қилган эди.

Зарра тер, зарра қон — зарра-зарра дард,
Буйницк далаларин бағирлаб, қонди.
Нуру жалаларга йўғрилган у гард,
Кафтида бошоқлар масрур тўлғонди.

Маъюс садоланиб олтинранг ҳилол,
Қабр тошлар узра сокин тўш урар.
Юлдузлар ҳам юрак чақини мисол,
Буйницк осмонини чатнаб тўлдирар.

Васият қилганди шоир сўнгги бор:
— Могилёв даласига сочинг хокимни!
Сўнг... қучди шаҳидлар уни беозор...
...Далаларда қабр тошлар оқими...

XXI АСРГА

Сен қандай бўласан, келажак асрим,
Яшнаган гулзорми ё қора кукун?
Ардоқ этилгайми одамзод насли,
Само ёгдулари бўларми тўкин?

Барқарор бўлгуси ҳақ, тараққиёт,
Ғалаба қилолмас динозаврлар.
Қуёш бахш этажак боғларга ҳаёт,
Қўшиққа йўғрилиб кетар даврлар.

Замин фарзандларсиз ололмас нафас,
Эл-юртсиз солланмас буғдойзор, ўрмон.
Асрим, урушларга чек қўй ўзинг, бас,
Пора ва қотиллик йўқолсин тамом.

«Бахтиёр яшасин навқирон авлод», —
Ушбу мақсад билан югуриб-елдик.
Кам-кўстсиз кечсин шу келгуси ҳаёт,
Деб сенга етгунча курашиб келдик.

Хатинь нолалари дилларимизда,
Қардошлик қудрати, ишқнинг тоти ҳам.
Қабул эт баҳорий ҳисларимизни,
Буюк инқилобнинг шиддатини ҳам.

Русчадан **Ўктам МИРЗАЕРОВ**
таржималари

ўғлининг астойдил ишлаётганидан ичида мамнун бўлиб. — Уйга камқатновсан. Нима, биздан хафамисан? Яхши эмас. Болалар доимо оталарни кечириши керак, — гапида давом этди овчи кўм-кўк ўт устига чордона қуриб ўтираркан. — Хотинингга айт, бир чойнак чой дамлаб келсин. Қорним ҳам оч, лекин иштаҳам йўқ. Еш ўтган сари бир жойинг қўйиб, иккинчи жойинг оғриверараркан.

У ўзларининг уйи билан Турсунбой чўпоннинг уйи оралиғидаги бўш жойга санглоқдан тош ташиб чиқиб, бино учун пойдевор солганди. Чой ичиб ўтиришганда отаси унга қоғозга ўроғлиқ пул берди.

— Сенга ҳеч нарса беролмадим. Тутуннинг аччиғини мўри билади. Овчиликдек бемаза тирикчиликдан ҳеч кимнинг косаси оқармаган. Муаллимчиликка ўхшаб бойиб ҳам кетмайсан, очдан ҳам ўлмайсан. Эрталаб чумчуқ отганингни кўрдим. Чакки эмас. Эҳтиёт бўлгин. Оз қолди икки-уч дона сочмангнинг менга тегиб кетишига. Тоққа қараб кетаётгандим. Нима қилиб чумчуқ отиб юрибсан?

— Бошлиққа керак экан, — деди у ерга қараб.

— Бунақа майда-чуйда жониворларни отма. Уволига қоласан. Одатда овчиларнинг душмани кўп бўлади. Тирик жонга озор бергани учун уларни кўпчилик хуш кўрмайди. Лекин ишлари тушса товонингни ялашади. Ашулачига ўхшаб овчи ҳам маҳалланинг тобутидек гап. Одамларга кунига эмас, кунида керак бўлади. Мен ҳам бировга ақл ўргатадиган даражада доно одам эмасман, ўғлим. Лекин ўзим амал қилиб келган гапларимни сенга айтиб қўйишим керак. Ҳеч қачон нокасга нон берма. Тўйганингда ўзингни тўхтат.

Одамни одам, ерни сув бузади. Емонга ёндошма, яхшиларнинг этагини қўйиб юборма. Ароқ ичма, биринг икки бўлмайди. Хотинингга яхши гапир. Яхши хотин терини ултон[1], эрини султон қилади. Отиш қўлимдан келар экан деб дуч келган жониворга ўқ узаверма.

[1] Ултон — терини ошлаб, ишга яроқли қилиш демакдир.

КОМЕТА КУЗАТИЛАДИ

1985 йил ноябрь-декабрь ойларидан бошлаб осмонда камдан-кам рўй берадиган ажойиб ҳодисалардан бири — Галлей кометаси кузатилади. У охирги марта 1910 йили кўринган эди.

Галлей кометаси тузилиши ва таркиби жиҳатдан деярли бошқа ёруғ кометалардан фарқ қилмаса керак. Ҳар ҳолда уни бошқа кометалардан ажратиб турадиган аломатлари ҳақида айтарли маълумотлар йўқ. Аммо унинг кузатишга қулайлиги жаҳатдан бирмунча устунлиги бор. У Ерга нисбатан жуда яқин жойдан ўтади. Масалан, у, ҳали айтганимиздек, 1910 йилда кўринганида Ер шари унинг икки юз миллион километрли «думи»нинг ичидан ўтган эди. Бу гал ҳам комета бизга яқин ўтади. Аввалги ўтишида комета бош қисмининг тузилиши, таркиби, унда содир бўладиган физик ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни олиш учун инсониятнинг техник имкониятлари кам эди. Эндиликда кометани кузатишга дунёдаги энг катта телескоплар, илмий текшириш асбоблари, космик ракеталар ва бошқалар шай турибди. Уларнинг дунё миқёсида самарали ишлаши учун муфассал режалар тузилган. Жумладан, СССРда бу комета ҳақида олинадиган барча маълумотлар зудлик билан Киев обсерваториясида тўпланади, сўнг халқаро марказга юборилади.

СССРда ва бошқа баъзи давлатларда Галлей кометасини илмий тадқиқот қилиш мақсадида махсус илмий космик лаборатория учириш мўлжалланмоқда.

Юқорида биз кометани келаси йилнинг охирида кўринади, дедик. Аммо уни сал кам икки йилдан бери дунёдаги энг катта телескоплар ёрдамида муттасил кузатилмоқда. Биринчи бўлиб бу комета 1982 йилнинг 16 октябрь тунида АҚШдаги диаметри 5 метр бўлган кўзгули энг катта телескопда кузатилган эди. Бу кузатувда комета совет олими В. В. Савченко олдиндан ҳисоблаб берган аниқ ўринда эканлиги исботланди. Ўша куни комета биздан бир миллиард олти юз миллион километр узоқликда бўлиб, кўзга кўринадиган энг хира юлдуздан ҳам эллик миллион марта хирароқ эди.

Илгарилари бирорта комета ҳам бу қадар хираликда ва бу қадар узоқликдан кузатилган эмас эди. Галлей кометасини космик масштабда кичик бир бўлак айсберг деса бўлади. Унинг диаметри ҳозир 3—4 километрдан ошмайди. Борди-ю комета фақат муздан иборат бўлса, унинг катталиги ҳақидаги ҳозирги маълумот икки баробар камаяди. Агар у кам нур қайтарувчи қорамтир зарралардан ташкил топган бўлса, унинг диаметри 6—8 километрга ошиши мумкин. Ҳар ҳолда Галлей кометасининг ўлчамлари у бизга яқин бўлган пайтда аниқроқ белгиланади.

Галлей кометасини оддий телескопда кузатиш учун биз астрономлар яна бир йилча кутамиз. Келаси йилнинг бошларида комета Юпитер орбитасига етиб келади. Бу пайтда унинг бизган узоқлиги тахминан 800 миллион километр бўлади. Бизга яқинлашган сари унинг тезлиги ортиб боради. У Марс орбитасига яна бир йилдан кейин етади. Сўнгра унинг тезлиги Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида шиддат билан ортиб боради ва Қуёшга энг яқин бўлган нуқтасида секундига 55 километр тезликка эга бўлади. Бундан 35 йилча аввал эса унинг тезлиги секундига бир километрдан ҳам кам эди.

Галлей кометаси Ернинг Қуёш атрофида айланиш ҳаракати йўналишига тескари ҳаракатланади. Бундан ташқари, у Қуёшга энг яқин келган пайтларида Ердан анча узоқда бўлади. Бу жиҳатдан Галлей кометасининг шу галги кузатилиши кейинги икки минг йил ичида кузатилганларига қараганда ноқулайроқдир. Шунга қарамай ҳозирги замон техник имкониятлар етарли даражада ишга солинса, аввалги икки минг йил ичида олинган маълумотларга қараганда фойдалироқ ахборотга эга бўламиз, деган ниятдамиз.

Баъзи кометалар Қуёшга яқинлашган сари активлашиб, бош қисмида чақнаш ҳодисаси юз беради ва ядросидан модда отилиб чиқади. Ҳа, унда шундай фаоллик кузатилиши мумкин. Негаки, Галлей актив думли юлдузлар туркумига киради.

Кўпинча актив кометалар кутилмаган физик ҳодисаларга бой бўлади. Лекин ҳали уларнинг фаоллик қонуниятлари етарли даражада ўрганилмаган. Шунга қарамасдан, Галлей кометасининг орбитаси бўйлаб равшанлигини, бош қисми ва дум ўлчамларини олдиндан ҳисоблаб кузатиш режасини тузиб қўйиш лозим. Вақти келганда кометани кузатиб, режага тузатишлар киритиш ҳам мумкин. Шундай режаларда кометанинг активлик даражасини унинг 1910 йилда Қуёшга яқинлашган пайтидагиси билан бир хил деб фараз қилинган. Унинг Қуёшга яқинлашган ва узоқлашган пайтларидаги равшанлиги, шунингдек, активлигининг фарқлари ҳисобга олинган. 1984 йилнинг охирларида Галлей кометаси деярли барча катта телескопларда бемалол кузатилади. Келаси йили 27 ноябрда комета Ердан 90 миллион километр узоқликдан ўтиб кетади. Кейин Ер билан комета орасидаги масофа катталашса ҳам унинг ёруғлиги ортиб боради ва декабрь ойларига келиб, уни телескопсиз, оддий кўз билан ҳам кўрса бўлади. Ёруғлигининг ортаборишига сабаб унинг Қуёшга яқинлашиб боришидандир.

1986 йил 9 февраль Тошкент вақти билан кечқурун соат 9 да Галлей кометаси ўз орбитасининг Қуёшга энг яқин нуқтасиперигелийдан ўтади. Бу пайтда Ер шари Қуёшга нисбатан қарама-қарши томонда бўлади, комета бизга кўринмайди. Бир неча кун ўтгандан кейин Галлей кометасини эрталаб тонг пайтида кўриш мумкин бўлади. Биздан узоқ бўлганлиги учун хира кўринсада унинг «думи» осмонда 30° гача ёйилиб кетади. Шу пайтда комета Австралиянинг нақ тепасида бўлиб, СССРнинг шимолий районларида эса фақат унинг «думи» кўринади. Шундан сўнг комета Ерга қараб ҳаракатлана бошлайди. 1986 йил 11 апрель куни комета Ердан 63 миллион километр узоқликдан ўтиб кетади. Аммо у Қуёшдан узоқлашаётганлиги сабабли хиралашиб боради, «думи» 5°га тушади. Кометани 1986 йил июль ойларигача кўз билан кўриш мумкин, телескопда эса 1990 йил август ойларигача кузатиш мумкин. Ундан кейин комета 2061 йилда яна қайтиб келади.

Абдумажид ТУРСУНОВ,
физика-математика фанлари кандидати

Узбекистон районидаги «Қўқон» совхозининг пешқадам механизаторлари — Раҳимжон Матисоев, Аҳмаджон Маҳмудов, Усмон Маҳмудов, Насриддин Назаров, Расулжон Султонов, Раҳимжон Қўчқоров.

Ш. Алимов фотоси (ЎзТАГ)

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

ЗАР ДЎППИ — Бухоро келинчагининг энг мўътабар ва энг жилоли сарполаридан бири. Унга бу совғани бўлғуси қайлиқ лаъли-патнисга қўйиб жўнатади. Шу дўппи бўлмаган сарпо кемтикдай туюлади. Турфа жилолар билан ярақлайдиган бу дўппини кийган келинпошшанинг ҳуснималоҳати янада очилади, у гўё бахт тожини кийгандек сирли кўринади. Тўйининг эртаси куни у ана шу дўппини кийиб, оҳори атлас либосда қайнотаю қайнона ҳузурига саломга чиққанда, хонадонда қуёш чарақлагандек бўлади...

Хўш, шунча шодлик ва виқор рамзи бўла олган зар дўппининг яратувчилари ким? Бу санъат қачон пайдо бўлган? Ана шу саволлар билан Бухоро зардўзлик фабрикаси чеварлари ҳузурида бўлганимизда барча сир аён бўлди.

Зардўзлик — қуёш жилоларини, олам нафосатини игна билан тасвирлаш санъатидир. У халқ ҳунари бўлганидан, кундан-кунга равнақ топиб, ўз ихлосмандларини кенг жалб қилмоқда. Бу бадиий санъат аслида — жонажон халқимизнинг қадимий ижодий топилмаси. Бу санъатнинг тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бухорода у дастлаб Сомонийлар ва Ғазнавийлар даврида равнақ топган. Темурийлар салтанати даврида бу санъат Самарқандга ҳам тарқалган. Шу тариқа Ўрта Осиёнинг турли шаҳарларига тарқалгани сари тикиш хиллари ўзгариб, янги жилолар билан бойиб борган.

Зардўзлик — нозик санъат. Инқилобгача бу санъат билан асосан эркаклар шуғулланишган. Бухоро музофотида зардўзлик санъати равнақига Файзулла Ғайбуллаев (халқ уни «Устометар» деб атаган) ва Аминжон Мажидовлардек усталар катта ижодий ҳисса қўшганлар. Инқилобдан кейин ана шу заҳматкашлар ва уларнинг фарзандлари бу ҳунарни янги давр хизматига йўналтиришди.

— Совет ҳокимияти тузилгач, зардўзлик иши ҳам жонланиб, 1928 йилда «Қизил тикувчи» («Красношвейник») артели қошида махсус цех очилди. Аммо артелда ҳали керакли асбоб-анжомлар йўқ эди. Артель уставига биноан, ҳар бир уста ўз дастгоҳи билан келиши шарт эди, дастгоҳ икки йўғон ёғоч ва силлиқ тахтадан иборат бўлиб, усталар уни корчўп — иш тахтаси деб атайдилар,— дея эслайди кекса зардўз Нўъмонжон Аминов.

Уч-тўрт зардўз билан иш бошлаган мазкур кичкина цех 1934 йилга келиб Дзержинский номидаги артелга қўшилди. Артель ёнида махсус ҳунар мактаби ташкил этилди. Ёш зардўз қизлар ҳисобига цех йилдан-йилга кенгаяборди. Мубошир Камолова, Зубайда Яҳёева, Матлаб Самадова, Муқаддас Ғиёсова каби ўнлаб зардўзлар ана шу мактабнинг илк қалдирғочлари эдилар.

Дастлабки ёрқин қадамлар шарофати билан артель зардўзликдан фойда ҳам кўра бошлади. Аввалги бухороча давра дўппи қаторида садбарг, тож, гули қашқари, гулбодом, гирой ва чуст дўппи нусхалари яратилди.

Артелда ижодий иш йилдан йилга жонланиб, унинг усталари ижодий изланадилар, янгиянги хил маҳсулотлар яратишга чоғландилар. 1960 йилга келиб артель биографиясида катта ўзгариш юз берди: зардўзлик цехи фабрикага айланди. У «Октябрь 40 йиллиги» номи билан ўзининг шуҳрат йўлини бошлади. Эски ёғоч дастгоҳлар ўрнини янги темир станоклар эгаллаб, зар иплар электр машиналарда тайёрлана бошланди. Цехлар кўпайди, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ошди. Эндиликда фабрика улкан дастгоҳга айланган. Унинг зардўзлик, патдўзлик, бичиш, пойабзал каби цехларида турли ассортиментдаги зарли маҳсулотлар тайёрланиб, магазинларимизга сотувга чиқарилмоқда. Фабрикада 80 дан ортиқ коммунист ва 320 дан зиёд комсомол аъзло сифатли маҳсулот тайёрлаб чиқармоқда.

60-йилларнинг қўли гул усталаридан бири, фабрика ишчиси Маъсума Аҳмедова давлат буюртмаларини аъло бажарганлиги учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонини олишга мушарраф бўлган эди.

Фабрикада ҳозир ҳам улкан муваффақият қозонаётган ҳамда партия ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлганлар талайгина. 1966 йилда моҳир зардўз Раҳима Қўлдошева Ленин ордени билан мукофотланди. Зардўзликнинг фидойиларидан бири, тўқсон шогирднинг мураббийси Сайфуддин Саъдуллаев «Ҳурмат белгиси» ордени билан, 10 болали Қаҳрамон она Фотима Аббосова эса Меҳнат Қизил байроқ ордени билан тақдирланди. Фотимахон опа ҳамон илғорлар сафида.

— Зардўзлик шундай санъатки, унинг соҳиби табиатан рассом ва моҳир тикувчи бўлиши керак,— деди у биз билан суҳбатда,— Рассомлиги шундаки, махсус картонларда у ёки бу маҳсулот учун мўлжалланган гуллар кеса олиши, тўрт қават ўралган зар билан эса бу гулларни санъаткорона тика билиши керак. Зардўзи маҳсулот тикиш учун иккита ўймоқ — тикувчилар ишлатадигани — ўнг қўлда, телпакдўзлар ишлатадигани — чап қўлда бўлиши даркор. Юксак санъаткор зардўз тиккан гулларнинг игна урилган жойлари билинмайди.

Ҳақ гап. Фабрика чеварлари тикаётган зарли маҳсулотларни — хоҳ у дўппи бўлсин, хоҳ у оёқ шиппаги бўлсин, хоҳ у йирик бир полотно-либос бўлсин, томоша қилганингизда кўзингиз қамашади, унинг қўлда тикилганига ишонгингиз келмай, бу мўъжиза олдида ҳайратга тушасиз.

Фабрикада халқ талаб-эҳтиёжлари ҳамиша эътиборда. Нимаики кўпроқ манзур бўлаётган экан, ана ўша маҳсулот кўп ва сифатли ишлаб чиқарилади. «Бахтиёр» дўпписи, «Шибирма-туфли», аёллар сумкаси, «Товус» панноларни зардўзликнинг бу йилги ижодий маҳсулотларидир.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллик тўйига қўли гул бир группа зардўзлар жонажон республикамиз герби ва унинг беш ордени тасвирланган полотнони совға қилишмоқчи. Бу полотнони яратишга махсус тайёргарлик кўрилди. Фотима Аббосова, Зебо Одилова, Тош Жўраева, Саодат Ҳакимова, Зулайхо Ортиқова, Хурсанд Нуруллаева, Гулнора Раҳимова, Муборак Мадалиева сингари энг моҳир зардўзлар ушбу полотнонинг мукаммал бир асар сифатида юзага чиқишида бор санъатларини ишга солиб, зардўзликнинг энг жилоли тикиш хилларини қўллаяптилар.

— Фабрикамиз ишчилари,— дейди унинг директори Жамила Тошева,— 1984 йилда 3 миллион 822 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлида ҳалол меҳнат қилишяпти. Ушбу йилда 547 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Тамара Ғайбуллаева, Муҳаррам Ашурова, Зиёда Мўминова, Алоҳида Насимова сингари илғор ишчиларимиз беш йиллик ва йиллик планларини муддатидан илгари бажаришга интилишмоқда. Ишни Ўзбекистон Компартияси XVI Пленуми талаблари асосида олиб бормоқдамиз.

Биз «Октябрь 40 йиллиги» зардўзлик фабрикаси меҳнат дафтарининг баъзи саҳифаларинигина варақлаб, ҳикоя қилдик, холос. Бу корхонанинг зардўзлик маҳсулотлари бутун дунёни ҳайратга солган десак, муболаға бўлмас. Қадим Бухоро каби унинг зардўзи маҳсулотларининг шуҳрати ҳам мамлакатлар, қитъалар оша машҳур. Шундан шаҳарга келган чет эллик сайёҳлар бу фабрикага албатта ташриф буюришади, зардўзларнинг ишларини томоша қилишади.

Зардўзлик намуналари — бадиий санъат даражасига кўтарилган полотнолар беш йилликларнинг ўзига хос жилолари сифатида музейларда сақланмоқда, зардўзлик биографияси сифатида қадрланмоқда, Иттифоқ ва Халқаро кўргазмаларда намойиш этилмоқда.

Мукаррама ҒАФФОРОВА

ДЕЛЬФИНАРИЙДА

Бутуниттифоқ Балиқчилик хўжалиги ва океанография илмий-тадқиқот институтининг Грузия бўлимига қарашли Батуми океанариясининг янги истиқоматчилари — шимол денгизи мушуклари Аристофан билан Шалун дельфинларнинг оммавий аттракцион ўйинларида қатнашишга тайёрланмоқдалар. Мазкур томошада денгиз ҳайвонлари дельфинлар итариб юрадиган қайиққа ўтирадилар, сувга ташланган ҳар хил нарсаларни келтириб берадилар, симли доира ичидан сакраб ўтадилар ва сувда коптоқ ўйнайдилар. Улкан денгиз тошбақаси ҳам дельфинарийнинг янги истиқоматчиларидан ҳисобланади.

Суратларда: Батуми океанариясининг янги истиқоматчиси «Сернш» лақабли денгиз арслони (каспий тюлени); денгиз тошбақаси; жониворларга ўйин ўргатувчи Сергей Сутлобов дельфинлар билан машқ ўтказмоқда.

Н. Симонов фотолари







Р. ХУШВАҚТОВ.

ОНА ЮРТИМ ЁШЛИГИ.

ЧЎПОН ОИЛАСИ.

РАССОМ ҲИКМАТ РАҲМОНОВ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

ҚИШЛОҚ МУЗЕЙИДА.

БИРИНЧИ СЕНТЯБРЬ.



«СУРМА ҚЎЙМАСАНГ ҲАМ ...»

МАКТАБ ВРАЧИ.

БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИ.

Иллюзионист Ислом САТТОРОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Хайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ.

СЕҲРЛИ САНЪАТ УСТАСИ

1984 йил. Июнь ойининг бошлари. Македониянинг Скопье шаҳри. Муҳташам Маданият саройи кишилар билан тирбанд. Бу ерда анъанавий Ўзбекистон кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча давом этмоқда эди.

Кечанинг бадиий қисми бошланади. Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» рақс ансамблининг раққоса қизлари, шу ансамблнинг моҳир доирачиси, Ўзбекистон ССР халқ артисти Қаҳрамон Дадаев, республикада хизмат кўрсатган артист Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов, ёш пианист Алёша Султонов ва бошқалар ўз санъатларини намойиш этдилар. Македониялик томошабинлар ўзбек санъаткорларини қизғин олқишладилар.

Навбат ўзбек иллюзионисти Саттор Исломовга келди. У сеҳрли санъатга хос эпчиллик ва ғайритабиий маҳорат билан бир-биридан қизиқ, таъсирли номерларни қойилмақом қилиб ижро этди. Саттор ҳар бир номерни қандайдир сирли ҳаракатлар билан бажарганда, зал аҳли унинг маҳоратидан ҳайратланиб, қарсаклар билан олқишларди.

Чиндан ҳам Сатторнинг маҳорати сеҳрли эди. Мана, бир номер. У бир туп сариқ гул шодасини ушлаб томошабинларга кўрсатади.

— Гулларнинг рангги қандай? — деган савол билан залга қарайди Саттор.

— Сариқ! Сариқ! — дея жавоб қилишади томошабинлар. Ҳамма гул шодаларининг сариқлигига ишонч ҳосил қилади. Лекин... ўша заҳоти Саттор иккинчи қўли билан зудлик билан гул шодасини пуфлаб силайди. Қарабсизки, ҳалиги сариқ гулларнинг бири тўқ қизил рангли, бошқаси кўк рангли бўлиб қолади. Томошабинларнинг ҳайратлари яна ортади. Улар бутун диққат-эътиборини бир жойга тўплаб, ўзбек иллюзионистининг ҳаракатларини ҳаяжон билан кузатадилар...

Саттор Исломов яна саҳнада. Бу гал у сеҳрли таёқчаларни ушлаган ҳолда пайдо бўлади. Рангли боғичли таёқча унинг қўлида гўё жонлидек ҳаракат қилади: боғичлар қандайдир кўзга кўринмас таъсир остида бир узайиб, бир қисқаради. Яна томошабин ҳайрон...

Хуллас, ўзбек давлат филармониясининг иллюзионисти Саттор Исломов сеҳрли санъат устаси сифатида Скопье шаҳрининг санъат мухлисларини қойил қолдирди. Ўшанда уларнинг баъзилари Македонияга меҳмон бўлиб келган Ўзбекистон республикаси маданият ходимларидан: «Сизларда иллюзионистлик санъати кўпдан бери мавжудми, анъанавийми?» дея сўрашди ҳам. Юртдошларимиз эса мезбонларга: «Гарчи, бизда бу санъатнинг баъзи кўринишлари (масалан, кўзбоғловчи деб аталган тури) қадимдан маълум бўлса-да, лекин илгари яхши тараққий этмаган. Халқ таъбирида сеҳрли санъат деб аталмиш бу саҳна маданиятининг Саттор Исломовга ўхшаган истеъдодли, репертуари бой вакиллари энди етишиб чиқаяпти», деб жавоб қилдилар.

Республикамиз маданият ходимларининг Македонияда ўтказган ўша учрашувлари ҳам биродарлашган Тошкент ва Скопье шаҳарлари аҳолисининг дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Саттор Исломов санъатнинг бу ғаройиб турига жуда болалигидаёқ қизиқди. У ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ «Зангори экран»да кўрсатилган цирк программаларини, истеъдодли масхарабозлар ва иллюзионистларнинг чиқишларини ҳавас ва иштиёқ билан кузатди. Уларнинг баъзи программаларини хилват хоналарга кириб олиб, ўзича машқ қилди. Дастлаб у тангани бармоқлари орасига қисиб бекитишни ўрганди. Мактабдаги ўз тенгқурларига бу «ўйин»ни кўрсатган кезларида Саттор туғилиб ўсган Тошкент областидаги Сўқоқ қишлоғи аҳли ўртасида: «Бозор ота Исломовнинг мактабда ўқиётган ўғли кўзбоғлоғич эмиш. Кўз ўйнатиб, қўл югуртириб, чўнтагингизни шип-шийдам қилиб қўйганини билмай қолармишсиз...», деган ҳазиломуз гаплар ҳам тарқалганди.

Шу-шу Саттор Исломов улғайган сари қизиқчи-фокусчи тарзида эл оғзига туша борди. У иллюзионистлик санъатига дил-дилидан иштиёқ қўйди.

Бутуниттифоқ Қишлоқ Хўжалик Ютуқлари Кўргазмасида ўтказилган иллюзионистлар кўригида сеҳрли санъатнинг етук намояндаси Арутюн Акопян ҳамда Москва Давлат филармониясининг артисти Владимир Рутнев билан учрашуви унда катта таассурот қолдирди. Ўшанда Саттор Исломовнинг репертуари билан танишган Акопян: «Машқ қилишдан эринмасанг, устозларга эргашиб иш тутсанг, сен албатта маҳоратли сеҳргар санъаткор бўласан», деб Сатторнинг истеъдодига ишонч билдирган эди.

Саттор ўзининг кейинги фаолиятида етук санъаткорнинг бу ўгитига изчиллик билан амал қилди. У ҳозир Тошкент Давлат маданият институти музика факультетининг сиртқи бўлимида учинчи курсда таълим олмоқда. Айни вақтда у Ўзбекистон Давлат филармониясининг иқтидорли иллюзионист санъаткори сифатида бошқа санъаткорларимиз қаторида халқимизга маданий хизмат қилмоқда.

Саттор Исломов республикамиз санъаткорлари сафида жаҳоннинг қатор мамлакатларида, хусусан, Ҳиндистон, Непаль, Болгария ва Японияда бўлганида ҳам маҳорати билан томошабинларни қойил қолдирди. Ҳатто ҳиндистонлик санъаткорларнинг таклифи билан у Жаҳон фокусчилар жамияти аъзолигига қабул қилинди. Бунгача эса, Саттор 1977 йилда Ленинград шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ эстрада санъати дипломантларининг VI конкурсида қатнашиб, ғолиблик дипломи билан тақдирланган эди.

Зероки, ҳамюртимиз Саттор Исломовнинг моҳир иллюзионист сифатидаги истеъдоди мамлакатимиздагина эмас, балки чет мамлакатларда ҳам эътироф этилаётган экан, бу ҳаммамизни қувонтиради.

Шомурод СИДДИҚОВ

ДОРБОЗЛАР

Халқимизнинг каттакатта анъанавий байрамлари карнай-сурнайсиз ўтмайди. Карнай-сурнай садолари дорбозларни осмонларга чорлайди, полвонларни ва масхарабозларни ўз ҳунарларини намойиш этишга ундайди.

Самарқанд областининг Нарпай районида область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Бозорбой Қурбонов ва Челак посёлкаси маданият ва истироҳат боғи ихтиёрида Абдимурод Эргашев бошчилигидаги дорбозлар группаси ишлаб турибди. Улар бир неча йиллардан бери ўз санъатлари билан эл олқишига сазовор бўлиб келмоқдалар.

— Бозорбой Қурбонов бошчилигидаги дорбозлар Самарқанд областида бу санъатга карвонбошилик қилмоқда, — дейди Ўзбекистон ССР халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик марказининг директори Тўлқин Обидов. — Бозорбой Қурбоновнинг ўзи ҳам сурнайчи, ҳам полвон. Дорда ҳам ўйинлар кўрсатади. Бозорбойнинг оиласидагиларнинг ҳаммаси дорбозликка қизиқишади. Масалан, беш ёшлик қизчаси Мўътабархон Қурбонова ҳам булутлар билан сўзлашиб, дор устида ўйнайди. Дор ипини босганча қўлида ланғар чўпни бир текис ушлаб, чиройли ўйинлар кўрсатади. Қизчанинг юксак санъатини кўрган томошабин дордан кўзини узолмайди.

Бу дорбозлар группаси 1978 йилдан буён ўзларининг самарали меҳнатлари билан область меҳнаткашлари, ишчи-хизматчилари, комсомолёшлари, ўқувчиларининг қизғин олқишларига сазовор бўлиб келмоқдалар. Кейинги икки йил ичида улар Тошкент областида, Туркманистон ССР Тошовуз областида, Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро областида, яқинда эса Хоразм областининг Хива, Урганч шаҳарларида, Гурлан, Қўшкўпир районларида бўлишиб, фахрий ёрлиқлар билан қайтдилар.

Дорбозларнинг репертуар программасидан халқимизнинг миллий санъати намуналари кенг ўрин олган. Томошалар карнай-сурнай янгровлари билан бошланади. Мўътабархон Қурбонова «Егоч оёқ ва от ўйинлар», «Дор ўйинлари»ни маҳорат билан ижро этади. А. Шеров ва Р. Ражабовлар «Масхарабозлик», «Катта дор устида масхарабозлик», Б. Қурбонов «Тишда тош кўтариш», «Чимчилоқда тош кўтариш», «Тошлар билан жанговар ўйинлар», «Машинани тиш билан тортиш», «Буқа, от кўтариш» каби тематик ўйинлар билан ўз мухлисларини хушнуд этадилар. Коллектив ижросидаги акробатик ўйинлар ҳам томошабинларга оламолам завқ-шавқ бахш этади.

Редакция почтасидан

Рустам Ражабов — яхши масхарабоз. Унинг ижоди мукаммал, кўп қиррали. У фақатгина дорбоз-масхарабозгина эмас, балки музика сирларини ҳам пухта эгаллаган. Икки карнайни бараварига чалади, ноғора чертади.

Ғулом Омонов ва Элмурод Раззоқовлар полвонлик ўйинларини кўрса-

(Охири 26—27-бетда)

Мактабдаги ишларини тугатган Раҳмонберди Облоқулов уйига келди-да, токлар остидаги чорпояга чиқиб ўтирди. Янгигина дамланган чойдан пиёлага қуяр экан, сўради:

— Янги газеталар келдими?

— Ҳа, хат ҳам бор.

Маърифатхан ая бир даста газеталарни келтириб, хонтахта устига қўйди. Раҳмонберди конвертдаги адресга кўз югуртириб чиққач: «Шукур, тирик экан», деди беихтиёр овозини кўтариб, сўнгра чой ичишни ҳам унутиб, дарсхонасига кириб кетди. У Тошкент областининг Зангиота қишлоғида яшовчи жанговар дўсти Жамолхон Жалоловга зудлик билан мактуб ёзиб, 534-артиллерия полки разведкачилар батальонининг командири, ҳозирда эса 14-артиллерия бригада ветеранлар советининг раиси Константин Петрович Харитоновнинг тирик эканлигини хабар қилмоқчи ва шу билан Шауляй шаҳри озод қилинганлигининг 40 йиллиги муносабати билан у ерда учрашув ташкил этишмоқчи бўлишганидан дарак бермоқчи эди.

эшитган қишлоқ аҳли меҳмонни зиёрат қилишга шошилишарди. Қисқа муддатга келган меҳмон билан холи учрашолмай доғда қолардим.

Ниҳоят, кутиб юрган куним етиб келди. Жалолов билан Облоқуловлар 1983 йилнинг сентябридаги мактубга биноан шу йилнинг май ойида Литва республикасига — собиқ жангчилар учрашувига жўнаб кетишди...

Қуёш ғарбга чўкиб, коинот сон-саноқсз чироқчаларини бирин-кетин ёқаётган эди. Тун пардаси қишлоқни қоплаб, хонадонларда чироқ ёқилгач, меҳмонлар тарқалишди. Жамолхон Жалоловнинг ҳовлисидаги супа устида ёнбошлашиб чойхўрлик қилабошладик. Меҳмоннинг чарчагани сезилиб турган бўлса ҳам савол бермай иложим йўқ эди:

— Раҳмонберди Облоқулович, Жамол Жалоловични «Халоскорим» деб аташингизнинг боиси нимада? Агар сир бўлмаса, гапириб берсангиз.

— Сир деганингиз нимаси, дўстим,— Раҳмонберди қаддини ростлар экан, давом этди.— Қизиқиб қолган бўлсангиз, марҳамат, эшитинг.

қарамай ҳамон ўринларидан тура олмай ётишарди. Қорни билан судралиб келаётганларни нишонга олиб отабошладим. Шундай қилиб, бир ўзим 17-тепаликни ҳимоя қилиб турганимда кучларимиз ёрдамга етиб келди. Жангдаги ана шу хизматим учун «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланган эдим. Орадан бир ҳафта ўтгач, яраланиб госпиталга кетдим. Иккинчи бор 1943 йилнинг сентябрида Харьков атрофида қўлимдан яраландим. Яна госпиталга тушдим. Бу гал узоқроқ даволанишга тўғри келди. Даволаниб чиққач, яна фронтга жўнадим.

76 миллиметрли гаубица замбарагининг командири, қадрдон дўстимиз старший сержант Жамолхон Жалоловнинг қўлида ўқловчи бўлиб хизмат қила бошладим. Жамолхон жанг қизғин кетаётган бўлишига қарамай, вақти-вақти билан замбарак қисмларини менга таништирар, улар билан муомала қилишдан бошлаб снарядларни жойлаштириш ва қандай қилиб отишларигача ўргатиб борар эди.

Душман ҳар гал қаттиқ қаршилик кўрсатарди, барча ҳарбий қудратини ишга солиб, устимиздан бир йўла отилаётган снарядлари пиёда қисмларимиз мудофаада турган участкада ёрила бошлади. Бизнинг артиллерияларимиз ҳам тилга кирди. Ердан кўтарилаётган дуд ва тўзон олисни кўришга халақит берарди. 534-полкдаги жамики замбаракларнинг тинимсиз наърасидан қулоқлар қоматга келган.

Орадан икки соатлар чамаси ўтгач, отишмалар тугади-ю, ўрмон ичидан ўрмалаб чиқаётган душман танклари катта йўлнинг икки томонидан ёйилиб биз томон кела бошлади. Отишма яна авжига минди. Сон-саноқсиз «тигр» ҳамда «фердинанд» танклари орқасидан оддий танклар келар, танкларнинг усти ва орқа томонларида немис пиёдалари келишмоқда эди. Маълум бўлишича, худди шу куни душман бизга қарши бир йўла 360 танкини ташлаган экан.

Замбаракларимиз тилга кирди. Снаряд ташиб келтирувчи солдат Снамян Магардичнинг отасига минг раҳмат. Ўша ҳужумда у ўзига хос жасорат кўрсатди. Замбарагимиз отилиши билан ёнимга снаряд келтириб қўяди. Тош йўлнинг икки томонидан баробарига ўкираётган замбараклариминзнинг ҳар бири душман-

ЖАНГЧИ ҲИКОЯСИ

Вали ҒОФУРОВ

Раҳмонбердининг Жамолхон билан алоқалари борлигини яхши билардим. Ҳарбий ёзувчи, марҳум Адҳам Раҳмат Жамолхон Жалоловнинг Ватан урушида кўрсатган ўлмас жасоратларини очерк қилиб, 1963 йили «Ўқитувчилар газетаси»да эълон қилганди. Очеркда адиб самарқандлик Раҳмонберди Облоқуловни ҳам эслаб ўтади. Раҳмонберди ушбу очеркни ўқиб чиққач, ўзи хизмат қилган батарея биринчи бўлимининг командири Жамолхон Жалоловнинг тирик эканлигини билиб, севиниб кетади. Ўша кундан бошлаб немис босқинчиларига қарши бир батареяда жанг қилишган икки дўст мактуб орқали алоқа боғлашди, бир-бирлариникига борди-келди қилишадиган бўлишди.

Раҳмонберди Зангиотага келиб, Жамолхон билан қучоқ ёзиб кўришаётганида: «Халоскорим» деган сўзи қулоғимга бошқачароқ эшитилди. Жамолхон бу йигитни қанақанги фалокатдан қутқариб қолган экан? Бу саволимга тезда жавоб ололмадим. Негаки, қишлоғимизда ҳурмат ва эътиборга эга бўлган ўқитувчи Жамолхон Жалоловнинг қуролдош дўсти келганини

1942 йилнинг январида она Ватан ҳимоясига отландим. Биринчи бор Украинанинг Изюм шаҳрини озод қилишдаги жангга қатнашдим. Кўкрагимдаги «Қизил Юлдуз» орденини худди шу жангда роппа-роса бир ой душман билан олишиб олган эдим. Ҳа, айтгандек, бир ой жанг қилган жангчига «Қизил Юлдуз» орденини беришар экан-да, деган хаёлга борганг.

17-рақамли тепаликда ротамиз мудофаада эди. Катта куч билан бостириб келаётган душманга қарши икки соат чамаси жанг қилдик. Бу жангда ротамиз солдатлари ҳам катта талофот кўрди. Командир Иван Васильевич Соловьев ҳам ҳалок бўлди. Қарасам, пулемётчи шеригим ҳам жонсиз ётибди. Шундан кейин бостириб келаётган душманга бир ўзим қаршилик кўрсата бошладим. Бундан бошқа иложи йўқ эди. Улсам мана шу қуролдош дўстларимнинг бири бўламан, тирик қолсам фашистларни яқин йўлатмайман, деган қатъий қарорга келиб, пулемётдан кетмакет ўқ уза бошладим. Душман анча яқинлашиб қолган бўлишига

га бало-қазодек ёпирилиб келарди-ю, аммо мақсадига эриша олмай орқага қайтарди. Литва ерларида ҳам худди шундай қирғин жанглар давом этарди. Каунас, Вильнюс, Шауляй шаҳарларини душмандан озод этиб, Литванинг сўнгги чегараси томон яқинлашиб бормоқда эдик. Худди шу кезларда Рига яқинида душманнинг катта группаси қуршовда қолди. Шу сабабли немислар Шауляйни қайтариб олиш учун жуда катта кучини биз томонга ташлади. Душманнинг стратегик плани ошкор бўлиб қолди. Бу вақтда биз Шауляйда чамаси 34 километр нарида мудофаада эдик. Чап томонимиздан ўтган катта тош йўл Кельми билан Шауляй шаҳарларини бирлаштирарди. Ана шу тош йўл четидаги столбада каттагина лавҳа осилган бўлиб, унда «Германияга 100 км қолди» деб ёзиб қўйилган экан. Биз бугдойзор ичидаги тепаликка жойлашган эдик.

1944 йил 16 август тонг отарида одатдагидек «нонушта» отишмаси бошланди. Бу галги отишма тамомила ўзгача бўлиб, олдингиларидан кескин фарқ қиларди. Душманнинг бир нечта тўпдан

нинг бир танкини ёндириб, кулини кўкка совурарди.

Бизнинг замбарагимиз тўртинчи танкни ёндириб юборгач, тош йўл ёқалаб келаётган бир танкни кўриб қолдик. У бизга жуда яқинлашиб қолган эди. Бироқ уни нишонга ололмасдик. Негаки биз юқорида, у пастда — бунақанги ҳолатда батареядан фойдаланиб бўлмасди. Жамолхон телефон орқали қўшни батареяга шошилинч хабар берди. Иккинчи батарея командири Мирзағали Қозонбоев ахборотни қабул қилиши биланоқ душман танкини нишонга олиб, бизни ўлимдан сақлаб қолди. Шундан кейин яна иккита танкни ишдан чиқаришга улгурдик. Жанг қизиб борар эди. Душман қанчадан-қанча танкларидан ажралиб қолаётганига қарамай, ҳамон бостириб келарди. Шу пайт атрофимизда портлаган снарядлардан бири замбаракни ишдан чиқарди. Наводчик Гуров: «Ҳеч нарса кўрмаяпман» деб бақириб қолди. Жалолов Гуров ёнига ўқдек учиб келди. Атрофни тинимсиз ларзага солиб гумбурлаб келаётган душман танклари борган сари яқинлашаётганида бизнинг қадрдон қуроли-

миз ишдан чиқса-я, оҳ, бунга чидаб бўлармиди?! Худди шу вақтда гарданимга қаттиқ нарса теккандек бўлди. Кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Енбошимга қулаётганим, «Энди тамом бўлдим», деб пичирлаганим ҳали-ҳали ёдимда. Гарданимга осколка парчаси теккан экан. Жамолхон гарданимдаги осколкани олиб ташламай бинт билан боғлабди-да, даст кўтариб тепаликдан пастга тушибди. Сал наридаги йўлдан келаётган машинани тўхтатиб, мени ярадорлар ёнига ётқизибди. Душман ўша куни чекинишга мажбур бўлибди. Бу воқеаларнинг ҳаммасини кечқурун дала госпиталига келиб, ярадорлардан хабар олган взвод командири капитан Наливайкодан эшитдим...

Уйга қайтганимда жанг тафсилотларини отам билан онам ҳамда ҳамқишлоқларимга гапириб берганимда: «Командиринг халоскоринг бўлибди», деб қўйишарди. Мана шу халоскорим билан 20 йилдан кейин учрашдим. Бунинг учун ёзувчи Адҳам Раҳмат хотирасини бир умр қалбимизда эъзозлаб сақлаймиз. Мана, 40 йил деганда ўша жанг билан босиб ўтган шаҳар ва қишлоқларни зиёрат қилиб келдик. Кўплаб қуролдош дўстлар билан учрашдик.

Разведкачилар батальонининг командири капитан К. П. Харитонов, 1-батальон командири капитан И. Ф. Стрекозов, полк махсус бўлимининг бошлиғи подполковник А. С. Березин, иккинчи батарея командири А. Е. Егоров, санинструктор О. П. Галушина билан биргаликда жанг қилиб босиб ўтган ерларимизда бўлдик. Ўша тош йўл ёқасидаги тепаликка чиқиб, замбарагимиз жойлашган ерларни зиёрат қилдик. Биз жанг қилган ўша 1944 йилда бу ерларда шикастланмаган бирорта уй ёки дарахтни учратиш амримаҳол эди. Бир неча бор қўлдан-қўлга ўтиб турган Литванинг шаҳар ва қишлоқлари вайронагарчиликдан файзсиз ҳувиллаб ётганди. Бугун ана ўша ерларни кўриб танимайсан киши.

Шауляй шаҳари тамомила қайта қурилган. Асфальт кўчалар, замонавий кўп қаватли бинолар қад кўтариб турибди. Меҳмонхона, кинотеатр марказий кутубхона, музей, истироҳат боғлари, маиший хизмат уйлари меҳнаткашлар ихтиёрида. Ҳаммадан ҳам Шауляй аҳолиси бизга ёқиб қолди. Ўта меҳрибон, ширин сўз одамлар экан. Бизни кутиб олиш учун вокзалга чиққанлар сон-саноқсиз бўлди. Улар бизни очиқ чеҳра билан қулоч ёзиб кутиб олишди. Литва озодлиги йўлида ҳалок бўлган совет жангчиларининг қабристонига гулдасталар қўйдик.

— Хуллас, дўстим,— деб ҳикоясига якун ясади Раҳмонберди,— урушни биз кўрдик, ёшлар кўрмасин. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчиларига уруш даҳшатларини батафсил гапириб бераман. Негаки, уруш инсоният бошига қандай кулфатлар келтиришию тинчлик учун қанчалар курашиш лозимлигини билиб қўйишсин.

ХАР ТУҒРИДА БИР ШИНГИЛ

КАЛАХАРИЛИК МИТТИВОЙЛАР

Майин мўйнали, узун тирноқли, ёқимтой жонивор Стокгольмдаги «Скансен» ҳайвонот боғида ўзини жуда яхши ҳис этаяпти. У «Суррилатта» деб ёзилган панжара олдида тўпланган кишиларда ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди. Олмахонлар наслига мансуб ҳамда мангуста оиласига яқин бўлган ушбу ноёб ҳайвон Африканинг Калахари саҳросида яшайди. Улар одатда тўда бўлиб яшашади, тухум, сичқон ва шу каби бошқа майда кемирувчилар билан озиқланади.

Қафасда сақланаётган бу жонсарақларни кузата бориб, уларнинг ҳаёти учун роппа-роса тўрт ой давомида муттасил кураш олиб борилганлигини тасаввур этиш қийин. Улар Антверпен (Бельгия)даги ҳайвонот боғида жуда нимжон ҳолда дунёга келишди. Яшаб кетишларига ҳеч ким ишонмаганди. Бироқ бунинг йўли топилди: миттивойлар «Скансен» ҳайвонот боғига топширилди. Бу ерда улар махсус жойда парвариш қилиниб, туну кун мутахассислар назорати остида бўлишди.

Ҳозирда Инга ва Арне (миттивойларни шундай деб номлашди) ўзларини аъло даражада ҳис қилишмоқда. Миттивойлар янги уйга тўла мослашиб, ҳар куни боққа ташриф буюрувчиларни шўхликлари билан мамнун этишмоқда

ЭНГ ДАРОЗ ОДАМ

Покистонлик Муҳаммад Чанн ҳозирча дунёда энг дароз одам саналади. Унинг бўйи 2 метр 51 сантиметр бўлиб, одатдаги ўрта бўйли кишилар у билан бўйлашганда пакана бўлиб кўринадилар. Суратга бир қаранг-а.



ОМАДЛИ ОВ

Автриялик мана бу балиқчи ўзини афсонавий қаҳрамонларга қиёс қилаётган бўлса ажаб эмас. Ахир, узунлиги беш метрдан ортиқ бўлган, оғирлиги салкам икки тонна келадиган оқ акулани тутишнинг ўзи бўладими? Балиқчи тўрт ярим соат давомида акула билан тинимсиз олишиб, охири уни енгишга муваффақ бўлди.

12 КУНЛИК МУТТАСИЛ УЧИШ

Самолётда 12 кунгача бирор аэропортга қўнмасдан, қўшимча ёнилғи қуймасдан ер юзини айланиб юриш мумкинми? Англияда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишига қараганда, америкалик бир группа учувчилар ва инженерлар ана шу ният устида ишламоқдалар. Алоҳида конструкция бўйича қуриладиган бундай самолётнинг асосий қисми ёнилғи қуйиладиган ҳамда олдидаги ва орқасидаги моторлари билан ҳаракат қилаоладиган бўлади. Ёнилғини иқтисод қилиш мақсадида учиш тезлиги соатига 100 километрдан хиёл оширилади. Учувчилар эса, 12 кун давомида ўз ўринларини тез-тез алмаштириб турадилар.

ЭНГ ҚАДИМИЙ МЎМИЁ

Қадимги мисрликлар фиръавнларни биринчи марта мўмиёлаб кўмганларидан минг йиллар аввалроқ ҳозирги Чилининг қирғоқбўйи аҳолиси бу ишларни жуда мукаммал ўзлаштириб олган эди... Сантьяго шаҳридаги Миллий табиат тарихи музейининг директори Ханс Ниемайер ва бир группа археологлар шундай хулосага келдилар.

Археологлар группаси мамлакат шимолидаги Камаронес дарёси қирғоқларида қадимги дафиналарни қазиб олишда қатнашдилар. У ерда — ташқи оламдан ажралиб қолган мўъжазгина водийдаги одам яшамайдиган саҳрода ўнлаб жойдан жуда яхши сақланган мўмиёланган жасадлар топилди. Радиоуглерод йўли билан олиб борилган текширишлар натижасида мазкур мўмиёларнинг бундан етти минг йил аввал тайёрлангани аниқланди. Шундай қилиб, бу ҳодиса инсон танасини мўмиёлашнинг фанга маълум бўлган энг қадимийси Чилида юз берганлигини тасдиқлайди.

Чилидан топилган мўмиёлар жуда қадимги чинчорро маданиятига, яъни овчилар ва балиқчилар, денгиз чиғаноқларини йиғувчилар маданиятига тегишлидир. Бу маданият тўла-тўкис йўқолиб кетган. Олимларнинг мулоҳазаларига кўра, мазкур маданиятнинг заволга юз тутишида ҳалокатли зилзила ва Тинч океаннинг қирғоқ бўйларида юз берган бошқа табиий офатлари катта рол ўйнаган.

Сунъий кўлда туғилди

«Мельбурн» лақабли ўн саккиз ёшли урғочи дельфин Зольтау шаҳридаги сунъий кўлда болалади. ДПА агентлигининг хабарига кўра, бу ГФР территориясида дельфинлар сунъий равишда боқилаётганидан буён юз берган биринчи воқеадир.

МУСАВВИРНИНГ МЕҲРИ

Гулистон ГАЛЕРЕЯСИ

Таниқли рассом Ҳикмат Раҳмоновни жуда омадли деса бўлади. У болалигиданоқ халқ амалий санъати — кулолчилик, лойдан турли хил ўйинчоқлар ясашга қизиқди. Бу қизиқиш унинг тасаввурини кенгайтирди, хотирасининг қувватини оширди, ижодкор бўлиб етишувига туртки бўлди.

1923 йили Ҳикматни янги мактабга ўқишга берадилар. Бу ерда рус тили ва расм муаллими бўлиб, дарсда рассомларнинг унчалик мураккаб бўлмаган ишларидан кўчирилган суратларни доскага илиб қўйиб, суҳбатлар ўтказарди...

Кейинчалик Ҳикмат Тошкентдаги бадиий билим юртини тамомлаётганида Совет Армияси сафига чақирилди. Уруш йиллари у пиёда аскарлар бўлимининг командири даражасига кўтарилди. Харьков, Сумa, Воронежни озод қилишда қатнашди. Воронеж яқинидаги Ломова қишлоғида бўлган шиддатли жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун Ҳикмат Раҳмонов Жанговар Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланди.

Фашизм билан бўлган аёвсиз жанг рассомда гражданлик туйғусини шакллантирди, ҳаёт ҳақидаги тасаввурини бойитди, инсон имкониятларининг чексизлигини теран англаб етишига ёрдам берди.

Урушдан кейинги йиллар рассом ўз қаҳрамонларини янада табиий ҳолатда, улар яшаб турган муҳитнинг характерли кўриниши фонида ифодалашга эриша бошлади. «Йўлдош Охунбобоев деҳқонлар орасида», «Пахта хирмони», «Иссиқ кун» композициялари ана шундай асарлар жумласидандир.

«Йўлдош Охунбобоев деҳқонлар орасида» асарида рассом босмачи тўдалари ва чет эл босқинчиларига қарши кураш жараёнида Ўзбекистон меҳнаткашларининг ўша йиллардаги ҳаёти, ола-говур воқеалар, халқ хўжалигини изга тушириш лавҳаларини ёритишга муваффақ бўлди. Кейинги икки композициясида эса пахтакорларнинг машаққатли меҳнати туфайли тикланадиган «оқ олтин» хирмонининг бунёд этилиши ўз ифодасини топган. Иккала асарда ҳам пахта хирмони, механизацияга таянган ҳолда ишлаётган хотин-қизлар, ҳатто ёшу қарининг ҳам теримда фаолият кўрсатаётгани асар мазмунига сингдирилган.

Далада колхозчилар меҳнат қилаётган жойда ҳамма қулайликлар мавжуд бўлавермайди. Масалан, «Охунбобоев деҳқонлар орасида» композициясида ерга тўшалган белбоғ — дастурхон ва чойнак, даланинг ўзида ясалган ўчоқда қайнаб турган қумғон тасвирланган. Воқеа иштирокчиларининг кийиниши, чеҳраларидаги ифода, сидқидилдан суҳбатга берилганлигининг жонли тасвири қалбингизни ҳаяжонга солади. «Иссиқ кун», «Пахта хирмони» композициялари ҳам ана шундай таъсирчан чиққанлиги билан кўз олдингизда узоқ сақланиб қолади. Бу фазилатлар ижодкорнинг ўз объектини чуқур билиши, қишлоқ ҳаёти ранг-барангликларини юракдан ҳис қилишидан далолат беради.

Рассом ижодининг тематик диапозони кенг. Унинг қатор асарларини кўздан кечирар экансиз, тарихий мавзуда, уруш ва тинчлик мавзусида, замонавий ҳаёт тасвири ва манзара жанрларида ҳам салмоқли ижод қилганлигини кўрамиз. Портрет ва натюрморт ҳам мусаввир ижодида алоҳида бўртиб кўзга ташланади. Рассом қайси жанр ва мавзуда ишламасин, тасвирлаётган ҳаётий манзарани чуқур ҳис этади ва бу хусусиятни характерлар муносабатида: ўзини тутиши, ҳолати, юз ифодасида ҳаққоний талқин этади. Рассомнинг ички дунёси, одамохунлиги, ҳаёт сўқмоқларидан ўтиб, тобланган инсоний фазилатлари қалб туйғуларига қоришиқ ҳолда образларига сингиб кетади.

Уруш мавзуси рассом ижодининг бош мавзуси дейиш мумкин. Рассом бу мавзуга мурожаат қилар экан, мудҳиш йиллар ҳақидаги композицияларига фронт ортидаги воқеаларни асос қилиб олади, туғилиб ўсган юрти билан фронтнинг узвий боғлиқлиги ғоясини илгари суради. Мусаввир бу изланишларида барча совет кишиларининг фикр-ўйи, қилаётган ишлари ягона мақсадга — инсониятнинг ашаддий душмани бўлган фашизмга, урушга қарши курашга қаратилганлиги ғоясини илгари суради. «Фронтчиларга совға», «Сен етим эмассан» композицияларида инсоният бошига тушган ўша кулфатли дамлар, совет кишиларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги, дўстлигини кўрамиз.

Шулар билан бир қаторда халқлар дўстлиги, қўриқ ерларни ўзлаштириш, халқ маданияти, маориф мавзуси ҳам ҳамиша рассомнинг диққат марказида бўлиб келади. Халқ урф-одатларига бағишланган асарлари ўзининг тематик кўлами, миллийлиги жиҳатидан ранг-баранг. Шунингдек, чорвачилик мавзуи, манзара яратиш ҳам рассомнинг



эътиборида. «Қанотли шифокорлар», «Мактаб музейида», «Қизил майдонда», «Қўриқ», «Афғонистон болалари», «Қўша қаринглар», «Кексалар чойхонаси», «Ўзбек халқининг фронтга совғаси», «Овқат тайёр», «Совға» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Рассом табиатан жозибадор образлар танлаб, улар сиймосидаги инсонийлик, одамийликни бўлакча бир жўшқинлик билан тасвир этади. «Овқат тайёр» портрет-картинасида эса ҳарбийчасига честь бериб, холст юзасида тасвирланмаган кимсага нисбатан қаҳрамон мурожаатида, ўзини тутиши ва ташқи кўриниши, кийиниши ва жуссасининг бесўнақай ҳолатида енгил юмор, ғайритабиий аломатлар сингдирилганки, бу хусусиятлар рассом ижодини безаб турувчи, ўзига хослигини ифодаловчи жиҳатлардир.

Бу хусусиятлар айниқса, «Янги ерда» композициясида бир бутунлигича намоён бўлган. Қўриқ ер очаётган замонамиз қаҳрамонларининг тушки пайт дам олиб ҳордиқ чиқараётган дақиқалари асарга асос қилиб олинган.

«Чўпонлар», «Чўпон нигоҳи», «Ўзбек паҳлавони Тўланбой Қурбонов», «Ўрик қуритиш», «Узум узиш», «Колхоз бригадири», «Тўйлар муборак», «Комсомол ёшлар бригадаси» асарларида ҳам ҳаётнинг турли-туман қатламлари тасвирланган. Дала меҳнаткашлари, боғбон ва чорвадорларнинг кундалик ҳаётидан тортиб, тўй тантаналари-ю, паҳлавонлар баҳсигача бўлган ҳаёт лавҳалари рассомнинг тасвир объектига айланган. Мазмунан лўнда ифодавий услуб, ҳаётнинг шоирона тасвири даврамиз кишиларининг барча авлодларига мансуб меҳнат ва маданий дам олиш жабҳаларидаги фаолияти ростгўйлик билан тасвирланганлиги кўзга ташланади. Рассом ижодида болалар мавзуси ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ҳикмат Раҳмоновнинг бу мавзудаги асарларида сюжетлар характери, образларнинг талқин қилиниши ва руҳиятида бир оз примитивлик, баёнчилик ва иллюстративлик сезилса-да, ижодкорнинг кузатувчанлиги, бола қалбининг нозик кечинмаларини бера олиши кўриниб туради. Бу хусусиятлар «Афғон болалари», «Жўр овоз», «Мураббия Фотима», «Бизнинг боғча», «Болалар дара сайрида», «Толбаргак», «Баҳор куйлари», «Май тонги» каби асарларида ўз ифодасини топган. Бегам, беташвиш дамлар образлар кайфиятида ёркин сезилади. Бахтиёр ўлка қўйнидаги ўғил-қизларнинг кундалик фаолияти рассомга туганмас илҳом берган.

Рассом асарлари Республика ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида мунтазам намойиш этиб келинмоқда. СССР халқлари дўстлиги музейи, Андижон область адабиёт музейи, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи, Бухоро, Қўқон адабиёт музейи кўргазма залларидан рассом асарлари муносиб ўрин олган.

Ҳикмат Раҳмонов — Ўзбекистон тасвирий санъатининг такомилида фаол иштирок этиб келаётган ёш мўйқалам усталарининг камол топишида меҳр билан ёрдамлашиб келаётган рассомларимиздан бири. Тасвирий санъатимиз тараққиётида унинг ўз бетакрор услуби ва фахрли ўрни бор.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунослик кандидати

Моҳир таржимон

Шундай фидойи адиблар бўладики, улар бор куч ва иқтидорларини қардош халқлар адабиётини таржима ва тарғибот этишга сарфлайдилар. Владимир Державин, Лев Пеньковский, Владимир Липко сингари мутаржимлар ана шундай кишилардан эдилар. Бугунги кунда Сергей Иванов, Сергей Северцев, Римма Казакова, Марина Кудимова каби ижодкор таржимонлар уларнинг ишларини давом эттирмоқдалар.

Ана шундай ижодкорлар орасида ўз таржимонлик фаолиятини Шарқ, Ўрта Осиё, қолаверса Узбекистон билан боғлаган бир ижодкор бор. Бу ҳозирда кенг жамоатчилик томонидан 60 йиллик юбилейи нишонланаётган Сергей Леонидович Северцевдир.

Агар Сергей Северцевнинг таржимонлик фаолиятига назар солсак, кўҳна Шарқнинг қадимги ва ўрта асрлар ҳинд адабиётининг жуда кўп эпик намуналарини рус тилига таржима қилганлигини кўрамиз. Бу ўринда «Гилгамиш», «Ригведа», «Махабхарата», «Рамаяна» эпосларидан қилинган таржималарни назарда тутмоқдаман. Шунингдек, у форс-тожик адабиётининг намояндалари Рудакий, Фирдавсий, Носир Хисрав, Умар Хайём, Жомий асарларини рус тилига ўгиришга мушарраф бўлган. Озарбойжон, татар, турк, қорақалпоқ шоирларининг энг етук асарлари ҳам рус ўқувчиларига Сергей Леонидович таржимасида маълумдир.

Сергей Северцев бошқа шарқ адабиётлари қатори ўзбек адабиётининг ҳам дўсти, тарғиботчиси ва таржимонидир. У Москвада бўлиб ўтадиган ўзбек адабиёти кенгашларида ҳамиша бош-қош. Тиниб-тинчимас таржимон ўзбек классик адабиётининг буюк намояндалари бўлмиш Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сини, Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо»сини, Лутфий, Навоий, Нодира, Муқимий, Фурқат сингари қатор классик шоирларнинг кўплаб асарларини рус ўқувчисига етказишда жонбозлик кўрсатди.

Сергей Северцевнинг ҳозирги замон ўзбек совет шеърияти намуналарини таржима қилишдаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. У Ғафур Ғулом, Уйғун, Миртемур, Туроб Тўла, Жуманиёз Жабборов сингари замонавий шоирларимиз асарларининг ҳам рус тилида жаранглашига сабабчи бўлди. Қорақалпоқ достони «Шаҳриёр»нинг таржимаси учун шоирга 1972 йилда Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти берилди.

Сергей Леонидович устозлардан кўп ўрганди. У бу маънода айниқса Николай Тихоновнинг номини фахр билан эслайди: «Қирқ йил мобайнида Николай Семенович менга қаттиққўл ва шафқатсиз устозлик қилди. У ҳеч қачон мақтамас, фақат ёқтирган нарсаларининг ёнига кичкинагина плюс қўярди холос. Йўлйўлакай таҳрир ҳам қилиб кетарди. Хайрлашаётганда эса ҳар гал: «Яна ишла, ишлабоқ тез олиб кел!» дер эди. Мен яна ишлардим...» Лев Пеньковский эса унинг Алишер Навоийдан таржималарини ҳар гал кўздан кечириб берарди. Форс шеърияти бўйича эса, Владимир Державиндан кўп маслаҳатлар олар эди.

Ўзбек совет адабиётининг жонкуярларидан бири, Константин Симонов Сергей Северцев ҳақида бундай ёзганди: «Мен Сергей Северцевни уруш йилларидан бери — жанговар жангчи шоир сифатида биламан. У Адабиёт институтининг иқтидорли студенти сифатида ҳам хотирамда яхши қолган. Ундаги шеърий иқтидорда юксак маданият билан ғалати тиришқоқлик уйғунлашган. Ўзбек тупроғи, унинг одамлари, меҳнати ва шеърияти билан яқин бўлган мендай одамга таржимоннинг ўз нигоҳи ва қалбини Шарққа, ўз талантининг ўтини жонажон Ўзбекистонга бахш этиши, қадимги ҳинд донишмандлигига, озод Осиёнинг юксак шеъриятига бўлган самимияти қадрли ва қимматлидир».

Мен ижодкор дўстимизга бағишланган ушбу қутловномани юқоридаги сўзлар билан якунламоқчиман. Зеро, бу сўзлар ҳар бир ўзбек қаламкаши ва ўқувчисининг дил туйғуларини ҳам ифодалаб берадиган сўзлардир.

Муҳаммад АЛИ,

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати

БАРАКА ТОПИНГ!

Инсон қадрини меҳнат оширади, дейдилар. Дарвоқе, Олим ака ҳам меҳнати туфайли элга танилди.

Ўзининг ҳалол, тинимсиз меҳнати, одамийлиги билан обрў-эътибор топди.

Олим ота Мусаевнинг Известия маҳалла комитети раисининг котиби вазифасида жамоатчилик йўли билан олиб бораётган ишларининг ўзи бир олам. У маҳалла аҳлининг яхши тўйига ҳам, маъракасига ҳам самимий маслаҳатлари билан ҳамиша бош-қош, ҳамнафас, ҳамдарддир. Олим ака ҳақида: «Барака топгур, Олимжон туфайли шундай уй-жойли бўлдим», ёки «Олимжон отанинг йўл-йўриғи, маслаҳати билан оиламиз аҳил-тотув бўлиб қолди» каби миннатдорлик туйғулари ифодаланган дил сўзларини маҳалладаги ҳар бир оила аъзосидан эшитиш мумкин.

Олим ака айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида, Тошкентда рўй берган 1966 йилги зилзила пайтида ҳам маҳалла аҳлига моддий-маънавий ёрдам уюштириш тадбирларида бирга бўлди. Бу ёрдамни ҳамма мамнуният билан эслайди.

Самимийлик, инсонга ғамхўрлик каби ажойиб фазилатлар Олим ака қалбига ёшликдан ўрнашиб қолган. Кишининг тинч ва фаровонлиги — унинг қалб шиори. Агар сиз Известия, Ўқитувчи, Композиторлар кўчаларига қадам ранжида қилсангиз, Олим ака барпо этган олмазор, олчазор, беҳизорларни кўриб дилингиз қувонади. У — мевали дарахтларни кўпроқ экиш ташаббусчиси. Узоқни кўзловчи ота бу дарахтларнинг ўтказилишида доимо ташаббус кўрсатиб келмоқда. Энди эса мевасини халқ билан баҳам кўрмоқда.

Олим аканинг ибратли ишларидан яна бири, унинг маҳаллада ўтказиладиган маросимларни меъёрида, тартибли, исрофсиз ўтказишдаги фаол иштирокидир.

Маълумки, партия ва ҳукуматимиз ёшларни ҳар томонлама етук инсон қилиб тарбиялашда доимо ғамхўрлик кўрсатиб келади. Маҳаллада бўладиган тўйларнинг маданий, дабдабасиз, тартибли ўтиши ёшлар тарбиясига таъсири қанчалик катта эканлигини яхши билган Олим ака бу борада ҳам маҳалла активлари билан ҳамкорликда фаоллик кўрсатмоқда. Олим аканинг 1937 йилдан буён ички ишлар бўлими ходимларига ёшлар тарбияси борасида яқиндан ёрдам бериб келиши ҳам эътиборга лойиқдир. Қисқа қилиб айтганда, Олим аканинг кишилар қалбида ўрнашиб қолган намунали ишлари беҳад кўп.

Партия ва ҳукуматимиз унинг маҳаллада олиб бораётган ишларини муносиб тақдирлади. У фахрий ёрлиқлар, медаль ва значоклар билан тақдирланди. Бу йил Олим ота Мусаевнинг туғилган кунига етмиш йил, маҳалла комитетидаги иш фаолиятига эллик йил тўлди. Биз Олим отага янада бардамлик тилаймиз.

С. ИРИСХЎЖАЕВА

ЮРАКДА ҚОЛГАН ЎҚ

ЙИЛ БАРАКАЛИ келди. Буғдойга ўроқ тушди. Бундай пайтларда Остонақул ҳафталаб, ойлаб даштда қолиб кетар, буғдой ўримидан тортиб ғаллани омборга ташиб бўлгунга қадар хирмон бошида бўлар эди. У оқшомлари чалқанча ётиб олганича осмондаги саноқсиз юлдузларга тикилар, хаёлида кўкдаги юлдузлар буғдой доналари бўлиб кўринар эди.

Ана шундай кунлардан бирида — ўттиз еттинчи йили Остонақул ҳарбий хизматга чақирилди. Темир йўлда ишлаётган акаси Бобомурод, опаси Ҳикматой, укаси Номоз уни кузатишга чиқишди.

Остонақул отлиқ кавалерлар тайёрланадиган курсга юборилди. Аввалдан колхоз отларини яйдоқ миниб юрган йигит эмасми, чаққонлиги билан тезда кўзга ташлана қолди. Одатдаги машқлардан бирида рота командири лейтенант Гаврилов Остонақулни ёнига чорлади.

— Отга минишни қаерда ўргангансан? — деб сўради ҳавас билан.

— Дашт боласиман. У ерда эса отсиз юриб бўлмайди, — деди йигит.

Курсни тугатганларни Белоруссия ҳарбий округи 7-Самара дивизияси 80-отлиқ кавалер полкига юборишди. Полк командири, кўринишидан қаттиққўл майор Матвеев ўқув бўлинмасидан келганлар билан обдан танишгач, улардан ўн бештачасини отлиқ разведка бўлинмасига олди. Улар орасида Остонақул Турсунов ҳам бор эди.

Разведка — бу беҳаловат тунлар, доимо хавф остида яшаш дегани. Остонақул ҳарбий хизмат давомида буни ўз гарданида неча бор синовдан ўтказди.

...Қирқ биринчи йил январининг қор аралаш изғирини кўз очирмас, совуқ одамларни уй-уйига ҳайдаб кирган эди. Остонақул қишлоққа пиёда кириб борди. Қишлоқ четига етгач, пастаккина даричани чертиб, ичкари кирди.

Ҳикмат опасининг уйи бир зумда тўйхонага айланди. Йиғилганлар ҳарбий кийим ярашиб турган Остонақулга ҳавас билан қарашар, унга саволлар беришар эди:

— Бу, жуда совуқ миш-мишлар юрибди, шу ростми? — сўраб қолди Қудрат ака ундан.

— Замон нотинч, яна ким билади. Бўрини қанча тўйғазма, барибир ўрмонга қарайди, — деди Остонақул.

Ҳа, уруш бошлангудай бўлса, Остонақул ҳарбий тайёргарликдан ўтган аскар сифатида биринчи бўлиб жангга кетишини жуда яхши биларди. Шундай бўлди ҳам.

Поезд бир маромда чайқалиб, Ғарб томон борарди.

Еттинчи кун саҳарда Калинин областининг Клин шаҳри разъездларидан бирида тўхтади. Солдатлар вагонлардан тушишга ҳам улгурмай, ҳавода душман самолётлари пайдо бўлиб, бомбардимон қила бошлади. Қўшни вагон ёниб кетди. Остонақул жангчилар билан яқиндаги ўрмонга яширинаётиб, ёш солдатнинг кийим-боши ёнаётганини кўриб қолди. Тажрибасиз солдат ўзини тўрт томонга урарди. Остонақул шинелини ечиб, йигитнинг устига ёпиб оловни ўчирди. Жанг шиддатли тус ола бошлади.

Захарово, Горючево, Ломакино қишлоқлари учун жанглар кетарди. Кечқурун Остонақулни штабга чақиришди.

— Вазият оғир. Бугун кечаси йигитлардан олтитасини олиб разведкага борасизлар, — деб гапни қисқа қилди эскадрон командири катта лейтенант Маҳмудов.

Вазифа аниқ, душманнинг асосий кучларини аниқлаш, эртага бўладиган ҳужум қайси нуқталарга йўналтирилиши лозимлигини белгилаш керак эди. Улар жуфт-жуфт бўлиб уч гуруҳга бўлиниб кетдилар. Остонақул озарбойжон йигити Мамедов билан йўлни Захарово қишлоғига бурди. Бирдан қоронғулик қаъридан Остонақулнинг қулоғига аллақандай ноаниқ овоз чалинди. Остонақул Мамедовни пойлоқчиликка қолдириб, овоз келаётган томонга пиёда юрди. Ярим вайрона уйнинг эшиги очиқ турарди. Жимлик. Ичкарига мўралади. Ҳувиллаган қоп-қоронғу хона. Қаердандир ҳамон ўша ноаниқ овоз эшитиларди...

Остонақул автоматни ўнглаб, омонат пилапоядан чордоққа кўтарилди. Нимадир шитирлади, кимдир ингради. У қўлини ён томонга чўзиб, фонар билан чордоқни ёритди. Похол устида афти-ангори кир бўлиб кетган тўрт-беш ёшлар атрофидаги қизалоқ алаҳсираб инграрди. Остонақул беихтиёр югуриб бориб қизчани кўтариб олди.

У қизчани бағрига босганича, дуч келган уйнинг эшигини секингина тақиллатди. Дераза пардаси кўтарилди.

— Очинг, ўзимизникилар, — деб шивирлади Остонақул. Эшикда мункиллаган кампир кўринди.

— Нима қилиб юрибсанлар, атроф фашист кузғунлари билан тўла-ку, болам! — Кампир эшикни қулфлаб, қўлидаги чироқни унинг қучоғида ухлаб қолган қизчага тутди. — Бу ким?

— Хароба уйдан топиб олдим. Онасини немислар ўлдириб кетишибди...

— Илойим фашист ҳаромиларига қирон келсин! — кампир унсиз йиғлади. — Кейин бир қарорга келди шекилли, қатъий деди:

— Қизчани қолдириб, дарҳол кетинглар. Ҳар қадамда душманга дуч келиб қолишларинг мумкин...

Фашистлар ўрмонга жойлашиб, бир қадам ҳам чекинмаётган отлиқ совет жангчиларига қарши қаттиқ ҳужумга тайёргарлик кўришарди. Остонақул Турсунов шериги билан фашистларнинг муҳим объектларини аниқлагач, зудлик билан қисмга йўл олди. Қоронғу тунда, узоқда сигарет чўғи ёниб ўчди. Немислар! Хавф-хатарни сезди шекилли, от жонивор кишнаб юборди.

— Мамедов, отни қича!

Улар отларни чоптириб кетдилар. Тун сукунатини отларнинг дупури ва пулеметдан қисқа-қисқа узилган ўқ овози бузди. Остонақулнинг оёғи жизиллади.

Эрта саҳарда, жангчилар ўз ўринларини эгаллашган эди. Атрофда сукунат ҳукмрон. Ана шу дақиқада Остонақул бир дам Самарқандни, Ҳикматой опасини хаёлидан кечирди. У шуларни ўйлар экан, эскадрон командирига мурожаат қилди:

— Ўртоқ катта лейтенант, ўтган ҳафта Коммунистик партия сафига қабул қилингандим... Ҳали партия билетини олганим йўқ. Агар бирор ҳодиса рўй берса, — Остонақул бошини адл кўтарди,— мени коммунистлар сафида қайд қилишсин...

Қонли жанг бошланди. Немислар тиштирноғи билан қаршилик кўрсатар, ҳар бир қарич ер учун ҳаёт-мамот жанги кетар эди. Бир сутка ичида Захарово қишлоғи гоҳ бизникилар, гоҳ немислар қўлига ўтиб турди. Жангнинг бешинчи куни фашистлар катта куч билан қарши ҳужумга ўтди. Қулай позицияга жойлашган пулемётчи Сергей Байкинга Остонақул ўқ дискаларини етказиб турди. Учинчи диска пулеметга ўрнатилаётганда душман ўқи Байкинни сафдан чиқарди. Остонақулнинг ўзи душманни ўқ ёмғири билан қарши олди. Бироқ ёнгинасига келиб тушган снаряд пулемётни тилкалаб юборди. У ёғини эслаёлмайди.

Орадан қанча вақт ўтганини билмайди. Қулоғига элас-элас ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилади. Сўзлашаётганлардан бирининг «капут!» деган сўзини тушунди, холос... Ўзи «Фашистлар... фашистлар...» дейди-ю, ўрнидан қўзғалолмайди. Яна қадам товуши эшитилди. Фашистлардан бири қайтиб келиб унга автоматни тўғрилади...

Остонақул бу гал ҳушига келганида ўзининг тириклигига ишонмади.

«Биродар, тирикмисиз, мен эскадрон командири Маҳмудовман», деган соф ўзбекча сўзлар олисдан эшитилгандай бўлди. Кимдир ярасини боғлади, кейин ўзлари келган танкка авайлаб кўтариб чиқишди. У яна ҳушидан кетди...

Остонақул Турсунов ўлим билан олишиб ётганида Самарқандга, опаси Ҳикматойнинг номига шум хабар келди.

«Укангиз Остонақул Турсунов оғир жанглардан бирида қаҳрамонларча...» Опа уёғини ўқиёлмади. Кўзидан оққан аламли ёшлар «қора хат»нинг қолган сатрларини ҳам ювиб кетди...

Остонақул ўзига келганида қошида чувваккина, чўққи соқол, кўзига пенсне таққан оқ халатли докторни кўрди. Кейин билса, у профессор Колосов экан.

— Бизларни жуда қийнаб юбординг-ку, қоракўз? — деди у ҳам кулиб, ҳам бош чайқаб.— Шунча кун ҳам ҳушсиз ётасанми-а? Аммо лекин роса бақувват йигит экансан, қойил. Мана, сенга эсдалик. — У шундай дея қоғозга ўроғлиқ ниманидир тутди. Остонақул қоғозни очди: катта-кичик снаряд осколкалари... битта ўқ...

— Омадинг бор экан, йигит, — деб кулди ҳамшира. — Икки оёғингнинг ҳам соғ жойи қолмабди-я, йигирма етти грамм осколка чиқди. Мана бу ўқни эса ўнг оёғингнинг сонидан суғуриб олдик.

Остонақул узоқ даволанди. Юрагида қолган осколкани олишнинг иложи бўлмади. Оғриқ сезмагани учун унинг ўзи ҳам бунга парво қилмади. Ҳаракатдаги армияга юборишларини сўраб ариза ёзди. Комиссия унинг соғлигини текшириб, яралари битмагани учун соғломлаштириш батальонида қолдирди. Навбатдаги комиссиядан сўнг у Сталинград бўсағаларида жангни давом эттирди. Фашист газандаларини асир олишда, Курск ёнидаги шиддатли жангларда иштирок қилди. Ғалабани эса Кёнегсберг шаҳрида кутиб олди.

Йиллар... Узининг муҳрини босиб ўтаётган йиллар. Остонақул Турсуновнинг кўкси тўла орден-медаллар билан урушдан қайтганига ҳам роса қирқ йил бўлди. Қирқ йилдирки, ҳамқишлоқлари Остонақул отанинг бирор дақиқа тинч турганини кўришгани йўқ. Иккинчи группа инвалиди эканлигига қарамасдан узоқ йиллар қадрдон колхозида меҳнат қилди. Меҳнат ветерани деган юксак номга эга бўлди. Ҳамқишлоқлари билишмайди — қирқ йилдирки, Остонақул ота кўксида фурсат пойлаб ётган темир парчаси билан кечаси-ю кундузи курашиб келади. Бир нафас тинч қолди, дегунча кўксидаги қўрғошин хуруж қила бошлайди. Шундай пайтда у қўлига ток қайчи олиб, ишком оралаб кетади... Остонақул Турсунов учун яшаш — умр бўйи курашиш деган гап. У яшашнинг мазмунини ҳам ана шунда деб билади...

Очил ТОҲИРОВ

ЭЪЗОЗ

1947 йил. Совет халқи олдида урушнинг оғир асоратларини бартараф этишдек масъулиятли вазифа турарди. У пайтда Олия эндигина ўн тўққиз баҳорни қаршилаётган эди. Институтни тугатгач, ёш педагог Наманган область Қуғай станциясидаги 15-болалар уйига ишга юборилди. У бу ерда болалар билан муомала қилиш, уларнинг кўнглига йўл топиш ҳаётдаги барча ташвишлардан ҳам мураккаброқ эканига амин бўлди. Тарбияланаётган 150 нафар ўғил-қизларнинг ҳар бири ҳар хил характердаги турли миллат болалари бўлиб, улар билан тил топишиш осон эмасди. Улар уруш туфайли ота-оналарининг, ака-укаларининг бағридан ажралган кўнгли ярим, ўксик, иштиёқи паст, ўйчан бўлиб қолишганди. Айниқса характери жуда «мураккаб», одамови, қайсар, деб танилган Ленур исмли ўн икки яшар ўспирин ҳаммани бирваракайига ташвишга солиб қўйганди.

Олия рангпаргина бу йигитчанинг кўнглини топишга астойдил интилди. Емакхонада у билан ўтириб овқатланар, у билан каттalardек жиддий муомалада бўлар, кези келганда ундан маслаҳат ҳам сўрар эди. Бундай пайтларда Ленур елкасини қисиб, бирор жўяли гап айтолмас, ҳайиқиб ўзини четга тортишга ҳаракат қилиб қолар эди. Дам олиш соатларида Олия холироқ жой топиб, унга қизиқ-қизиқ Шарқ ривоятларидан, эртакларидан айтиб берарди.

Бир куни Олия тўсатдан унга «Методика кабинети»дан китоб олиб келишни илтимос қилиб, қўлига калит берди. Бу хонада аслида ўша пайтда «сим-сим» деб ном олган, овоз ёзилган пластинкали патефон, музика чолғу асбоблари, ҳар хил китоблар, шунга ўхшаш болалар кўзига «мўъжиза» бўлиб кўринадиган анжомлар сақланарди. Шундай «хазина»нинг калити қўлига ишониб топширилган Ленур ҳаяжонланиб кетди. Ишонмайгина опага қаради. «Бор, боравер» ишорасини қилди Олия ҳеч нарса сезмагандай. Ленур югуриб кетди.

Яна бир куни Олия болалар уйида тунги навбатчилик вазифасини ўташни Ленурга ишониб топшириб кетди. Бироқ у тун бўйи: «Тўғри қилдимми, болаларнинг тақдирини унга ишондим-а, талтайиб кетмасмикан?» деган ўй билан тўлғониб чиқди. Эрталаб шошиб бу ерга келганида эса... ҳаммаёқ саришта, ҳамма хурсанд эди. Болаларнинг айтишича, оқшом Ленур очилиб-сочилиб кундалик ишларни бажарган, ўртоқларига қўшиқ айтиб берган, рақсга тушган, ўзи ўқиган китоблар ҳақида гапирган эди.

Ўшанда Олия болаларга ишонч билдириш яхши тарбия воситаси эканлигини амалда синаган эди. Бу оддий усул кейинчалик у ЎЗ ССР ЛКСМ Марказий Комитети аппаратида ишлаганида ҳам унинг иш методига айланди.

Комсомол ишларидаги актив фаолияти, ишчи ёшларни коммунизм руҳида тарбиялашда, уларнинг фан сирларини мукаммал эгаллашларидаги хизматлари учун Олия Мажидова ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Комсомол ишидаги актив фаолияти учун» Фахрий Ерлиғи, «Меҳнат ветерани», «Шавкатли меҳнати учун» медаллари билан тақдирланган. У узоқ вақт Ўзбекистон ССР Маориф министрлигида ёшларга кечки ва сиртқи таълим бериш бўлимининг бошлиғи бўлиб ишлади. Бу давр Олия Мажидованинг қизғин педагоглик фаолиятини ўз ичига олади. Тиниб-тинчимас коммунист, ўзбек қизи мамлакатимиз педагогик коллективлари, чет эллардаги прогрессив мамлакатлардаги маорифчилиги ишлари билан яқиндан танишди. Улар билан тажриба алмашиш ишларини наъмунали адо этди. Айни пайтда моҳир педагог, ўз умрини халқ онгига зиё улашишдек муқаддас ишга бағишлаган Олия Мажидова К. Д. Ушинский номидаги Ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш Марказий институтида ҳормай-толмай хизмат қилаяпти.

Олия Мажидова одамлар билан тез тил топишиб кетади. Бу хислат унинг Тошкент шаҳар Киров район ижроия комитетидаги депутатлик йилларида айниқса кўзга ташланди. Унинг депутатлик фаолияти тошкентликлар бошига зилзила ташвиш солган 1966 йилларга тўғри келди. Ҳамма коммунистлар сингари депутат Олия Мажидова бу кезларда кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ҳамшаҳарлари билан бирга бўлди.

Мана у СССР Маориф Министрлигининг таклифи билан Германия Демократик Республикасига совет ўқитувчилари делегацияси билан бирга сафарга отланаяпти. У ерда Олия Мажидова «Маҳаллий педагогика коллективларида рус тили дарси» мавзусида маъруза қилиши керак. Опа сафар кунлари яқинлашгунча бир нечта луғатларни титкилаб немис ҳамкасбларига бир-икки оғиз ўз тилларида илиқ сўз айтишни машқ қилди. Берлинда уларни жуда қизғин кутиб олишди. Олия Мажидова ҳамкасблари билан танишгач, улардан ўзини Инге Ланге билан учраштиришларини илтимос қилди. Сафар баҳонасида қадрдон дўстимни кўриб кетмасам, хафа бўлади, деган истакни билдирди.

— Партия Марказий Комитетининг секретари билан-а! — ҳайрон бўлишди улар.

— Ҳа, худди ўзлари, — жилмайди Олия.

Зум ўтмай, телефон аппаратларидан бирига Олия Мажидовани таклиф қилишди.

— Алло, Олия, ўзингмисан, қайси шамол учирди. Қойил, қойил, — Инге Ланге рус тилида ўзига хос талаффуз билан гапирарди. — Ҳозир етиб бораман.

Улар Олия Холиқовна 1957 йили Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети аппаратида ишлаб турган кезларида Совет ёшлари делегацияси билан Ҳиндистонга қилган сафари чоғида танишган эди. Ҳиндистон Бош министри Жавоҳарлаъл Неру ўшанда меҳмонларни илиқ қарши олган, самимий суҳбатлашган эди.

Олия Мажидованинг шахсий фото альбомида тарихий суратлар жуда кўп. Улар Европа мамлакатларидан, Ҳиндистон шаҳарларидан ва турли корхоналардан эсдалик бўлиб қолган. Ана шундай ноёб эсдаликлардан бири унинг Индира Ганди билан шахсий ёзишмаларидир. Индира Ганди бир хатида Совет — Ҳиндистон дўстлиги хусусида тўхталиб, бу дўстликни бахтиёр ёшлик, меҳмондўстлик, оламда барқарор тинчлик номи билан боғлаган. Индира Ганди Олия Мажидовага отасининг Совет ёшлари делегацияси билан тушган суратини ҳам эсдалик учун юборган эди.

Совет ёшлари делегацияси Ҳиндистонда бўлганида Жавоҳарлаъл Неру уларга ёш ҳинд хотин-қизлари билан учрашув ўтказишни таклиф қилди. Олия Холиқовна учун жуда ҳаяжонли кечган бу ғаройиб анжуманда у демократик ҳаракатда хотин-қизларнинг роли ва уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида жўшиб гапирди. У ўз фикрларини соф рус тилида ифода этди.— Биз, — деди у, — «дунё», «нон» деган сўзларни бир хилда талаффуз қиламиз. Бироқ бизни яна бошқа нарса ҳам боғлаб туради, бу илм-маърифатдан баҳраманд бўлишга бирдай интилишимиздир. Биз, аёллар, эркаклар билан теппа-тенг турмушимизнинг фаравон, соф ва янада гўзал бўлиши учун она халқимизга ниҳоятда зарурмиз!

Ҳиндистон бош министри Жавоҳарлаъл Неру 1957 йилда Бутунҳиндистон ёшлар конгрессида иштирок этган Совет ёшлари делегациясини самимий қабул қилган эди. (Ўнгда: Олия Мажидова).

Мезбонларни айниқса сиртқи ва кечки ўқув системалари қизиқтириб қўйди. Олия Холиқовна мамлакатимиз ўғил-қизларининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида қандай таҳсил олаётганлигини соддагина қилиб тушунтирди. Улар Совет болалари бепул ўқитилиши, даволаниши ҳақида эшитиб, ҳайратларини яширишаолмади.

Олия Мажидова салкам қирқ йилдан буён совет педагоги деган шарафли номни улуғлаб келаяпти. У қаерда бўлмасин, қаерда ишламасин, ўзини халқ билан бирга ҳис этади. Бугунги кунда республикамизда унинг педагог шогирдлари талайгина. Улар ўз устозлари — камтарин инсон номини самимий ҳурмат билан тилга олишади. Унинг номига келаётган хатлар, табрикномалар, шахсий ёзишмалар ана шундан далолат беради.

Л. ГРОСМОН

ДЕВОРЛАРНИ КУЙЛАТГАНЛАР

Халқ амалий санъати

Ўзбек халқ меъморчилигининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган ганч ўймакорлиги санъати тарихи жуда узоқ замонларга, ҳатто эрамиздан олдинги асрларга бориб тақалади. Далварзин тепа, Болалик тепа, Афросиёб, Варахша, Термиз, Холчаён, Тошкент, Қўйқирилган қалъа ва бошқа жойларда қўлга киритилган тарихий обидаларнинг меъморчилик санъатига оид топилма намуналари мана шундан далолат беради. Бу ноёб топилмаларни топиб, халқимиз санъати тарихи сиймосини тиклашда Я. Ғуломов, М. Е. Массон, Г. А. Пугаченкова, Л. И. Ремпель, Ш. С. Тошхўжаев, С. П. Толстов, В. А. Шишкин ва яна бир қатор олимларнинг хизмати катта. Қўлга киритилган топилмалардан маълум бўлишича, барча санъат турлари сингари ганчкорлик ҳам гоҳ таназзулга учраб, гоҳ тараққий этиб, халқимизнинг, авлод-аждодларимизнинг пок қалблари эзгу истаклари, нафосат туйғулари, алам ва изтироблари намоёни сифатида авлодлардан авлодларга ўтиб келаверган.

Улуғ Октябрь инқилобидан кейин барча соҳалар қатори халқ амалий санъати, шу жумладан, ганч ўймакорлиги санъатининг тараққий этишига, ганчкор усталарнинг ўз қувваи ҳофизасини ганч нақшларида намоён қилишига тўла имкониятлар яратиб берилди. Партия ва ҳукуматимиз уларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаётир. Ганч ўймакорлиги бўйича халқимиз фахри бўлиб қолган Уста Ширин Муродов, Тошпўлат Арслонқулов, Қули Жалилов, Маҳмуд Усмонов сингари қайтарилмас истеъдодга эга санъаткорларнинг етишиб чиққанлиги фикримиз тасдиғидир.

Хўш, бугунги кунда халқимизнинг ганч ўймакорлиги санъати анъаналари давом этаяптими? Устоз санъаткорларнинг муносиб издошлари борми? Бу саволларга тўла қаноат билан айтиш мумкинки, ганчкорлик санъати юксалмоқда, муносиб издошлар кўпаймоқда. Устозлар анъанасини давом эттираётган, айни чоғда ганчкорлик соҳасида ўзларига хос янги сўқмоқ очаётган Зиёвутдин Юсупов билан Умаржон Тоҳировлар ана шундай издошлардан. Уларнинг ҳамкорликда яратган ижодий ишлари, беқиёс нақш намуналари дилларни яйратади, ўзига мафтун этади. Бинобарин, бу иккала санъаткорнинг Тошкентдаги «Гўзал» кафеси банкет зали деворларига «ойна пардоз» услубида ишлаган бетакрор ва бетимсол ганч нақшларини кўрган киши ўзини гўзаллик оламининг энг жозибали масканига кириб қолгандай ҳис қилади. Зўр дид ва кучли ақл-идрок билан яратилган нақшинкор деворлар гўё нафосатнинг энг нозик пардаларида куйлаётгандай вужуд-вужудингизни тўлқинлантириб юборади, инсон тафаккурининг бу қадар гўзалликни ярата олишига қодирлигидан ҳайратга тушасиз. Хонанинг шифти паст бўлганлиги туфайли шунга мос нафис шакллар ишланган. Деворларни ҳар хил планда бўртиб чиқувчи шаклларга келтириш мақсадида хонанинг кираверишидаги чап деворида косомон, пиаломон ва руталардан фойдаланилган. Бу ерда биринчи бўлиб қўлланилган светомузика имкониятлари хонага алоҳида жозиба бахш этади. Халқимизнинг қадимий анъаналари билан замонавий техника имкониятларини бирбирига уйғунлаштириб юборган замондошларимиз ишидан юрагингизни фахр туйғуси қамрайди.

Зиёвутдиннинг бобоколонлари кулол ўтган. Отаси Мирқори Юсупов ҳам кулолчилик билан шуғулланган. Зиёвутдинда халқ амалий санъатига қизиқишни отаси уйғотган. Умаржоннинг ганчкорликка қизиқиши ҳам болалигидан бошланган. Халқ амалий санъатига бўлган ҳавас икки ёшни бирлаштирди. Бугунги кунда уларнинг орзу-ўйлари, мақсадлари, интилишлари, ижодий меҳнат фаолиятлари, ҳатто илҳом ва яратиш онлари ҳам қўш дарёдай қўшилиб кетган. Бунга сабаб иккаласининг бир синфда ўқиши, ёшлигидан ганчкор бўлишга иштиёқмандлиги, 1964 йил еттинчи синфга кўчгандан кейин уларнинг бирга Тошкентдаги В. И. Ленин номли Пионерлар саройи ҳузурида ишлаб турган ганч ўймакорлиги тўгарагига қатнашиши, бу ерда уларнинг машҳур ганчкор, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Маҳмуд ота Усмоновдан таълим олиши, иккаласининг ҳам Тошкент Политехника институти архитектура бўлимида таҳсил кўришидир. Уларни бирбирига туташтирган ният ҳам битта эди: халқимизнинг амалий санъат соҳасида донг таратиб келаётган нуфузини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш. Улар кўзлаган манзил: ганчкорлик санъатининг юксак чўққисини эгаллаш.

Албатта, чўққилар ўз-ўзидан забт этилавермайди. Машаққатларни енгиб ўта билмоқ лозим. Зиёвутдин билан Умаржон изланиш ва меҳнатда тобланди. Иккаласи ҳам институтни битиргач, ҳарбий хизматни ўтаб қайтишди. Улар Маҳмуд ота Усмоновдан узоқ йиллар олган тажрибалари билан институтда архитектура бўйича олган билимларини бирга қўшиб, ўзлари мустақил ижодий асарлар яратишни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Шу мақсадда Йўлдош Охунбобоев номли Пионерлар уйида ганчкорлик тўгараги очиб, шогирдлар тайёрлашга киришдилар. 1975 йили иккаласи биргаликда ижодий уюшма ташкил этишга муваффақ бўлдилар. Янги уюшма ганчкорлик санъатининг энг мураккаб ва ниҳоят қийин йўли — илк марта бухоролик Уста Ширин Муродов кашф этган «ойна пардоз» услубини танладилар ва услубни ривожлантиришга аҳд қилдилар.

— Бизнинг ижодий услуби-



Еш ганчкорлар.

мизнинг таркиб топишида машҳур Уста Ширин Муродовнинг таъсири катта,— дейди уларнинг ўзи.— Унинг Бухородаги Ситораи Моҳи-Хосса хоналарига ишлаган ганчкорлик безакларини қанча томоша қилмасин, маълум вақтдан кейин киши ўзида яна бориб кўришга эҳтиёж сезади. Уста ўта маҳорат билан гўзаллик тарозусида ғоят аниқ нисбатларга эришган ҳолда нақшларни шундай жойлаштирганки, киши хаёлида бундан ортиқ гўзалликни яратиш мумкин эмасдек туюлади. Лекин гўзалликнинг, инсон тафаккурининг чексизлигини ўйласанг, кўнгилда ундан ҳам мукаммалроқ гўзалликни бунёд қилиш иштиёқи уйғонади. Бизни ана шу муқаддас туйғу Уста Ширин Муродов изидан боришга даъват этди.







Мулла Тўйчи-ҳофиз Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё область Музикали драма ва комедия театри биносига ишланган нақшлардан намуналар.

Эришилган ютуқлардан қониқмаслик, ўз ижодий ишига танқидий кўз билан қарай билиш, кейинги ишида аввалги камчиликларни бартараф этишга интилиш янги-янги муваффақиятлар гаровидир. Умаржон билан Зиёвутдин ижодий самараларининг боиси шунда. Улар изланишлардан чарчамайди, ютуқлари билан қаноатланиб қолмайди. Улар ҳозир кенг кўлланилаётган ганчкорликдаги текис сатҳнинг катта юзаларига бир хил нусха ишлатиб, гулларни ўйишда чуқурлигини ошириб юбориш яхши натижа бермаслигини пайқаб қолдилар ва ўзларининг ижодий ишларида бу услубдан қочдилар. Ҳар қанча қийин бўлса ҳам ранг-баранг, мураккаб, янги услубларни қўллашга интилдилар. Чунки катта юзага бир хил беш нусха ганчкорлик безаги ишланса, киши нигоҳини зериктиради. Гулларни чуқур ўйиб ишлаш эса, унинг тезда чанг босишига олиб келади. Зиёвутдин билан Умаржон девор юзасида кўп планли бўртма услубни қўллашни синаб кўрдилар. Бу яхши натижа берди. Лекин бу ҳол санъаткордан жуда кўп вақт ва меҳнат талаб қилади, ҳар бир нақш учун ижодий ёндошишга ҳамда изланишга мажбур этади. Масалан, кўп планли бўртма юзани келтириб чиқариш учун аввал ганч тахтачалар тайёрланади, ганч тахтачалар ганч омухталар билан ўрнатилади, ташқи ва ички чегаралар оралиғига тошойналар жойлаштирилади. Девор билан тошойна ўртасида ҳосил бўлган бўшлиқ тошойнанинг намдан бузилмаслигига хизмат қилади. Хонанинг шифтида ҳам шу тартибда ганч тахтачалар орқали кўп планли бўртма юза ҳосил этилади. Бу услуб Қарши шаҳридаги В. И. Ленин мемориал музейида қўлланилди. Иш жараёнида унинг янги-янги имкониятлари очилди. Бухоро ва Хива услубида нақш берилган икки хонада 150 хил ислими, грих, турунжлар ишлатилганлиги нақшларнинг қанчалик ранг-баранглигидан далолатдир. Хоналарнинг узоқ вақт ўз сифатини йўқотмаслиги учун мўътадил ҳаво билан таъминланди, яъни қарама-қарши деворларда вақти билан ҳаво алмашинадиган вентиляцион панжаралар қўйиб кетилди. Бундан ташқари ҳам ганчкорлик ишларини намликдан асрайдиган кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Қарши шаҳридаги область театри фойесини безашда эса, улар фойенинг тузилишига қараб ўз услубларини янгиликлар билан бойитдилар. Театр фойесининг шифти осма бўлиб, 9 та ҳовуздан иборат эди. Шифтда ҳосил бўлган 9 та ҳовуз шаклидаги бўртмаларни шифтнинг қолган қисмидан ажратиб, сейсмик оралиқлар вужудга келтирилди. Карнизлар қўйиладиган оралиқ ҳовузларда уйғунликка мос ислими, грих ва турунжлар ишлатилди. Тошойналар билан мутаносиб равишда рангли ойналарни қўллаш илк марта шу ерда синаб кўрилди. Шифтда ҳовузларнинг ташқи чегараси бўйлаб бўйи ҳамда энига яшил ойна қопланиб, унинг юзасига ганчдан гул ва нақшлар кесилди. Янгилик яхши самара берди. Энг мураккаби, театр фойесини асосан ганч қандиллар ёритиб туриши ҳисобга олинган эди. Тинимсиз изланишлар натижасида кўп ярусли қандиллар ўрнатиш қарорига келинди ва ҳар бир қандил диаметри 1,40 сантиметр кенгликда белгиланди. Иш жараёнида ганч қандилларнинг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлиги аниқланди. Бу имкониятлардан кейинги пайтда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти биносининг иккинчи қаватидаги фойесига ўрнатилган қандилларда кенг фойдаланилди. Бу ерда ганч қандилларнинг 18 бўлакдан иборат мураккаб турлари синаб кўрилди. Шу институт биносининг биринчи қаватига ишланган ганчкорлик безаги киши ақлини шоширади. Нақшлар аро қараб турган товуслар ҳақиқий товусларнинг ўзини ҳам мафтун эта олади. Ҳа, деворлар гўзаллик куйчисига айланиб, куйлаб ётибди унда...

Кейинги йилларда халқ амалий санъатининг барча турлари, шу жумладан ганчкорлик ва кулолчиликнинг янги қирралари тараққий эттирилиб, меъморчилик санъатини бойитмоқда. Бу партия ва ҳукуматимизнинг халқ амалий санъатини ривожлантиришга катта эътибор бериб келаётганлигининг ёрқин нишонасидир. Бунинг яна бир исботи: шаҳримиз планига мослаб, Кўқалдош мадрасасининг орқа томонидан жой ажратилиб, у ерда ҳунармандлар расталарини жойлаштиришга қарор қилинди. Шу кунларда ҳунармандлар расталарининг лойиҳаси якунланиш арафасида турибди. Агар шу атрофда ўзбек халқ амалий санъати музейи қурилиб, унинг ҳар бир хонасида халқ амалий санъатининг маълум бир тури ўз соҳасининг гултожи бўлган санъат намуналари жойлаштирилса, халқимизнинг гўзаллик хазинасига айланиб қолган бўлар эди. Шунда Зиёвутдин билан Умаржонлар санъати алоҳида бир хонани куйлатиб юборишига аминман. Уйлайманки, бу икки санъаткорнинг келажаги янада порлоқ. Уларнинг ганчкорлиги фақат республикамизда ёки Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам ўзининг муносиб баҳосини олади. Келажакда чет эл шаҳарларининг энг кўркам бинолари безагини ўзбек халқининг қўли гул усталари санъати безаб турса, ажаб эмас. Агар шу ишлар амалга оширилса эди, бутун олам куйловчи девор ижодкорлари санъатидан баҳраманд бўлар эди.

Э. МУҲАМЕДОВ

ШИФОХОНА

«Тез ёрдам» машинаси Тошкентдаги 5-шаҳар болалар юқумли касалликлари клиник шифохонаси томон шиддат билан елиб борарди. Ичкарида бемор гўдагини бағрига босган она безовта. Машина шифохона ҳовлисига кириши билан ҳамширалар унинг атрофини қуршаб олишди. Гўдакнинг аҳволи оғир эди. Биринчи галда хасталикни аниқлаш лозим.

— Салмонеллез!

Касаллик тарихи варақасига дастлаб шу сўз битилди. Қабулхона навбатчи врачи ҳамширага юзланди:

— Асаб тўқималари хасталанган.

Текширув давом этарди. Гўдак қисқа-қисқа нафас олиб қийналарди, елкалари тез-тез кўтарилиб тушади.

— Ўпка икки томонлама яллиғланган! Зудлик билан реанимация бўлимига олиб кирилсин.

...Муолажа бошланди...

— Даволаш жараёнида бир неча марта клиник ўлим содир бўлди,— деб эслайди кейинроқ шифохона бош врачи Илёс Халилов.— Ҳали уч ёшга тўлмаган Наргиза Файзиеванинг нозик организми бир йўла тўрт хил хасталик исканжасида қолганди.

Шифохонадаги барча бўлимлар марказлаштирилган кислород билан таъминланган, замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Фан-техника тараққиётининг равнақи шифокорларимизга қўл келаяпти. Наргиза ҳам шу техника шарофати билан омон қолди. Р0— 6 маркали ҳамда кардиосигнализатор аппаратлари ёрдамида унинг юрак уруши ва нафас олиши тикланди. Меҳрибон қўллар уни ота-она бағрига қайтарди.

— Халқимиз: «Саломатлик — туман бойлик», деб бежиз айтмайди. Юқоридаги каби ҳоллар касалхона шароитида бўлиб туради. Аксарият ҳолларда беморлар аҳволи оғирлашгандан сўнгина врачга мурожаат қиладилар. Бундай пайтларда талантли, зукко шифокорлар ҳам қийин аҳволда қоладилар. Ана шунда ҳамжиҳатлик катта роль ўйнайди,— дейди сўзида давом этиб бош врач.

Касалхона коллективи қарийб қирқ йилдан бери болалар юқумли касалликларини даволашдек масъул вазифани адо этиб келаётир. Ҳозирги кунда шифохонада 350 беморга бир йўла тиббий ёрдам берилиши мумкин. Икки медицина фанлари кандидати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган икки врач, биринчи даражали шифокорлардан 12 киши, шунингдек 400 га яқин малакали медицина ходимлари беморлар атрофида парвона.

Маълумки, болалар орасида салмонеллез, меъда ва ичак касалликлари ҳамда сариқ касаллиги ўта юқумли ҳисобланади. Шифохонада беморларни даволаш билан бирга касалликнинг олдини олиш чоратадбирлари қўлланилмоқда. Бу борада шифохона ҳузурида жойлашган Ўрта Осиё Медицина педиатрия институтининг юқумли касалликлар кафедраси катта ишларни амалга оширмоқда. Медицина ходимларининг малакасини оширишда доцентлардан Р. Абдуллаева, И. Шопунова, И. Шаинский, ассистентлардан Г. Суворов, М. Шароповларнинг хизматлари таҳсинга сазовордир.

Шифохонанинг медицина фанлари кандидати, олий даражали шифокор Абдухолиқ Ҳакимов етакчилик қилаётган иккинчи бўлимида уч ёшгача бўлган бемор болалар даволанади.

Бу ерда малакали врачлар беморларнинг касаллигини аниқлайдилар. Маълум хулосадан сўнг даволаш тадбирлари белгиланади. Қарийб ўттиз йилдан бери шу ерда ишлаётган Зоя Есимова, Муҳаммаджон Саидов каби врачлар ўз тажрибалари билан ҳурмат қозонишган.

Шифохонада бўлимлараро социалистик мусобақалар, тинчлик, меҳнат, спорт ва сиҳат-саломатлик эстафеталари, маданий ҳордиқ кечалари мунтазам ўтказиб турилади. Айниқса «Олтин қўллар» конкурси медицина ходимлари ўртасида қизғин ўтади.

Бундай тадбирлар беморларга хизмат қилиш савиясини кучайтирмоқда. Яқин орада бу ерда яна икки юз ўринли касалхона биноси қурилади. Шунингдек, беморларни сервитамин парҳез мевалар билан таъминлаш учун теплица қурилиши мўлжалланаётир. Келгусида 5-шаҳар болалар юқумли касалликлари клиник шифохонаси катта ёшдаги беморлар ҳам даъволанадиган йирик шифохонага айлантирилади.

М. ЎКТАМОВ

Ғалла мўл бўлди.

Ҳордиқ (бўкалик сувчи Умарали Соипов).
Ж. Тўраев фотолари

(Боши 17-бетда)

тишади. Халқ ўртасида Шоди сурнай номи билан машҳур Эргаш Ҳамидов сурнай наволари билан уларга жўр бўлади.

Коллектив эришаётган ижодий муваффақиятлар томошабинлар томонидан муносиб қадрланаяпти. Улар самарали меҳнатлари эвазига область Ленин комсомоли мукофоти лауреати унвони билан тақдирландилар. Бу коллектив республика цирк телевизион конкурсида фахрли I ўринни эгаллади ҳамда республика Халқ ижоди ва маданий-оқартув ишлари илмий-методик марказининг эсдалик совға ва I даражали фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бу юксак мукофотлардан руҳланган дорбозлар ўз программаларини янада ранг-баранг номерлар билан бойитиш устида ишлаяптилар.

Дорбозлар группасига бевосита Нарпай район марказий маданият уйи маъмурияти раҳбарлик қилади. Дорбозлар қулай шароит билан таъминланганлар.

Яқинда бу дорбозлар группасини II республика дорбозлик санъати конкурси олдидан марказий телевидение телефильмга туширди.

Редакция почтасидан

Эл севган хонанда

Эфир бўйлаб ёқимли қўшиқ таралмоқда. Борлиқ гўё қўшиқчига жўр бўлиб, мастона тебранаётгандай. Мусаффо, сўлим, нурафшон тонг хушовоз хонанданинг дилрабо қўшиғи билан уйғонгандай. Бу қўшиқни Раҳимахон куйлаяпти. Хонанда шунчаки куйламайди, балки дил-дилидан яйраб-яшнаб куйлайди. Дарёдек жўшқин бу овоз кимнинг хуморини ёзмайди дейсиз. Уни «Қўқон булбули» деб бежиз атамаганлар.

Раҳимахон ёшликда онаси билан биргаликда тўй-маросимларга, сайилларга борар, Фарғона водийсида кенг тарқалган халқ қўшиқларини, лапарларини, ҳамшаҳарлари Бидонхон, Ҳадяхон ва Ҳурматхон ая сингари ҳофизлар куйлаган «Тановар», «Кўрдилар», «Омон ёр», «Бахтни чорлаб», «Ҳо, ҳо» каби халқ термаларини диққат билан тинглар ва кейинроқ ўзи ҳам ижро этиб, рақсга тушар эди.

Мактабда ўқиб юрган кезларида Раҳимахон шаҳар ва областда ўтказиладиган ёш талантлар кўрикларида қатнашиб, қўшиқ шинавандаларининг диққатини торта бошлади. Унинг ёш қалби орзуларга лиммо-лим эди. Фашист босқинчиларининг мамлакатимизга хоинона ҳужуми унинг эзгу режаларини шамолдай тўзғитиб юборди. Вақтинча ўқишни тўхтатиб, шаҳардаги Муқимий номли шоҳи-атлас фабрикасига ишга кирди. Бу ерда у атласни қўшиқ айтиб тўқирди. Қўшиқларида эзгу орзуларини қўшиб куйларди: овозидаги, қалбидаги нафосат атласга кўчаётгандек, мўъжиза яратаётгандек туюлиб атласчи қизларнинг ҳавасини тортарди.

Тўқувчи қиз ижро этаётган бири-биридан гўзал, тароватли халқ қўшиқларининг таърифини эшитган кекса санъаткор — Ҳамза Ҳакимзода қўшиқларининг биринчи ижрочиларидан, Ўзбекистон ССР халқ артисти, марҳум Мурод Қўлдошев Раҳимахонни театрга таклиф қилди. Шундай қилиб, у Қўқондаги Ҳамза номидаги ўзбек Давлат музикали драма театрига кирди. Катта санъат даргоҳи хонандага бағрини кенг очди. Бу даргоҳ хонанда истеъдодининг тўла намоён бўлишида муҳим роль ўйнади.

... 1953 йилнинг ёзи. Сўлим оқшом. Театрнинг ёзлик томоша зали қўшиқ мухлислари билан гавжум. Саҳнада Навоий, Огаҳий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Ҳамза Ҳакимзода, Чархий ғазаллари Раҳимахон ижросида юракларни сел қилмоқда. Еш хонанданинг ўтмишда халқимиз чеккан азоб-уқубатларни хотирга солувчи, маҳзун ҳамда фаровон турмушимизни мадҳ этувчи, шўх, ширали овозига маҳлиё бўлган кексаю ёш — ҳамма ҳаяжонда. Улар истараси иссиқ, ёқимтой чеҳрали Раҳимахонни олқишлар, саҳнага қайта-қайта таклиф қилар эдилар. Хонанда залдагиларга таъзим бажо келтирар экан, бу унинг ҳам халққа, ҳам санъат даргоҳидаги устозларига қалбан миннатдорчилик изҳоридек бўлиб туюларди.

Мана 30 йилдирки, Раҳимахон театрда. Қутлуғ санъат даргоҳи уни камолга етказди, элга танитди. 1966 йилда у «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» деган шарафли унвонга сазовор бўлди. Унинг репертуаридаги қўшиқлар ранг-баранг. «Қўқон», «Она», «Баракалла, пахтакорим», «Қари наво», «Мужгонларинг», «Бахт қуёши», «Партиям», «Вафодан вафо», «Ўзбекистоним», «Қулинг», мақом йўлидаги «Имтиҳон этиб кет», «Баёт-1», «Озорсиз», «Қўқон ушшоғи», «Тўлқин», «Гулузорим» каби классик қўшиқлари фикримиз тасдиғидир. Унинг бошқа қўшиқчиларимиздан фарқи шундаки, Раҳимахон айтаётган қўшиқларнинг аксарияти халқ орасида кенг тарқалгандир. Хушовоз хонанда халқ музикаси дурдоналарини ва халқ термаларини топиб ўрганиб, сайқал беради, ўзи куйга солиб айтади. «Раҳномолар», «Кўпайсин», «Теримчи қиз», «Ўргилай», «Фабриканинг йўлида», «Ғайратингга қойил», «Тановор», «Гул ўйини», «Учир» сингари янги оҳангдагу шўх, қувноқ яллалари ва юморга бой ҳазил қўшиқларини санъат шинавандалари яхши биладилар. Айниқса у доира билан айтиладиган «Қўқон ёр-ёри» қўшиғини ўзгача меҳр, ўзгача завқ билан куйлаб, дилларга ором бағишлайди.

Раҳимахон ҳеч қайси хонанданикига ўхшамайдиган ўз овозига эга. У ҳамиша янги-янги ижодий изланишлар билан банд. Элга манзур қўшиқлар ахтаради, ўз устида тинмай ишлайди.

Раҳимахон ўз репертуаридаги ялла ва лапарларини чирманда билан айтиб, томошабинлар ва санъат ихлосмандлари қалбида завқ-шавқ уйғотади. Шу билан бирга ўзининг бутун маҳоратини шогирдларига ўргатади.

Мақсуда Тошматова, Муборак Акрамова, Хурсаной Қодирова, Саломатой Исроилова каби ёш хонандалар унинг издошларидир.

Раҳимахон актриса сифатида спектаклларда ҳам қатнашиб, кўпгина образларни маҳорат билан ижро этди. Театр репертуаридаги Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасида Раҳима хола, Комил Яшиннинг «Нурхон» музикали драмасида Кимё, Собир Абдулланинг «Муқимий» музикали драмасида Рисолат чевар, Ҳайитмат Расулнинг «Куёвнинг омонати» комедиясида Тўти каби образлар шулар жумласидан. Чунончи, «Муқимий» спектаклидаги Рисолат чевар образи жафокаш, заҳматкаш, замона зулмидан сабр косаси тўлган, орзу-умидлари ушалмаган мушфиқ, мунис оналарнинг типик вакилидир. Бу образ севимли актрисамиз Раҳимахон Мазоҳидова ижросида ўзининг тўлақонли ифодасини топди. Рисолат чеварнинг соддалиги, одамларга ғамхўрлиги, қизи Обиданинг севгани билан турмуш қуриб бахтиёр ҳаёт кечиришини орзу қилиши санъаткор ижросида ишонарли очиб берилди. Шунингдек, «Ўзбекфильм»да суратга олинган «Ўтган кунлар» ва «Зулматни тарк этиб» фильмларидаги эпизодлик ролларни ҳам Раҳимахон чуқур муҳаббат билан ижро этган.

1976 йилда республикада театр санъатини ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Раҳимахон Мазоҳидовага Ўзбекистон ССР халқ артисти деган юксак унвон берилди.

Халқ қўшиқлари билан ўсиб, камолга етган, бугун уларни жон-дили билан куйлаб эл-юрт кўнглини олаётган, севимли қўшиқчимиз Раҳимахонга дилларни элитувчи овозингиз осмону заминга таралаверсин, дегимиз келади.

Коммуна ОЛИМОВА

Челак посёлкасидаги маданият ва истироҳат боғига қарашли Абдимурод Эргашев бошчилигидаги дорбозлар группаси ҳам ўз санъатлари билан томошабинларни хушнуд этиб келаяптилар. Бу дорбозлар группаси 1981 йили ташкил топган эди. Группада 6 киши бор. Уларнинг ҳар қайсиси ўзига хос санъат мутахассислигига эга.

Коллектив ҳали кичик. Турли программада томошалар намойиш этиш учун уларнинг имкониятлари чекланган. Баъзи зарур инвентарлар ҳали етарли эмас. Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўйлашлари, коллективга ғамхўрлик қилишлари лозим.

Миллий санъатимизнинг классик тури бўлмиш карнай-сурнайчилик, дорбозлик, полвонлик, масхарабозлик ва бошқалар областимизда аста-секин тараққий этаяпти. Санъат мухлисларининг бу касбларга қизиқиши азалдан маълум. Жойларда маданият ходимлари, маҳаллий ташкилотлар миллий санъатимиз ривожи устида кўпроқ бош қотирсалар, уюшган группалар тузсалар, санъат тараққийсига бебаҳо ҳисса қўшган бўлур эдилар. Ҳали халқимиз орасида тарқоқ ҳолда қанчадан-қанча санъат дурдоналари яшириниб ётибди. Уларни авайлаб-асраб келажак авлодларга етказиш санъат аҳлининг муқаддас бурчидир.

Имом САЛИМОВ

Самарқанд.

ТОМОРҚА

Абдусаид
КЎЧИМОВ

Ёш адиб Абдусаид Кўчимов «Ширин хаёллар оролчаси» номли қисса ёзди. Унда қишлоқ меҳнаткашларининг бугунги ҳаёти тасвирланади. Қуйида қиссадан парча ўқийсиз.

Ўтган йилнинг баҳори эди.

Мактабдан қайтган Суярқул ҳовлидаги шовқин сурондан қўрқиб кетди. Кичкина янгаси келганидан бери уйда ғиди-биди кўпайиб қолди. Икки янгаси тез-тез айтишиб қолади. Мана, ҳозир ҳам каттаси ўчоқ бошида, кичиги пешайвонда — бири-биридан ошириб шанғиллашар эди. Биттаси: «Кеча келиб хўжайинчилик қилишни сенга ким қўйибди!» — деса, иккинчиси «Чўрим бўлади, шилтамни тозалатаман, деб ўйловдингми?» — дейди. Бечора онаси ўртада: «Бас қилинглар, бўлди, қўни-қўшни нима дейди?», деб қалт-қалт титрайди. «Секинроқ, секинроқ», деб ёлворади. Яхшики, отаси — Малик муаллим келиб, янгалари «ини»га кириб кетишди.

Чорпояда чол-кампиру Суярқул қолди.

— Ажратмасангиз бўлмайди, — ҳиқиллади Ширин хола.

— Бирор йил муроса қилишсайди. Невара тўйини ўтказсам девдим. Ундан кейин, томорқаям...

— Томорқа деса дамингиз ичингизга тушиб кетади. Одамлар бешикдаги боласигача жой олиб, равот қуриб қўйипти. Бу киши... — Ширин холанинг киприкларида ёш милтиради. Малик сукутга толди, сўнг чорпоядан тушиб, оғзида носи бор одамдай миқ этмай кўчага чиқиб кетди. Шу кетганча кун ботарда хомуш қайтиб келди.

— Сенга айтувдим-ку, ҳозир бу гапнинг мавридимас деб. Қаёқдаги гаплар билан одамни хит қилганинг-қилган, — кампирини койиди у.

Бир маҳал осмондан тушгандай Турди келиб қолди. Илгарилари, отаси айтгандай «Пичоғи мой устидалигида «Жигули»сини ғизиллатиб эшиклари олдидан ғизғиз ўтсаям, бурилиб, жиянларимни кўрай демасди. Суярқул тоғасини жини суймасди. Кассирликдан бўшаб, фермадан қувилганидан буён бўзчининг мокисидай серқатнов. Жиянлари энди эсига тушибди...

Онаси Турди тоғасига бор можарони айтиб берди.

Турди воқеани эшитиб, Малик муаллимни жеркиб кетди:

— Хафа бўлманг-ку, почча, ғирт афанди экансиз. Раис бир оғиз «йўқ» деса, шумшайиб келавердингизми? Ким айтади сизни ўқиган, ҳақ-ҳуқуқни таниган, деб. Уч рўзғор каталакдай ҳовлида тиқилиб ўтирган бўлсангиз-у, қойиле! Молхонанинг ёнида икки томорқалик жой бор. Аниқ биламан. Туллак раисингиз биронта уруғига мўлжаллаган-у, ҳалигидақа гап билан сизни алдаган. Лақиллатган. Туринг, ҳозир гаплашамиз!

Малик бир хотинига, бир Турдига қараб, дўпписини қўлига олди. Ярми арчилган бодрингдай бошини силаб ўтираверди.

— Бир нима десангиз-чи! — зорланди хотини.

Малик дўпписини тиззасига ура-ура аранг қўзғалди.

Кетишди. Анчадан сўнг Маликнинг бир ўзи бўшашиб қайтиб келди. Фойдаси бўлмабди. Молхонанинг ёнбоши омборга мўлжалланган экан.

Шу билан келинларнинг ғидибидиси тиниб, уйдаги безовталикка ҳам барҳам берилгандек бўлувди. Уч-тўрт кундан кейин қайси гўрдан яна Турди тоғаси пайдо бўлди. Қўлларини силкиб худди отасига ўтказиб қўйган жойи бордай дўқ уриб кетди:

— Мен бу одамга айтгандим-а, у тулки сизни боплади, деб. Ана томоша қилинг, раис омбор қурамиз деган жойда бош буғалтир ўғлига солаётган қўрғонни!

— Қурса қурар, бизга насиб қилганиям бордир, — деди Малик муаллим. Тилида шундай деди-ю, ичидан зил кетди: «Наҳотки ўз ўқувчиси алдаган бўлса...»

Поччасининг бепарволиги Турдини ёндирди-куйдирди:

— Қанақа одамсиз ўзи?! Аҳмоқ қилишаётганини ҳалиям тушунмаяпсизми?

Турдининг ёнига Ширин хола қўшилди:

Х. Лутфуллаев чизган расм.

— Бу кишимнинг хаёли етти қават осмонда! Тумшуғи тагидаги ошни пишак ҳалоллаб кетсаям, ғинг демайди!

Табиатан оғиркарвон муаллимнинг лабида синиқ кулги қотиб қолган эди, у лом-мим демасди.

— Гап шапалоқдай ердамас, почча, номусда! Дунёда ор-номус деган гаплар ҳам борлигидан хабарингиз борми ўзи!

— Токайгача берсанг ейман... деб ўтирасиз. Туринг. Боринг! Тошлоқдай жойдан ер берса, додимизни кимга айтамиз! — тутоқди хотини.

Маликнинг пешонаси қовун пўчоқдай тириширб кетди. Индамай ранги ўчган туфлисини оёғига илди.

— Тағин қаёққа? — яйраб кетди Турди.

— Тағин қаёққа? — йиғламсираси Ширин хола.

— Яна бир учрай-чи...

— Бу бошқа гап! — яйраб кетди Турди.

— Сен ҳам боргин, Турдижон. Бу кишининг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб юборишмасин тағин, — Ширин хола укасини ҳам муаллимга қўшиб юборди. Иккови Турдининг «Жигули»сига ўтириб, йўлга тушишди.

— Сира бўш келманг, — худди ўқувчига сабоқ бераётгандай бора-боргунча поччасини «ўқитиб» кетди Турди. — Уларнинг методини биз биламиз. Паст кетсангиз...

Турдининг гаплари поччасининг у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетар, кап-катта одам бир парча ер деб жанжал қўтармоқчи бўлаётгани учун ўзини койир эди.

Машинанинг тўсатдан тўхташи Маликнинг хаёлини тўзитиб юборди. Улар колхоз правлениесининг икки қаватли булутдай оппоқ биноси қошида эдилар.

— Менам кирайми, ё...

Малик Турдининг гапини эшитмагандай машинадан тушди.

Назаров уни илиқ қарши олди:

— Деразадан кўриб, ҳойнаҳой олдимга келаётгандир, деб ўйловдим. Адашмабманми?

Маликнинг ичида бир нима «шов» этиб тўкилгандек бўлди... «Демак, Турдиниям кўрибди. Шу палакатни эргаштирмай девдима...»

Узун, ялтироқ столнинг икки ёнига бетма-бет ўтирдилар.

— Хўш, соғлиқ тузукми, зерикиш йўқми ишқилиб?

— Зерикиб бўладими. Шу... — Малик чайналди. — Келинлар нобопроқ чиқиб қолди-да, ука.

— Айтувдингиз...

— Кампирам қулоқ-мияни еб ташлади томорқа деявериб. Ҳалиги... молхонанинг ёнбошига буғалтир иморат қураётганини эшитганми-е, тоза гаранг қиворди.

— Шундай денг... Ўзимам бир ишкали чиқади, дедим-а...

Жимиб қолишди. «Бунақа ишлар билан муаллимнинг иши йўқ. Турди тезлаган» — суҳбатдошига ер тагидан қараб қўйди Назаров. «Ишнинг тиғизида калласини қотириб ўтирганимни. Ўзи, аёлнинг гапига кирган эркак — эркакмас-да...» койинарди Малик.

Жимликни Назаров бузди:

— Бир жойда ишлагандан кейин «йўқ» дейишдан қийини бўлмасакан, муаллим. Молхонанинг ёни ҳақиқатанам омборга планлаштирилган эди. Усмонхон акамиз тирғалиб олгандан кейин... — Назаров туриб дераза ёнига борди. — Шунча кутдингиз, яна ярим йил сабр қилинг. Айтганимдай, қишлоқ этагидан янги кўча тушади. Ўттиз хўжалик уй-жойли бўлади. Ўшанинг иккитаси сизники.

Маликнинг хаёлига Турдининг: «Ўша бухалтирчаликмасмисиз?» — деган гапи келди. Хижолатпазлиги аллақандай оғриқ билан алмашинди.

— Ҳар қалай, ўша ерни Усмонгаям бермаслик керак эди-да, — деган сўзлар беихтиёр оғзидан чиқиб кетди.

Назаровнинг ғаши келди. «Жигули»га суяниб, шу тарафга тикилиб турган Турдига кўзи тушиб, жаҳл билан ҳарир пардани ёпди:

— Бўлган иш — бўлди. Усмон аканинг пахсасини бузолмаймизку, — деди ижирғаниб.

— Усмонга топилган йўл, бизгаям топилар, — негадир тажанглиги тутди Маликнинг. — Бизнинг шароит ҳам уникидан яхшимас.

— Йўқ демадигу, —ошкора жаҳли чиқди Назаровнинг. — Тушуниш керак-да!

— Мен-ку тушунаман-а...

— Тушунсангиз, каллани ачитманг-да!

Назаровнинг пўписаси Маликка яна Турдининг гапларини эслатди: «Паст кетсангиз...»

— Бизга йўқ деб... айбимиз бугалтир бўлмаганимиздами?!

— Шундай бўп қолди, хўш?

Назаровнинг нописандлиги Маликнинг томирларида тўниб ётган қонни қайнатиб юборди:

— Шунақами, атайин қилдим дегин?

— Шунақа!!!

Малик бўзарди. Биров қулоқчаккасига қарсиллатиб ургандай гарангсиб қолди. У Назаровни ҳалиям эгнини қисиб юрадиган, камтар-камсуқум ўқувчи сифатида тасаввур қиларди. Унинг шунчалар каттазангликка бориши етти ухлаб тушига кирмаган эди.

— Менга қаранг, ука, — раисни инсофга чақирмоқчи бўлди Малик — Сиз...

— Қараб турибман. Бир соатдан бери телевизорга қарагандай афтингизга тикилиб ўтирибман, — ошкора таҳдидга ўтди Назаров. — Турдингиз бир йил безори жон қилди. Энди сиз... кўясизларми, йўқми, ишлагани. Агар стул керак бўлса, ана, олинглар. Қўшқўллаб топшираман!

— Жойинг ўзингга буюрсин, укажон. Мен...

— Муаллимжон, дардлашиб бўлдик. — Гапни чўрт кесди Назаров. — Норози бўлсангиз, катта-катта идоралар кўп, истаган жойингизга арз қилишингиз мумкин.

— Ҳали шундай денг?!

— Шундай!!!

Малик яна бир нималар демоқчи бўлди-ю, деёлмай, эшикни қарсиллатиб чиқиб кетди...

* * *

Маликнинг Турдига бир нималар дегани, Турди идорага қараб қўл силтагани, кейин машинага ўтириб жўнаб кетишганини Назаров деразадан кўриб турди. Кўнгли ғашланди: «Колхозчилар бетгачопар, закончи бўлиб кетяпти. Кимга яхшилик қилишниям билмайсан».

Қалампирнусха гулли дўппини қулоғигача бостириб кийган, шопмўйлов, эллик беш ёшлардаги думалоқ киши кабинетга кириб, раиснинг хаёлини бузди:

— Малик муаллим тажанг бўлиб кетяпти, нимага кептийкан? — деди у ёшига ярашмайдиган чаққонлик билан йўрғалаб келиб Назаровнинг қаршисида тўхтаркан.

— Йўқ ердан бир дунё тўпалонни сотиб олиб бердингиз-да, Усмонхон ака, — ўпкалади раис.

— Тинчликми?

— Билиб туриб сўрайсиз-а. Томорқанинг жанжали-да.

— Э, шунга-шунчами? Бунақа жанжални энди кўряпсизми, Бегматжон.

— Шикоят қилмоқчи.

— Парво қилманг. Қўлидан ҳеч бало келмайди. Ундан кейин бу — правление қарори.

Раиснинг кўнгли сал тинишди. Ўтириб, колхознинг ҳисоб-китоби ҳақида суҳбатлаша бошладилар.

* * *

Турдининг қўллари қувончдан титрайди, ичидагини Маликка сездириб қўймаслик учун рул устига ётиб олган. «Мана, ҳунарингни кўрсатадиган пайт келди, Турдивой. Олдин ёлғиз эдинг, гуноҳкор эдинг. Тилинг тушовда эди. Энди поччани ишга солиб, сен раис тўрани бир ўрай-бир ўрайки, қайси тешикка кирарингни билмай қолгин! Қасосли дунё бу, оғайни».

Турди олти йил сурункасига колхозда кассирлик қилди. Сумка-сумка пуллар қўлидан ўтди. Бир кунда юз минглаб пул тарқатган пайтлари кўп бўлган. Юзидан бир, мингидан ўн ушлаб қоларди.

Ким нима деса десин, лекин, дунёда кассирликдай мойли иш йўқ. Одамлар раис бўлай дейди, министр бўлай дейди. Хўш, раислик нима? Қип-қизил ғалва! Кассир-чи? Оти паст-у, хонаси келиб қолганда унча-мунча раисингнинг бир ойлигини бир соатда топади.

Турди олти йил кассирлик қилиб шу қарорга келди. Аммо, Бегмат унинг олти йиллик тоатибодатини кул қилди. Раис бўлган йилиёқ бўшатиб ташлади. Сабаб? «Одамлар норози эмиш». «Хўш, одамлар қайси кассирдан рози? Идорага келган ҳар бир меҳмонни зиёфат қилиш (баъзиларга олиб бориладиган совғасаломни ,ўйиб турайлик), банка мудирига пул тиқиш (пул тиқмасанг бир тийин олиб бўпсан!), раис курортга жўнаса, кистасини қаппайтириш кассирнинг зиммасида бўлса. У шўрлик пулни қаердан олади?» Бегмат шуларни биларди. Партком эди, кўзи кўр, қулоғи кар эмасдир, ахир. Жўрақул аканинг тагига сув қўйган ҳам шу. Икки йил Жўрақул аканинг ўнг қўлиман деб юрди-юрдию, ағдарди-ташлади. Ғафлатда қолди Жўрақул ака. Қандай одам эди-я. Баҳоси йўқ эди. Олти йил ҳисобига, иримига бир-икки койиган киши бўлувди, холос. Қаерга борса, Турдини ёнида олиб юрарди. Тўй-ҳашамларнинг тўрида, базми-жамшидларнинг зўрида раис билан бир даврада ўтирарди у. Мушугини «пишт» дейдиган мард йўқ эди бу атрофда. Бегмат кўриб-билиб юрарди шуларнинг барисини. Лекин, ғинг демасди. Дарди ичида экан. Раис бўлди-ю... Ишдан олди — чидади, ўрнига бурни оқиб юрган синфдошини қўйди-чидади. «Майдароқ иш берар» деган илинжда дардини ичига ютди. Кутди. Бугалтирга ёрдамчиликни ҳам раво кўрмади, занғар. «Етти классли савод билан бухгалтерияда ишлаб бўлмасмиш». Юз минглаб пулларнинг ҳисоб-китобини қилиб юрган одамни шундай дейиш инсофданми? Жа, билмай қолса ўрганиб кетарди!

Эски раиснинг биқинида юриб колхознинг анча-мунча «сири»ни билиб қолган эди. Йил охирида шу «сир»дан биттасини очди. «Колхоз гўшт планини пул билан тўлдирди», деган мазмунда райкомга думалоқ хат юборди. Лекин, факт тасдиқланмади. «Бу ярамас райкомнинг оғзини мойлаган» деб, обкомга ёзди. Шикоятни янги маълумотлар билан «семиртириб» «Колхоз фермасида раиснинг иккита шахсий ҳўкизи бор (Жўрақул ака шундай қиларди, буям ундан қолишмас). Чойхона учун келтирилган пишган ғишту ёғочдан раис ўзига данғиллама уй қурди...»

Колхозни бир ой комиссия текширди. Яна ҳеч гап йўқ. Жиғибийрони чиққан Турди энди очиқ «кураш»га ўтди. «Мени ҳеч қандай гуноҳсиз бўшатди» деб райкомга борди. Шайтон раис бунинг ҳам йўлини топди. Ун-ўн беш чоғли колхозчидан «тилхат» ёздириб олган экан. Райкомдагиларга элтиб берибди. «Олти йиллик ишини текширди кўринглар», дейишибди райкомдагилар. Қараса — иш чатоқ. Бировга отган тоши қайтиб ўз бошини ёрадиган. «Олти боламга раҳминг келсин», деб йиғлаб Бегматнинг уйига борди. «Яна шундай аҳмоқчилик қилсам, энам хотиним бўлсин», деб қизиқ устида «эчки» қасам ичиб юборди. Ҳар қалай, Бегмат ишни босди-босди қилди. Унинг кўнглида қандайдир раҳм-шафқат уйғондими, Турдини сут-товар фермасига ҳисобчи қилиб қўйди. Шунисига ҳам шукурлар айтиб, ризқини териб юрган эди. Шу йилнинг бошида фермадан ҳам қадами қирқилди. Нимамиш — ем-хашак сотганмиш... Бир қоп ем, бир қанор сомон билан колхознинг уйи куйиб қоларканми? Мардон ферма раисга анча ялинди. Раис кўнмади. «Қинғир одам букирдай гап, икки дунёда тўғрилаб бўлмайди», дебди.

Турди Мардон ферманинг икки жуфт гунажинини бир ярим йилда ўз қўли билан боқиб, буқадай семиртириб берди. Бегмат ўғлини тўй қилганида, колхознинг акангман деган ҳўкизини ўз қўли билан сўйиб, аравага ортиб юборди. Алоқани бузмай, отим ёмонга чиққан, деб дарди ичида экан. Яна бошқа гаплар ҳам бор. Мана энди кўрсатади кўзига!

* * *

Суяркул отасини таниёлмай қолди: бўғриққан, бурун катаклари титраган, ҳамма ерга чўғ тўшалгандай ўтиргани жой тополмайди.

Кечқурун меҳмонхонага қариндош-уруғлар тўпландилар. Алламаҳалгача алланималарни муҳокама қилдилар. Турди ғилай: «Сизни, қирқ йиллик муаллимни шунча оёқ ости қиладими? Бунга ким чидайди? Мен уларнинг кирдикорларини беш қўлимдай биламан. Оғайнилар, энди бирлашиб иш кўрайлик. Раиснинг шохини қайириб ташламасак, эрта-индин ҳаммамизни тепкилайди», деб ўтирганларга ўзиникини маъқуллатди. Бирови уни ёқлади, бирови қарши чиқди. Тортишув қизиди. Ким нима деяётганини билиб бўлмай қолди: «Колхоз катталарининг бари ўғри, каламуш. Боплаб райкомга ёзиш керак!» «Катталар осмондан тушибдими, ҳар биттасининг гала-гала оғайниси бор, биз ёз-ёз қилсак, улар мўлтайиб қараб турарканми?» «Хўш, қирқ йиллик муаллимни бир тирмизак оёгости қилиб ташлайверсинми?..»

Пойгакда папкасини қучоқлаганча мудраб ўтирган Суяркулга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳар куни кундалигини кўрадиган, дарс тайёрлатадиган отаси ҳам уни тамоман унутиб юборган эди.

Уни уйқу элитар, киприклари кўрғошиндай минут сайин оғирлашиб борар, айни вақтда капкатта кишиларнинг ҳудди болалардай бақириб-чақиришларини ҳам жон-жон деб томоша қилгиси келар эди. Охири уйқу зўрлик қилди: аввал секин ёнбошлади, сўнг папкани ёстиқ қилиб, ғужанак бўлиб уйқуга кетди.

* * *

Турдининг қўли билан битилган «ариза»сини ўқий туриб, Маликнинг азойи баданидан муздай тер чиқиб кетди. «...Колхозда маданий ишлар ўлда-жўлда. Ҳалигача тузукроқ шийпон йўқ. Боғча — номига. Болалар эртадан қора кечгача чангга беланиб, кирчир юради. Келтирилган ўйинчоқларни мудир қариндошларига «совға» қилиб юборган. Колхоз фермасида мудир билан бош бухгалтернинг иккитадан новвоси бор. Баҳорда раис маёвкага чиқади. Халқнинг битта ҳўкизи қовурмажаркобу кабоб бўлди. «Касалланиб ўлди» деган ясама акт тузилди...»

Малик «Шикоят»ни бир ҳафта ёнида кўтариб юрди. «Қариганимда бу ғалванинг нима кераги бор. Раис инсофга келиб қолар». «Шикоят» лағча чўғдай кўкрагини куйдирди. Аҳвол «шундайшундай» демоқ ниятида идорага борди. Раис бўлса муаллимни олисдан кўрди-ю, машинасини чангитиб ўтди-кетди. «Боре»! Жўнатиб юборди.

Редакция почтасидан

ИҚТИДОРЛИ ВРАЧ

Муроджон йигирма уч ёшида оғир дардга чалиниб қолди. Суяклари зирқираб оғрир, ўқтин-ўқтин оёқларининг томирлари тортишиб қолар эди. Врачлар унда остеохондроз (бўғинларда туз йиғилиб қолиш) касаллиги пайдо бўлганини аниқладилар.

Беморни зудлик билан Бухоро тўқимачилик комбинати қошидаги медицина-санитария бўлимига жойлаштиришди. Бўлим бошлиғи, тажрибали травмотолог Раҳматулла Тўраев беморни муолажа қилабошлади. Муроджон Саидов орадан икки ҳафта ўтгач ўзини яхши ҳис қила бошлади.

Шу ўринда врач Р. Тўраев қўллаган усул нимадан иборат? деган савол туғилиши мумкин.

Бу мануалтерапиядир (қўл терапияси деган маънони билдиради). Врач қўл ҳаракати билан бир неча бор беморнинг асаб томирларини силаб уқалайди. Бу муолажа тўрт-беш марта такрорлангач беморнинг касал томирларида кескин ўзгариш юз беради. Шуни ҳам айтиш керакки, бу даволаш усулини Бухоро областида истеъдодли врач Раҳматулла Тўраев биринчи бўлиб қўллаяпти.

У бу самарали усулни Киев шаҳрида малака ошириш курсида ўқиб юрган вақтида ўрганди. У ўша ердаги Вертебрология (умуртқа касалликлари) илмий-тадқиқот институти клиникасида дори-дармонсиз — манупуал терапия ёрдамида даволаш усулини кўрди ва унинг сирларини билишга интилди. Мазкур усулга яна жисмоний машқ ҳам қўшилса, бемор касалликдан бутунлай фориғ бўлиб кетишига тўлиқ ишонч ҳосил қилди.

Раҳматулла Тўраев Киевдан қайтгач «АО» системаси пластинкаларидан фойдалана бошлади. Бу система пластинкаларининг афзаллиги шундаки, у синган суякларни яхши ушлаш билан бирга қўшимча гипс қўйишга ҳожат қолмайди ва натижада касалнинг жароҳатланган оёқ бўғинларининг ҳаракати яхши сақланиб қолади. Тиббиётимизнинг мазкур янги усулларини ёш шифокор клиникада кенг қўлламоқда.

Ҳа, Раҳматулла Тўраев раҳбарлик қилаётган бўлим шифокорлари шу йилдан бошлаб оғир остеохондроз касаллигига чалинган беморларни даволашда янгича даволаш усулини кенг қўллаб, яхши натижаларга эришмоқда.

Касалхонага оғир аҳволда келтирилган бемор Ш. Тўраевага қорин оғриғи азоб берарди. Бемор остеохондроз касали гумони билан травмотология бўлимига ётқизилди. Ўтказилган 9 сеанслик даволаш натижасида беморнинг фалаж оёғи тузалиб, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди.

Р. Тўраев қўллаган усул туфайли кўп беморлар уч-тўрт ҳафтада яна ўз ишларига қайтмоқдалар. Беморлар соғайиб чиққач, уларга даволаш физкультураси билан шуғулланиш топширилади. Бу эса уларнинг умуртқа мускулларини мустаҳкамлаш билан бирга остеохондроз касаллигининг олдини олишга ёрдам беради.

Р. Тўраев қўллаётган юқоридаги усулнинг тўғрилигини ҳаёт тасдиқлади. Айни пайтда комбинат ишчилари учун 150 кишилик янги профилакторий очилиши мўлжалланмоқда. Шундан йигирма ўрин остеохондроз билан оғрийдиган беморларга ажратилади.

Бу ерда шифо топиб, меҳнат қучоғига қайтган М. Саидов, Л. Калинина, Г. Каримова, З. Мажидов ва бошқалар сеҳрли қўллари билан мўъжиза яратаётган Раҳматулла Тўраев бошлиқ саломатлик посбонларидан чексиз миннатдордирлар.

М. ГАВРИЕЛОВ,
шахсий пенсионер



Ўзбекистон Қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг илмий ходими Ш. Шукурова.

Н. Шарипов фотоси

ЛАҚМАЛАР

ИНТЕРМЕДИЯ

Фолбин аёл фол кўрмоқда, рўпарасида Пошшохон.

Фолбин. Йўқотганингизнинг ўзи нима? Жонли молми, жонсиз молми, тиллами, дурми, пулми, машинами?

Пошшохон. Топдингиз, топдингиз, айланай, машина! Ўғлим билан келиним тўйга боришганди, ўша ердан обкетиб қолишибди. Шўппайиб келишди. Уч кундан бери дараги йўқ.

Фолбин. (ўзича пичирлайди). Фол, фол, фол! Келди, ол! Келди, ол! Ҳай-ҳай-ҳай, ўзга ҳол, ўзга ҳол, ўзга ҳол! Ким, ким, ким? Жим, жим, жим! Билинди, билинди, кўзларимга кўринди, кўринди. Куфф! Куфф! (Пошшохонга) Машинангиз оқмиди?

Пошшохон. Йўқ, кўк эди.

Фолбин. Кўзимга тўртта машина кўриняпти. Оқ, қизил, сариқ, кўк. Им! Им! Тўрттови ҳам катта сувнинг тагида. Атрофида балиқлар ўйнаб юрибди.

Пошшохон. Вой, қайси сувнинг тагида экан? Чиқариб олса бўладими?

Фолбин. Бўлади, айланай, бўлади. Чиқариб олиш учун дарёни тўхтатиш керак.

Пошшохон. Вой, адо бўлгур ўғрилар-ей, дарёга ташлаб юборибдими? Дадаси ҳам айтувди-я, запчастларини олиб, эт-бетга ташлаб юборишган деб. Эсизгина, энди нима қилдик?

Фолбин. Қайғурманг! Ўғри топилади, жазосини олади. Кўриб турибман. Пешонангизда яна тўртта машина бор. Булар буюради сизга! Назирингиз қабул, муродингиз ҳосил бўлсин! (Шу пайт бир аёл ғазаб билан киради).

Аёл. Мен сенинг фолингга ишониб лақиллаб юрибман-а! Э, фолинг ордона қолсин!

Фолбин. Ҳай-ҳай-ҳай! Шаккоклик қилманг. Дилимни оғритган одамнинг тили танглайида қотади.

Аёл. Елғончиники қотади!

Пошшохон. Вой, тинчликми, эгачи!

Аёл. Эрим омбор мудири. Ревизия бўлаётган эди. Ревизорларнинг кўзини боғлаб беринг, дегандим. Мана бу туморни битиб, эринг бўйнига осиб олса ревизия яхши ўтади, деганди.

Пошшохон. Нима бўлди?

Аёл. Қамаб қўйишди. Ол туморингни, бер пулимни!

Фолбин. Ҳов, оғзингга қараб гапир. Эринг катта ўғри экан. Туморнинг кучи етмабди.

Аёл. Пулимни бер!

Фолбин. Овора бўлма, фолбин, дуохон олганини бермайди.

Аёл. Ҳа, бермайсан-а, бермайсан! Қараб тур, шармандангни чиқараман.

(Унинг кетидан Пошшохон ҳам чиқади).

Ҳажв-тиканак

— Мамаражаб ака, тезроқ кимирланг, ҳа демай киш эшик кокиб қолади.
— Ҳали молхонамизга эшик ўрнатганимиз йўқ-ку, нимани қоқарди?!

Пошшохоннинг уйи. Эрмат диққат бўлиб ўтирибди.

Эрмат. Келин!

Келин. Лаббай, дада?

Эрмат. Ойингиз қаёққа кетган ўзи?

Келин. **(Кулиб)** Фол очириб келаман деяётган эдилар.

Эрмат. Ҳа, бидъатчилиги қолмади, қолмади-да.

(Пошшохон эшикдан ғамгин ҳолда кириб келади.)

Пошшохон. Машинадан ажрабмиз, дадаси.

Эрмат. Фолбин нима деди?

Пошшохон. Машина дарёнинг тагидамиш. Агар дарёнинг сувини тўхтатса, олиш мумкин экан.

Эрмат. Ҳе! Офарин, офарин! Жуда каромат қипти-ку!

(Шу пайт телефон жиринглайди. Эрмат трубкани олади.)

Эрмат **(Шошиб)** Лаббай?

Собиров. Капитан Собировман. Машинангиз топилди, ўғрилар ҳам ушланди. Бахтингиз бор экан, машина шикастланмаган.

Эрмат. Раҳмат, раҳмат, ўртоқ капитан.

Собиров. Тез етиб келинг.

Эрмат. Хўп, ҳозир етиб бораман **(трубкани қўяди)**. Эшитдингми, топилибди. Бешикаст эмиш!

Пошшохон. Вой, хайриятей!

Эрмат. Мен кетдим.

(Эрмат чиқиб кетади).

Келин. Машина бу ёқда экану, ойи, дарёнинг тагида деб фолбин айтганмиди.

Пошшохон. Ҳа, ер ютсин, фолбин шундай деди. Устида балиқлар ўйнаб юрганмиш. Мен унинг гапига чиппа-чин ишонибман-а.

Келин. Ҳамма айб ўзимизда, ойижон, лақмамиз.

Эргаш РАИМОВ

— Амакингга жой бер, ўғлим!

— Бу киши амаким эмас, амакиларимнинг ҳаммаси дадамнинг идорасида ишлайди.

МОНАНДЛИК

Спектакль тугагач,
Табриклашди Солини:
— Қойиллатиб ўйнадинг,
Ичкиликбоз ролини...

— Э, қўйсанг-чи, шунчаки...
У камтарлик қиларди.
Яқин борсанг оғзидан,
Ароқ ҳиди келарди...

Эгамназар СОҲИБНАЗАР
Ленинобод

ЮМАЛОҚ ХАТ БИТУВЧИГА

Кимнингдир ғунчасин сўлитмоқ дардинг,
Кимнидир кафтингда ўйнатмоқчисан.
Ниятинг синдирмоқ кимнингдир қадрин,
Кимнидир армон-ла сўйлатмоқчисан.
Сунъий ғилофингни киймоққа шайсан,
Шайтонни лол этиб, ўйнайсан гаров.
Кимнингдир қалбини қиймоққа шайсан,
Тузоқлар ясайсан, тайёрлайсан ғов.
Кимнингдир китобин йиртмоқ истайсан,
Баркамол парвози сенгадир алам.
Кимнингдир асабин бузмоқ истайсан,
Фалокат қўлингда ўртанар қалам.
Кимнидир йўқотмоқ бўлиб юрасан,
Тулкидек лапанглаб, излаб чорасин.
Кимнингдир булғайсан ҳаёт дафтарин,
Тўкиб бутун заҳринг, ичинг қорасин.
Сени кўрганимда келади раҳмим,
Қаллобни сақлаган одам шаклига.
Шўрлик бу сумбатни қилдинг-ку хароб,
Емон отлиқ этиб инсон аҳлига.
Мана қаламимга бу кун сен нишон,
Эзғилаб турибман худди шу онда.
Пок қалблар уволи тутар ҳар қачон,
Сен алаф эрурсан гулгун замонда!

Янгиер

Т. ТЎРАҚУЛОВ.



— Ия, дала шийпонингиз жуда гариб-ку?

— Шийпонларга сарфланадиган маблағни ҳам клуб билан идора биносига чаплаб юборганмиз-да...

Мудир: Харидорлар билан хушмуомалада бўлиш ҳақида кўрсатма беришдию муддатини аниқ кўрсатишмабди...

Расмларни А. Холиқов чизган

«ЎЗБЕКИСТОН» КРОССВОРДИ



Энига: 5. Бухоро областидаги шаҳар. 6. Улуғбек номидаги халқаро кенглик станцияси жойлашган район. 11. Ўзбекистон ССРнинг областларидан бири. 12. Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган оддий ўзбек аскари, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 14. Республикамиздаги маълум нефть-газ саноати шаҳри. 19. Ўзбекистондаги тарихий шаҳарлардан бири. 20. Андижон денгизи соҳилидаги янги шаҳар. 21. Ҳўл мева. 22. Оловкорлар шаҳри. 23. Ўзбек совет адибаси. 26. Ўзбек халқ мақоми. 27. Ўзбекистонлик космонавт учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 29. Республикамиз шимолидаги денгиз. 33. Сурхондарё областидаги шаҳар. 37. Таниқли ўзбек режиссёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти. 38. Ирик сув омборларидан бири. 39. Жиззах областидаги район. 40. Республикадаги районлардан бири.

Бўйига: 1. Ўзбекистондаги тизма тоғ. 2. Бухоро областидаги район. 3. Сирдарё областидаги янги шаҳар. 4. Биринчи ўзбек балети. 7. Улуғ рус революционери, Ўзбекистонда Совет ҳокимияти учун кураш қатнашчиси. 8. Самарқанд областидаги район маркази. 9. Ноёб ҳайвонлардан бири. 10. Фарғона водийсидаги шаҳар. 13. Хоразм областидаги район. 15. Ўзбек халқ рақс куйларидан бири. 16. Ўзбек совет биолог олими, академик. 17. Ўзбекистон жанубидаги тоғ. 18. Таниқли актёр, СССР халқ артисти. 24. Диёримиздаги водий. 25. Доришунос олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби. 28. Машҳур халқ рақс ансамбли. 30. Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 31. Миллий таомлардан бири. 32. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор. 34. Сирдарё областидаги янги шаҳарлардан бири. 35. Туркистон тизма тоғидаги қўриқхона. 36. Тошкент областидаги санаторийлардан бири.

Тузувчи **Фозилжон ОРИПОВ**

8-СОНДА БЕРИЛГАН КРИПТОГРАММАНИНГ ЖАВОБИ

I. Хива. II. «Қўзғолинглар». III. «Очилди лола». IV. Рубоий. V. «Этгил». VI. Чокар. VII. «Алпомиш».

Билинг, ушбу замон ғамнокидурман,
Куйиб ўртанмиш элнинг ҳокидурман.
Аваэким, назм элин чолокидурман,
Бошин олмоққа хоннинг покидурман.

Аваз ЎТАР

МУҚОВАДА:

Биринчи бет: УзССР герби; Ленин ҳамиша биз билан! В. И. Ленин музейининг Тошкент филиали; Чўлқуварлар (В. Петров чизган суврат); В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи; республикамиз пойтахтидаги «Москва» меҳмонхонаси; шодиёна.

Р. Содиқов, Н. Шарипов фотолари

Иккинчи бет: Поп районидаги «Поп» совхозининг сут соғувчиси Хурсаной Сайрамова.

Андижон область, Москва районидаги «Октябрь» колхози правлениеси раиси Муродбек Холматов (ўртада), механизатор Ўринбой Сотиболдиев, бригадир Собиржон Нуриддинов.

Учинчи бет: Тошкент районидаги 1-шифохона бош врачи Баҳодир Аҳмедов, хирургия бўлими мудири Асқар Султонов, врач Аҳмад Халилов.

Коммунистик районидаги Жумабозор Луб заводи кутубхонаси ҳамиша гавжум. Суратда: кутубхоначи Ҳабиба Меҳмонқулова, ишчилардан Маҳмуд Махашев ва Ўктам Абдувалиев.

Ж. Тўраев фотолари

Тўртинчи бет: Сув бўйи, теракзор...

Н. Шарипов фотоси

М. Есин. Чотқол сув омбори.

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: Сарвар АЗИМОВ, Баҳодир АМИНОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ (бош рассом), Маҳмуд МЎЙДИНОВ, Анвар САИДУМАРОВ, Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Азиз ҚАЮМОВ, Муҳаммадали ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), Ислиддин ҲАЙДАРОВ, Оқилжон ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳаким ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41

Редакция телефонлари: бош редактор — 333520; бош редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 20.08.84 й. Босишга рухсат этилди 26.09.84 й. Р-20094. Қоғоз 70×108 1/8. Ботиқ усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 233410. Буюртма № 4319. Нашр Б-118.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.
ISSN 0134—2207